

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҶАЛИГИ

ISSN 2181-502X

№9. 2017

**Фидойинг бўлгаймиз сени,
ЎЗБЕКИСТОН!**

**Азиз ватандошлар,
аграр соҳа меҳнаткашлари,
деҳқон ва фермерлар!
Барчангизни 1 сентябрь –
Истиқлол байрами билан
қизгин муборакбод этамиз.
Хирмонларимиз сарбаланд,
турмушимиз янада
фаровон, дастурхонларимиз
тўкин-сочин бўлсин.**

**Ўзбекистон Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлиги жамоаси**

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, мана шундай қутлуғ кунда сиз, азизларни ва бутун халқимизни энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, ўзимнинг энг эзгу тилаklarимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Бундан роппа-роса йигирма олти йил муқаддам Биринчи Президентимиз, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

Шу кундан эътиборан жаҳон харитасида янги мустақил ва суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Жонажон Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихида янги давр — эркинлик ва озодлик, миллий тикланиш ва тараққиёт даври бошланди.

Биз бугун халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, истиқлол йилларида босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, ғоят шарафли йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас динимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимизни фахр билан тилга оламиз.

Албатта, ушбу ютуқларнинг қўлга киритилишида Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тарихий хизматлари беқиёс бўлганини бугун барчамиз, бутун халқимиз тақдоран эсга олишимиз табиийдир.

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Оқсарой қароргоҳи олдида Ислом Абдуғаниевичнинг ҳайкалини очдик. 2 сентябрь куни эса Ислом ака туғилиб вояга етган Самарқанд шаҳрида у кишининг ҳайкали очилади.

Насиб этса, 2018 йил 30 январда — у киши туғилган кунга 80 йил тўладиган санада Қарши шаҳрида Биринчи Президентимизга ҳайкал ўрнатиш, Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуаси барпо этиш ишларини тўла якунига етказиб, уларнинг ҳам тантанали очилиш маросимларини ўтказамиз.

Бугун барчамиз бир фикрда яқдилмиз: Биринчи Президентимизнинг Ватан ва давлат олдидаги буюк тарихий хизматлари, сўнмас хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди.

Ҳурматли ватандошлар!

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиршини таъминлаш борасида бугун олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини биз ҳар томонлама чуқур англаймиз.

Жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кескин бир давр барчамиздан янги ишлаш ва фикрлашни, юқори даражада сафарбарликни талаб этмоқда.

Олдимизда турган ана шу улкан вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик.

Ушбу Стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсатни изчил давом эттириш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Ҳаракатлар стратегиясида **“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани албатта бежиз эмас.

Биринчидан, бугунги кунда барча бўғиндаги ҳокимлар, вазирлик ва идоралар, прокуратура, суд-ҳуқуқ ва ички ишлар органлари раҳбарлари, депутат ва сенаторлар бевосита жойларга чиқиб, ўз фаолияти бўйича халқ олдида ҳисобот бермоқда.

Маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, одамларнинг ҳаётини муаммоларини ўрганмоқда, уларни қонуний асосда ҳал қилиш учун амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Иккинчидан, биз иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва шу тариқа жаҳон бозорида муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашга асосий эътибор қаратмоқдамиз.

Шу мақсадда ўтган қисқа даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида минглаб лойиҳалар амалга оширилиб, юқори технологияларга асосланган замонавий завод ва фабрикалар барпо этилаётгани, янги иш ўринлари ташкил қилинаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги ва эртанги тараққиётимиз бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда анъанавий ёндашувлардан воз кечиб, деҳқонлар даромадини кўпайтирадиган, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни етиштиришга инвестициялар жалб қилинаётгани сизларга яхши маълум.

Мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида **“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”** деган тамойилдан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш учун янги имконият ва имтиёзлар яратилмоқда.

Энг муҳими, бу соҳа минг-минглаб фуқароларимиз, аввало, ёшларимиз учун ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш, эл фаровонлигини оширишда мустақкам замин бўлаётгани барчамизни хурсанд қилади.

Учинчидан, ижтимоий соҳалар, айниқса, одамларда энг кўп эътироз уйғотаётган соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, табиий газ ва электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизмат, йўл қурилиши соҳаларида мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш, ички ишлар идораларининг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлардан ҳам албатта хабардорсиз.

Узоқ йиллардан буён халқимизни қийнаб келаётган ўтқир бир муаммо — арзон уй-жойлар масаласини ҳал этиш мақсадида биз 2017-2021 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур қабул қилдик.

Ушбу дастурга биноан, келгуси беш йилда 1 минг 136 та кўп қаватли, арзон уй-жойлар, жумладан, қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 100 мингдан ортиқ турар жой бинолари барпо этилади.

Шу кунларда фақат қишлоқ жойларнинг ўзида жорий йилда қуриб битказилган янги уйларда 5 мингдан ортиқ оила ҳовли тўйларини ўтказаётгани албатта ҳаммамизни қувонтиради.

Бу ишларни изчил давом эттириш ҳақида гапирар эканмиз, инсонларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш биз учун одамийликнинг энг олий мезони, энг муҳим вазифа бўлиб қолишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Чунки халқимиз ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни келажакда эмас, балки бугун кўришни, улардан бугун баҳраманд бўлишни истади.

Аҳолимизнинг ана шундай табиий истак ва талабларини бажариш барча раҳбар ва етакчиларнинг асосий бурчи ва вазифасига айланиши шарт.

Тўртинчидан, биз парламент ва фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари бўлган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Жумладан, кейинги пайтда маҳалла тизими, “Нуроний” жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси, ёшлар ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар ўзининг дастлабки натижасини бераётганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқ ва ман-

фаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилгани ва бу ташкилотнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, унга янги имтиёз ҳамда имкониятлар бериш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Чунки мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, бу йўлда бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган, азму шижоатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш — биз учун энг муҳим масаладир.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўзининг амалий фаолияти билан барчамизнинг, биринчи навбатда, ёшларимизнинг умидларини албатта оқлайди, деб ишонамиз.

Бугунги давр талаби, халқимизнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олиб, илм-фан, таълим-тарбия тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мактаб таълим тизими тубдан ўзгартирилиб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта тикланмоқда. Мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртиларига қабул квоталари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сиртқи ва кечки олий таълим шакллари тикланмоқда.

Шунингдек, бу борада бизни энг кўп ўйлантираётган масалалардан бири — мактабгача таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Мақсадимиз келгуси 3-4 йилда мамлакатимиздаги боғча ёшидаги болаларни ана шундай таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олишдан иборат ва биз бунга албатта эришамиз. Ушбу мақсадда айни кунларда маҳсул давлат дастури тайёрланмоқда.

Бешинчидан, республикамизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш, диний экстремизм ва терроризм хавфига қарши кураш олиб бориш бўйича ишлар ҳам янгича ёндашувлар асосида ташкил этилмоқда.

Ҳаётда билиб-билмай адашган одамларни тўғри йўлга солиш, кечиримли бўлиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш масалалари ҳам диққат марказимизда турибди.

Биз бир ҳаётий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Яъни хато қилган, йўлдан адашган одамни “ёмон” деб четга суриб қўйсақ, у ёмон бўлиб қолаверади. Ёмонни яхши қилиш, уни дўстга айлантириш — бу фақат соғлом жамиятнинг қўлидан келади.

Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур.

Бу борада амалга ошираётган ислохотларимиз, хусусан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган амалий чора-тад-

бирлар сизларга яхши маълум, албатта.

Айни вақтда бундай кенг кўламли ишларимиз биз бошлаган ислохотларнинг фақат бир қисми, дастлабки қадамлар эканини таъкидлаш лозим.

Олдимизга қўйган юксак мақсад ва режаларимизни реал натижага айлантириш учун ҳаммамиз бор куч ва билимимизни аямасдан, фидокорона ва виждонан меҳнат қилишимиз, ташаббус кўрсатиб ишлашимиз зарур.

Шунинг учун ҳам, келгуси икки йил бизнинг фаолиятимизда фавқуллодда сафарбарликни талаб этадиган давр бўлади ва бу вазифани барчамиз сидқидилдан бажаришни таъминлашимиз албатта лозим. Халқимиз биздан шуни кутяпти.

Бу борада, айниқса, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Кадрли дўстлар!

Бугун биз мамлакатимизни ҳар томонлама модернизация қилиш, таркибий ўзгаришлар ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш бўйича улкан ишларни бошлаган эканмиз, уларни амалга ошириш ташқи омилларга ҳам боғлиқ эканини яхши тушунамиз.

Шунинг учун ташқи сиёсатимизда узоқ-яқин давлатлар, энг аввало, бизга қўшни бўлган Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолади. Бу борадаги амалий ишларимиздан албатта халқи-

миз хабардор.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик меҳмонларимизга бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдириб, барча давлатлар халқларига самимий табрик ва саломларимизни йўллашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Бугун эл-юртимиз Мустақиллик байрами билан бирга муборак Қурбон ҳайитини ҳам катта шоду хурамлик билан кутиб олмақда.

Бу икки улуғ байрамнинг айнан бир кунга тўғри келишида ҳам ўзига хос чуқур ва рамзий маъно бор.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, сиз, азизларни ана шу қўшалок айёмлар билан яна бир бор самимий табриклайман.

Шу юксак минбардан туриб, барча ютуқларимиз, буюк келажагимиз ижодкори ва бунёдкори бўлган мард ва олийжаноб, меҳнатқаш ва танти халқимизга таъзим қиламан.

Бугунги улуғ айём кунларида қалбимдаги энг эзгу тилақларимни мужассам қилиб айтмоқчиман:

Бетакрор Ватанимиз равнақи йўлида садоқат билан хизмат қилишдан ҳеч қачон толмайлик, чарчамайлик!

Барчамизга, жонажон юртимизнинг камолини, фарзандларимиз ва набираларимизнинг бахту иқболлини кўриш насиб этсин!

Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ВАТАН

*Дил пораси, кўз қораси сен ўзингдирсан,
Менинг кўнглим сен аслида, сен кўзимдирсан.
Томиримда томир ёйган илк сўзимдирсан,
Илк оғригим, илк ёмғирим, найсоним, Ватан.*

*Қир устида ёнбошлаган бобом чайласи,
Бу дунёда кимларнингдир орзу-ҳаваси.
Димоғимда - юлдуз иси, шабнамлар иси,
Момом экиб кетган кашнич, райҳоним, Ватан.*

*Қулоқ солсам шивирлагай ҳатто тошларинг,
Ою қуёш, камалаклар кўзу қошларинг.
Бешигимни тебратгандир қалдирғочларинг,
Ою қуёш кўра солган айвоним, Ватан.*

*Бўронлари тулпорларга тунлар ёл бўлган,
Бир ўғлони чинор, бири мажнунтол бўлган.
Темурлари отдан тушмай жаҳон лол бўлган,
Жаҳонларга тўлуғ шоҳу султоним, Ватан.*

*Валилардан ибрат сўйлар жулдур саҳролар,
Сўнди қанча салтанатлар, қанча туғролар.*

*Мақбаралар айтсин лекин, айтсин Зухролар:
Ер остидан суҳбат айлар ҳануз Кубролар,
Термизийлар бедор ётган кўрғоним, Ватан.*

*Не тонг эди — изғиринлар захрини тотдинг,
Дастурхонда музтар қолди қанду наботинг.
Шаҳидларнинг руҳларидир ҳар бир работинг,
Абадий ёд эрур асли адабиётинг,
Чўлпон, Фитрат, Қодирий ҳам Усмоним, Ватан.*

*Мен дунёни не деб айтай? Бу бир кўҳна боғ,
Ўз билганин сайрар бунда ҳар қумри, ҳар зоғ.
Асло сенинг бағирларинг кўрмайин мен доғ,
Юлдузларга осмон бўлган эй нури тупроқ,
Осмонлари еру ери осмоним, Ватан.*

*Сўқмоғингда мен бир эпкин ё бир насимман,
Япроқ сенинг, хас бўлсам гар сенинг хасингман.
Жайронларинг кўзларида қолар сўзингман,
Менинг борим сен биландир, йўғим сен билан,
Катта йўлга чиққан улуғ карвоним, Ватан.*

Сирожиқдин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 1 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2017 йил 24 августда маъқулланган

1-модда. Декабрь ойининг иккинчи якшанбаси Ўзбекистон Республи-
каси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини эитиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эйтиборан кучга
киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2017 йил 25 август



ДЕҲҚОН ТАЪРИФИ

Деҳқонки, дона сочар, ерни
ёрмоқ била ризқ йўлин очар...

Олам маъмурлиги алардин,
олам аҳли масрурлиги алардин. Ҳар
қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам
кут еткурур, ҳам баракат.

Деҳқонки, тузлук била дона со-
чар, Ҳақ бирига етти юз эшигин
очар. Сочқон дона кўкаргунча,
ўруб хирмон қилиб, маҳсулин
кўтаргунча қурту қуш андин баҳ-
раманд ва дашт ваҳшилари анинг

била хурсанд. Мўрлар уйи андин
обод ва гўрлар хогири анинг била
шод. Кабутарларга андин мастлиқ,
тўрғайларга андин нишотга ҳам-
дастлиқ. Ўроқчиға андин рўзи, бо-
шоқчиниғ ёруб андин кўзи.

Барзагарга андин ком ҳосил,
пуштакашга андин мурод восил.
Гадо андин тўқ, кадхудо тўқлуги
ҳам андин ўқ. Мусофирга андин
таом, мужовирга андин ком. Этмак-
чи танури андин қизик, аллоф бо-

зори андин иссиқ. Фуқаро ризқи
андин вофий, гурабо қути андин
кофий. Зоҳидға андин ҳузур тоат,
обидға андин лофи қаноат.

Деҳқоннинг бир дона сочарида
бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи
маҳолдур.

Боғи жаннатдин намудор, поли-
зида руҳ қути падибор...

Мундоқ деҳқон Одамнинг фар-
занди халафидур, балки марзуклар
анга фарзанд ва ул Одами сафий-
дур.

Алишер НАВОИЙнинг

"Маҳбуб ул-қулуб" асаридан.

БАЙРАМГА БАЙРАМЛАР УЛАНМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонунини имзолагани ҳақидаги хабарни мен далада туриб, ҳамкасбларимдан эшитдим. Шунда етмиш икки йиллик ҳаёт йўлим бир-бир кўз олдимда намоён бўлди.

Айтиш мумкинки, деҳқон аҳли мустақиллигимиздан сўнг эйтибор топди, ҳурмат орттирди. Бунга ўз ҳаёт йўлим мисол бўла олади. Мен 1973 йилда фаолиятимни хўжаликда агрономликдан бошладим. Агроилмга бўлган иштиёқим мени Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) қишлоқ хўжалиги институтининг аспирантураси томон етаклади. 1973-1976 йилларда аспирантурада ўқиб, "Интенсив боғларни яратишда ҳар хил пайвандлашларнинг самарадорлиги" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдим. Лекин менинг тадқиқотларим пахта яккахоқимлиги соясида бўй кўрсата олмади. Шундай бўлса-да, мен қишлоқ хўжалиги экинлари устида ўтказаётган тажрибаларимни бир кун ҳам тўхтатмадим.

1995 йилда "Жарқўрғон" фермер хўжалигини ташкил етдим. Виложиямиз тупроқ-иқлим шароити субтропик экинларни экиб, улардан юқори ҳосил олиш имкониятини беради. Мутахассислигим, асосийси янгилликка, яратувчанликка қизиқишим туфайли биринчилардан бўлиб, мамлакатимизда зайтун, апельсин, мандарин, банан, пальма, папайя сингари кўплаб дарахт турларини олиб келиб экканман, кўчатларини етиштириб, сўраганларга берганман. Кўпчилик хонадонларга бирор сабаб билан бориб қолсам, "Чори ака,

манави дарахтнинг кўчати-
тини сиздан олгандик",
деб қолишади. Кўриб,
хурсанд бўламан.

Бу билан нима демоқ-
чиман? Деҳқон эрки уни
изланишларга, юксак
натижаларга ундамоқда.
Биз хўжалигимиз далала-
рининг ҳар гектаридан мунтазам равишда йилига 40-45 центнердан пахта, 75-80 центнердан ғалла хирмони уяпмиз. Бунинг замирида давлатнинг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига берган имкониятлари, имтиёзлари ҳамда деҳқон аҳлининг эркин меҳнат фаолияти мужассам, деб ўйлайман.

Истиқлол байрамимизга байрамлар уланмоқда, шодликлар қўша-қўша бўлиб келмоқда. Кунини кеча Президентимизнинг мени "Шухрат" медали билан тақдирлагани ҳақидаги хушхабар қувончимга-қувонч кўшди.

Эндиликда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, жумладан, деҳқон аҳли ўз байрамини ҳар йили мунтазам нишонлайди. Бу байрам эл дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдираётган бободеҳқонлар билан бирга жами халқимизнинг ҳам байрами бўлиб қолади, деб умид қиламан.

Чори Чўтпўлатов,

Жарқўрғон тумани, "Жарқўрғон" фермер хўжалиги раҳбари,
"Шухрат" медали соҳиби.



АГРАР СОҲАДАГИ ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАР

*халқимизнинг турмуши янада фаровон,
дастурхони тўкин бўлишига хизмат қилмоқда*

Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, дастурхонларимиздаги тўкин-сочинлик Истиқлол айёмига янада шукуҳ, халқимиз қалбига ифтихор бағишламоқда. Бу сурур қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, деҳқон ва фермерларларимизга ҳам хосдир. Йигирма олти йиллик тарихан қисқа муддатда ўзбек деҳқони қадр топди, ерли, мулкли бўлди ва ўзининг нималарга қодир эканлигини намён этиб, эл дастурхонини турли ноз-неъматлар билан тўкин қилмоқда, ҳатто дунё бозорига пахта, ғалла, мева-сабзавот, полиз маҳсулотларини экспорт қилаётир.



Агар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш корхоналарини эса хомашё билан таъминлаш айнан қишлоқ меҳнаткашларининг зиммасида эканлигини инобатга олсак, аграр соҳанинг иқтисодиётимизда нақадар муҳим ўрин тутиши аён бўлади.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан бошлаб берилган ва бугунги кунда янги босқичда жадал давом эттириляётган ислоҳотлар соҳанинг равақ топиб, юқори босқичларда юксалишига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Сир эмаски, мустабид тузум даврида Ўзбекистон собиқ иттифоқнинг асосий пахта базасига айлантирилиб, деҳқончилик тизимида пахта яккахокимлиги ўрнатилган эди.

Бунинг оқибатида йигирма бир миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган юртимизга кўплаб турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари четдан олиб келинар эди. Қулай тупроқ-иқлим шароитига эга бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон ўз аҳолисини биргина нонга бўлган эҳтиёжининг 80-85 фоизини четдан келтирилган дон ва дон маҳсулотлари эвазига қоплашга мажбур бўлган.

Истиқлолнинг илк йилларида-ноқ, ғалла мустақиллигини таъминлаш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланиб, халқимизни ўзимизда етиштирилган дон ва дон маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишга киришилди.

Натижада, мамлакатимизда 1991 йилда 1 млн. тоннага яқинроқ ғалла ҳосили етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда 8 млн. тоннадан ортиқроқни ташкил этди. Гектаридан олинадиган ҳосилдорлик ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, суғориладиган май-

донлардан 1991 йилда ўртача 12 центнердан ҳосил олинган бўлса, жорий йилда 56 центнерга тенг бўлди.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири — пахтачиликни сифат жиҳатидан ривожлантириш борасида ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилга-



ни боис, эътиборга молик натижаларга эришилмоқда. Буни жаҳон бозорида заминимизда етиштирилган пахта толасининг нуфузи ортиб, тобора харидоргир бўлиб бораётганлиги ҳам исботлаб турибди. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса бешинчи ўринни эгаллаши, бунинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимиз дунёнинг пахта етиштирувчи давлатлари орасида энг шимолий минтақада жойлашган бўлса-да, деҳқону мутахассисларимизнинг омилкорона меҳнати эвазига саноатбоп пахта етиштирилмоқда.

Етиштирилган хомашё модернизация қилинган корхоналарда қайта ишланаяптики, пировардида ўзбек пахтасига жаҳон бозорида талаб ва қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Буни Тошкент шаҳрида ҳар йили ташкил этиляётган Халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида жаҳоннинг йирик фирма ва компаниялари билан бир неча юз минглаб тонна пахта то-

ласи ҳамда катта миқдорда ип-калага, газлама ва тўқимачилик маҳсулотларини сотиш бўйича шартномалар тузиляётгани ҳам кўрсатиб турибди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида аграр соҳада амалга ошириляётган ислоҳотлар, яратилган қулай шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлар ҳамда деҳқону фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилмоқда.

Қолаверса, илғор хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, соҳани ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чора-тадбирларнинг амалга ошириляётгани, қишлоқда бозор муносабатлари жорий қилиниб, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, техникавий ҳамда молиявий шарт-шароитлар тўлиқ яратиб берилляётгани эришилаётган ютуқларнинг омили бўляпти.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда 160 мингдан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 75 мингдан ортиги кўп тармоқли субъектлардир. Уларда деҳқончилик ёки чорвачилик билангина чекланиб қолмасдан, балки замонавий технологиялар, ихчам қайта ишлаш ускуналари жалб этилган ҳолда, қўшимча тармоқларлар йўлга қўйилган.

Серқуёш заминимизда етиштирилган ноз-неъматларга жаҳонда талаб тобора ортиб бораётганлиги, қолаверса, халқимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада барқарор таъминлаш мақсадида истиқболда озиқ-овқат экинлари майдонларини янада кенгайтириш борасидаги вазифалар белгиланди. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси бу борада, муҳим дастуруламалдир. Мазкур ҳуж-

жатга асосан, 2021 йилга қадар тупроқ унумдорлиги нисбатан паст, сув таъминоти оғир, паст рентабелли пахта ва галла экин майдонларини босқичма босқич қисқартириш орқали, улар ўрнига мева-сабзавот, картошка, мойли ва бошқа озукабоб экинларни жойлаштириш, янги интенсив боғлар барпо этиш билан боғлиқ зиммамиздаги кўплаб, долзарб вазифаларни ҳамжиҳатликда, масъулият билан белгиланган муддатларда адо этмоғимиз лозим.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ялпи улушининг 40 фоиздан ортигини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этади. Тармоқда эркин бозор механизмлари шакллантирилганлиги, чорвадорларга кўплаб имтиёзлар тақдим этилаётганлиги натижасида, чорва моллари бош сони ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳам барқарор равишда ортиб бораёпти.

Кейинги йилларда республика миз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш даражасини ошириш мақсадида янги турдаги юқори унумли техника воситаларини ўзимизда ишлаб чиқариш, уларнинг таъминотини йўлга қўйиш, замонавий машина ва механизмларнинг чидамлилигини ошириш ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Эндиликда, қишлоқ хўжалиги техникалари парки замонавий, юқори унумли машина ва механизмлар билан тамоман янгиланди.

Булардан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда кенг қамровли машиналар, айланма омочлар, лазерли ер текислагичлар ва комбинациялаштирилган агрегатлар кенг жалб этилган.

Она сайёрамиз иқлимида кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари туфайли тобора ортиб бораётган сув тақчиллиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан кафолатли ҳосил олиш учун мавжуд сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғоришнинг тежамкор технологияларини кенг жорий қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, хусусан, қишлоқ хўжалиги экин майдонларида сувни тежайдиган суғориш технологияларини қўллашни кенгайтиришга устувор вазифалардан бири сифатида

ёндашилмоқда.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг долзарб масалалардан биридир. Бу борада қабул қилинган давлат дастурлари доирасида 2008-2016 йиллар давомида 2,1 трлн. сўмлик маблағлар йўналтирилиб, 7 минг 900 км узунликдаги коллектор тармоқлари, 1473 дона вертикал дренаж қудуқлари, 179 дона мелиоратив насос станциялари, 267 дона гидротехник иншоотлар курилиб реконструкция қилинди,

116 минг км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 7338 дона вертикал дренаж қудуқлари, 254 дона мелиоратив насос станциялари, 12 мингдан ортиқ гидротехник иншоотлар таъмирланди, тикланди.

Юқоридаги тадбирларни амалга оширилиши натижасида 2 млн гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувларининг сатҳи меёр даражада ушлаб турилиб, мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг сезиларли даражасида ошишига эришилди.



Ҳар қандай мамлакат иқтисодининг юксалишида халқаро молиявий институтлар ва хорижий давлатларнинг инвестиция ва грант маблағларини кенг жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан вазирлик тизимида аграр соҳани янада ривожлантириш, инфратузилма объектлари фаолиятини такомиллаштириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, истеъмолчиларни сув билан кафолатли таъминлаш каби йўналишларга инвестициялар кенг жалб этилмоқда.

Бугунги кунда республика ҳукумати кафолати остида Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Араб мувофиқлаштириш гуруҳи ва қатор донор мамлакатларнинг маблағлари иштирокида бир неча йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида биргина 2017 йилнинг I ярим йиллигида ҳукумат кафолати остида амалга оширилаётган 11 та лойиҳа доирасида қарийб 100 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағлари ўзлаштирилди.

Аграр илм-фани давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, соҳа олимларига кенг имкониятлар яратиб берилаётганлиги, кадрлар тайёрлаш тизимида жорий этилган илғор усуллар эришилаётган ютуқларимизнинг асосини ташкил этмоқда. Кейинги йилларда вазирлик тизимидаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари олимлари томонидан қишлоқ хўжалиги экин майдонлари тупроқ унумдорлиги ва ердан фойдаланиш самарадорлиги ошишини таъминлайдиган ва чорва молларини парваришлашнинг истиқболли технологиялари яратилди. Янги деҳқончилик тизимига мос, соҳани модернизациялашга асосланган, тупроқ унумдорлигини оширадиган ва қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишни таъминлайдиган қисқа навбатлаб экиш тизимлари ишлаб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг 2017 йил 4 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва шу хусусдаги қарорида вазирлигимиз фаолиятини тубдан такомиллаштириш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди. Бу борада ҳар биримиз ўз фаолиятимизга танқидий баҳо берган ҳолда, зиммамиздаги вазифамизга янада масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, қайси вазифа ва лавозимда бўлмайлик, ҳаммамиз халқнинг хизматида, фаолиятимизга одил баҳони халқ беради.

Мухтасар айтганда, республика миз раҳбарияти томонидан қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган жадал ислохотлар соҳани барқарор ривожлантириш, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши, дастурхони янада тўкин бўлишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Зойир МИРЗАЕВ,

*Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари —
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазир.*

МУКОФОТ МУБОРАК!

Мустақиллигимизнинг йигирма олти йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Фармонлари эълон қилинди. Мазкур Фармонларга асосан мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали ҳамда фидокорона меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун аграр соҳанинг кўплаб меҳнаткашлари, олимлари ва фермерлар ҳам фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Кўп минг сонли журналхонларимиз номидан давлатимизнинг юксак мукофотлариغا сазовор бўлган ҳамкасбларимизни самимий табриклаймиз.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»

Каримов Хамдам Бекжанович — "Шовот-Куловот" ирригация тизими бошқармасининг "Қуйи Шовот" ирригация тармоқлари тизими муҳандис-гидротехниги, Хоразм вилояти

Матназаров Узакберген Аяпбергеневич — "Қуйи Амударё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг "Суенли" ирригация тизими бошқармаси муҳандис-гидротехниги, Қорақалпоғистон Республикаси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»

Мирзалиев Елубай Ахтиловович — Конимех туманидаги "Қорақўл-Учтепа-Сур" масъулияти чекланган жамияти бош қўпони, Навоий вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»

Дехқанова Каримахон Усубжановна — Балиқчи туманидаги "Балиқчи пилла тайёрлов" масъулияти чекланган жамияти агрономи, Андижон вилояти

Охунова Шохидахон Туйчиевна — Фарғона туманидаги "Водил пилла" масъулияти чекланган жамияти агрономи, Фарғона вилояти

«Эл—юрт хурмати» ордени билан

Валиева Раъно Насимовна — Қизилтепа туманидаги "Валиобод" фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Хайдаров Улугбек Уматович — "Зарафшон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг "Булунғурдавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси экскаватор машинисти, Самарқанд вилояти

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Садриддинов Азмиддин Садриддинович — Тошкент давлат техника университети ер усти транспорт тизимлари кафедраси профессори

Хамидов Ҳожиакбар — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти Гуманитар фанлар кафедраси профессори

"Дўстлик" ордени билан

Исмоилов Фахриддин Турсунович — Олтинқўл туманидаги "Бахт имкон ривож чорваси" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Мамадалиева Курбангул Додаевна — Оқолтин туманидаги "Нурафшон орзу бўстони" фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Останов Раззоқ Маризаевич — "Аму-Бухоро" машина каналидан фойдаланиш вилоятлараро бошқармаси бошлиғи, Бухоро вилояти

Тагаева Гулхумор Эргашевна — Учқўрғон туманидаги "Гулхумор" фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Сайфитдинова Мастураҳон — Кува туманидаги "Кува анори" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

«Шухрат» медали билан

Гафуров Алишер Бориевич — "Ўзмахсуссувқурилиш ихтисослашган компанияси" давлат корхонаси директорининг биринчи ўринбосари

Даминов Шухратулла Мамирович — "Сайхунобод агротехсервис МТП" масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Сирдарё вилояти

Жураев Зафар Тажибаевич — "Дўстлик агротехсервис МТП" масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Жиззах вилояти

Мавлянов Алмас Мухтарович — "Шўрўзак-Сирдарё" ирригация тизими бошқармасининг туманлараро каналлар бўлими бошлиғи, Сирдарё вилояти

Ниязов Абдурахмон Абдурахимович — Фарғона шаҳридаги "Сайқал" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

Нориева Шарофат Эргашевна — Шароф Рашидов туманидаги "Холмўминов Зоҳид" боғдорчилик фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Раҳматов Бахтиёр Ниматович — Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Бухоро илмий-тажриба станцияси директори, Бухоро вилояти

Раҳмонов Маманазар Яхшиевич — "Қарши агротехсервис МТП" масъулияти чекланган жамияти бош комбайнчиси, Қашқадарё вилояти

Чуппулатов Чори Эргашевич — Жарқўрғон туманидаги "Жарқўрғон" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Юсупжанов Кудратжон Атаджанович — Гулистон туманидаги "Бахтиёр" фермер хўжалиги механизатори, Сирдарё вилояти

Узаков Шерзод Шерматович — Нишон туманидаги "Нишон кўзгу" фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

ҚИЗИЛҚУМНИНГ ФИДОЙИ ЎҒЛОНИ

Конимех туманидаги "Қоракўл-Учтепа-Сур" масъулияти чекланган жамияти бош чўпони Елубай Мирзалиевага чўпонлик ота-боларидан қолган касб. Отаси А.Мирзалиев ва онаси Т.Жолимбетовалар ҳам меҳнат фаолияти давомида чўпонлик қилишган.

Президентимизнинг 2017 йил 26 августдаги Фармонида асосан Елубай Мирзалиев "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор" фахрий унвони билан тақдирлангани конимехлик чорвадорларни руҳлантириб юборди.

— Очиғи, оила аъзоларим даврасида ўтирганимда туманимиз мутасаддилари Президентимизнинг менга унвон берганини айтиб, табриклаганларида шошиб қолдим, — дейди Е.Мирзалиев. — Чўлу биёбонда юрган оддий чўпон меҳнатини давлат раҳбари мукофотлаганини эшитиб, суюнмай бўладими? Мустақил ватанимизда ҳалол меҳнат қилган киши қаерда ишламасин ёки яшамасин қадр ва ҳурмат топаётганини оддий чўпон — менинг ҳаётимда ҳам кўриш мумкин. Олис қишлоқда яшаб, ҳалол меҳнат қилиб ҳеч ҳам кам бўлганимиз йўқ. Чўпонлик касби орқасидан эл-юрт,

Президент назарига тушдим. Биз яшайдиган овул кўриб турибсиз туман марказидан анча олисда жойлашган. Бир пайтлар бу ердан туман марказига бориб келиш учун бир кун етмасди. Автобус кутиб умр ўтарди. Мана, Худога шукр, мустақиллик туфайли ҳар бир чўпон оиласида ўзига тегишли ўзимизда ишлаб чиқарилаётган машиналардан бор. Қаерга десангиз бориб келишингиз мумкин. Замонавий мактаб, почта, медицина, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари аҳоли хизматида. Бунинг ҳаммаси мустақиллик яратган имкониятлар маҳсули, деб айта оламан. Менга берилган фахрий унвонни ҳамкасбларимга берилган мукофот, деб биламан.

— Елубай Мирзалиев қоракўлчилик соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган таниқли чўпонлардан, — дейди



"Қоракўл-Учтепа-Сур" МЧЖ раиси Қобилбек Райисов. — У ҳалол меҳнати эвазига сўнгги 3 йилда ҳар 100 бош она қўйдан 110-120 бош соғлом қўзи олиб, унинг 100 бошини ўстиришга қолдираётир.

Ҳа, шундай. Қизилқумнинг мард танти чўпонлари мустақиллигимизнинг 26 йиллик шодиёналарини ана шундай меҳнатда зафарлар билан нишонламоқда.

Унвон муборак бўлсин, Елубай ака!

Б.ТОШНАЗАРОВ.

МЕҲНАТДАН ҲУРМАТ ТОПИБ

Қизилтепа туманида ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Ўртачўл худудидagi бўз ерларни ўзлаштиришга киришилган.

— Раҳматли отам Насим Валиев "Малик" чўлларини ўзлаштиришда фаол қатнашганлар, — дея эслайди Раъно опа. — Биз 6 ўғил, 5 қиз, — 11 фарзанд чўл бағрида туғилиб, вояга етдик. Деярли барчамиз қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаймиз. Чўлда, далада меҳнат қилиш ҳаётимнинг мазмунига айланган. Механизаторлар тайёрлаш курсини тугатиб, машинада чўлда пахта тердим, гўза қатор ораларига ишлов бердим. Шу орада Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетида сиртдан ўқиб, олим-агроном мутахассислигини эгалладим.

Заҳматли меҳнат соҳибаси 1999 йилда "Валиобод" фермер хўжалигини ташкил этган.

Фермер опа 2004 — 2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати аъзоси бўлди. Ҳозирги кунда Халқ депутатлари Қизилтепа туман кенгаши депутати сифатида қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш ишларида фаоллик кўрсатмоқда.

— Мен ўзимдаги "мен"ни истиқлол туфайли топ-



дим. Шу озод, муқаддас Ватан учун жон-дилдан меҳнат қилиб яшаш ҳар биримизнинг бахтимиздир, — дейди Р.Валиева. — Ана шу бахту иқболга етганимдан беҳад шодман.

Саховатпеша инсон Раъно опа бошлиқ жамоанинг меҳнатлари эвазига бунёд этилган сўлим, барча қулайликларга эга бўлган дала шийпони. Бу ерда Мустақиллигимизнинг 26 йиллик қутлуғ байрами муносабати билан Юртбошимиз томонидан чўлқувар Раъно Валиеванинг "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланганлигини нишонлаш тадбири бўлиб ўтмоқда.

— Умримда биринчи марта давлат мукофоти сурурини туяяпман. Бу хурсандчилигимни сўз билан ифодалаш мушкул. Бундан ортиқ саодат борми, — дейди Раъно опа ҳаяжон билан.

Ўз мухбиримиз.

ТАДБИРКОР — ДЕҲҚОНГА ҲАМКОР

Мен шу йилнинг май ойида Фарғонада бўлиб, Абдурахмон Ниязов раҳбарлигидаги "Сайқал" корхонасининг ибратли фаолияти тўғрисида "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журналининг шу йил 6-сонида ёзган эдим.

Яратувчи тadbиркорнинг мукофотлангани ҳақидаги хушхабарни эшитиб, телефон орқали у билан боғландим.

— Мустақиллик улугъ неъмат, — дейди Абдурахмон ака шукроналик билан. — Унинг имкониятларидан оқилона, кўпроқ фойдаланиб, она Ватанимизнинг шуҳратини жаҳонга янада кенгроқ ёйиш, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Истиқлолнинг 26 йиллиги байрами шодиёналари юртимизни кезиб юрган кунларда камтарона меҳнатларим Президентимиз томо-

нидан "Шуҳрат" медали билан тақдирланиши менга ўлкан масъулият юклаб, ғайратимга ғайрат қўшди. Зеро, эл-юрт тўқинлигига фидокорона хизмат қилиш энг олий бахтдир...

Сухбат давомида фидойи инсон ташаббуқорлигида бошланган беназир руда — бентонит ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакатимизда ортиши органик ва ноорганик кимё институти олимлари билан ҳамкорликда "Бентонит нитрат" ўғити, эндиликда кимёсаноатда ишлаб чиқарилаётган намликни ўзида узоқ сақлаб турадиган бентоселитранинг чўл худудидаги суғориладиган ерлар учун жуда қулайлиги, ҳақида гап борди. Боғдорчилик, полиз экинлари етиштиришда ўсимлик касаликларига қарши курашиш, экологик тоза маҳсулот етишти-



риш мақсадида яратилган инсекто-акарицид F-30 перепаратининг корхонада ишлаб чиқарилаётганлиги ҳам қувонарли ҳол.

Эътирофга лойиқ ишларнинг таърифини яна давом эттириш мумкин. Бағрикенг баҳодир, саватпеша Абдурахмон ака табиатидаги шижоат ва қатъият элим деб, юртим деб яшашнинг ифодасидир.

М.ФАЙЗУЛЛО,
ўз мухбиримиз.

Истиқлол — улугъ неъмат. Унда халқимизнинг ўзлиги, орзу умидлари, буюк мақсад ва истаклари мужассам. Истиқлол тўғрисида миллий қадриятларимиз, азалий анъаналаримиз қайта тикланди. Дунё ҳамжамиятида ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ҳар бир юртдошимиз қалбига гурур ва ифтихор бағишламоқда.

Бизга шундай имкониятларни берган Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги барчамизга муборак бўлсин!

ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ "САЙҚАЛ" ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ жамоаси




ЮКСАК МУКОФОТ ШИЖОАТЛИ МЕҲНАТГА ЧОРЛАЙДИ

Бундан 10 йил аввал атиги 3 киши билан мўъжазгина боғда иш бошлаган фермер хўжалигимиз бугун 35 нафар доимий, мавсумий бандлар билан ҳисоблаганда эса, 100 нафардан ортиқ аъзоларни ўз сафига жамлаган кўп тармоқли хўжаликка айланган.

Улар боғдорчилик, беданачилик, йилқичилик, чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланишмоқда. Шу билан бирга, кўпчилик ҳамкорларимиз бизни анвойи гулларимиз ва манзарали дарахтларимиз орқали яхши танишади. Боиси, бугун бизнинг жамомиз турли нав ва кўринишдаги 80 дан ортиқ гул, манзарали бута ва дарахтлар етиштирмоқда. Улар нафақат Жиззах воҳаси балки, кўшни Сирдарё ва Самарқанддан тортиб, олис Хоразм ҳамда Қашқадарё вилоятларидаги боғлар, хиёбонлар ва кўчаларни безаб, юртдошларимиз кўзини қувнатмоқда. Бу борада Голландия, Украина, Туркия давлатлари ишбилармонлари билан ўрнатган алоқаларимиз самара бераётир.

Меҳнатда эришган натижаларимни сарҳисоб қилиб, улар нималар эвазига амалга ошди, деб ўйлаб қоламан. Шунда буларнинг ҳаммаси Истиқлол туфайли ўзбек халқи ўз эркини қўлга олгани, мен каби оддий қишлоқ аёлининг тадбиркорлик қилиши учун яратилган қулайлик ва шарт-шароитлар сабабли, рўёбга чиқаётганини англаб етаман. Шу боис, қўлга киритган ютуқларим, меҳнатим меваларини бошқа юртдошларим билан баҳам кўргим келади. Кунни кеча она қишлоғим Олмачи қизлари учун тикувчиликка ихтисослашган корхонамиз фаолият бошлади. Шу ерда болажонлар китобга, мутолаага меҳр қўйсин деб, унчалик қатта бўлмаган кутубхона ташкил қилдим. Хонадонларида тадбиркорликни бошлаётган



ўнлаб қишлоқдошларимга қўлимдан келган ёрдамимни беряпман.

Президентимиз камтарона меҳнатимни эътиборга олиб, Мустақиллик байрами арафасида, мени "Шухрат" медали билан тақдирлади. Бундан бошим осмонга етди. Бундай хурматга аввалгиданда ортиқ гайрат ва шижоатли меҳнат билан жавоб қайтараман.

Шарофат НОРИЕВА,

Шароф Рашидов туманидаги "Холмўминов Зоҳид" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари.

Томчиларда ҳаёт аке этар
Жилоланар боғлар, далалар.
Сув бу зардир, сувчи-чи заргар,
Меҳнат қайнар, хирмон юксалар!



Ҳурматли, аграр соҳанинг фидойи
ходимлари!

Сизларни Мустақиллигимизнинг 26

йиллик муборак тўйи билан қутлаймиз.

Фаровон ҳаёт, бахт-иқбол, юксак
қадр-қиммат, эътироф ва эътибор ҳар бир
қунингизни безайверсин!

**Хоразм вилоят, Қўшкўпир туман
"Давсувмахсуспудрат"**

давлат унитар корхонаси жамоаси

РАҒБАТ ҒАЙРАТ БАХШ ЭТДИ

Президентимизнинг жорий йил 10 августдаги "Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари Академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони академикларимиз кўнглини тоғдек юксалтирди ва шунинг билан бирга, уларнинг илмий-педагогик жиҳатдан янада фаол меҳнат қилишларига ғайрат бахш этди.



Куйида селекционер олим, собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари Академияси мухбир аъзоси, Саид-Ақбар Раҳмонқулов мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

- Илм-фан ҳамма даврларда ҳам жамият тараққиётининг асосий омили бўлиб келган. Президентимиз илм аҳли қадрини ошириб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий имтиёзларини кенгайтираётган экан, бунга жавобан юрт равнақи, илм-фан ривожига янада кўпроқ ҳисса қўшмоғимиз даркор.

Бу борада ҳар биримиз билим ва имкониятларимизни сафарбар этиб, илмий-амалий

тажрибаларимизни юқори малакали кадрларни тайёрлашга йўналтиришимиз керак бўлади. Зеро, фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш, экинларнинг серҳосил, зараркунанда ва касалликларга чидамли янги навларини яратиш ҳамда уларни самарали етиштириш технологиясини амалиётга жорий этишдек, кўплаб вазифаларга биз ҳам масъул эканимизни, ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Биз ёшларимизга бор билимимиз, бой ҳаётий тажрибамиз билан ибрат мактаби бўлмоғимиз керак. Улар келгусида бизнинг сабоғимиздан

ва халқаро илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлиб, фаннинг юқори чўққиларини забт этиши тайин.

Шу жиҳатдан Президентимизнинг юксак инсонпарварлик руҳдаги мазкур Фармони аграр соҳа фанини янги поғонага кўтаришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз **Д.МАРАСУЛОВА**
ёзиб олди.



*Ватанимизнинг мустақиллик
байрами муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!*

*Халқимиз фаровонлигига
дастурхонларимиз
тўқин-сочинлиги бардавом,
юртимиз келажакга
бундан-да
порлоқ бўлсин!*

**Сурхондарё вилояти
"Сувназорат" инспекцияси
жамоаси**



"БУЮК ДЕВОР" ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти дунёнинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Россия, Германия, АҚШ каби давлатларидаги нуфузли олий таълим муассасалари билан яқиндан алоқа ўрнатган. 2016 йилда чет элда институт профессор-ўқитувчиларидан 44 нафари тажриба орттирган бўлса, талаба, магистрант ва катта илмий ходим-изланувчилардан 92 нафари малака ошириш ва ўқув курсларида таълим олиб қайтишди.

Жорий йилнинг дастлабки ярмида эса институт профессор-ўқитувчиларидан 21 нафари ҳамда 25 нафар талаба, магистрант ва катта илмий ходим-изланувчилар Европа ва Осиёнинг етакчи олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида бўлишди.

Шулар қаторида, 2017 йилда ЮНЕСКО Бош қароргоҳи томонидан эълон қилинган танловда Ўзбекистон Республикасидан номзод сифатида қатнашган Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институтидан Қишлоқ хўжалигида менежмент факультети 3-босқич талабаси Миржаҳон Язданов 2017-2018 йиллар учун Хитой давлати ҳамда ЮНЕСКО ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган "Буюк девор" стипендиясига сазовор бўлди.

2014 йилда институтга ўқишга

кирган Миржаҳон инглиз тили, компьютер технологияларини чуқур эгаллашга интилиб келмоқда. Шунингдек, у ҳозирги пайтда "Мамлакатда, хусусан, қишлоқ ҳудудларида экотуризм хизматлари ҳолати ва уларни такомиллаштириш имкониятлари" мавзусида илмий-тадқиқот ишини ҳам олиб борапти. Тадқиқотлари натижалари бўйича 4 та, шундан битта илмий мақоласи хорижда чоп этилди.

У 2-босқичдан бошлаб мутахассислик фанларни инглиз тилида ўқитиш учун ташкил қилинган гуруҳда таълим олмоқда. М. Язданов институт ва факультет миқёсида ўтказиладиган барча маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирларида фаол қатнашиб келмоқда. Ўзининг ташаббускорлиги,



ташкилотчилиги ва изланувчанлиги билан талабалар ўртасида алоҳида хурматга сазовор. У Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси.

Миржаҳон янги ўқув йилини Шанхай халқаро бизнес ва иқтисодиёт университетида бошлайди. Унга ўхшаган иқтидорли талабаларимиздан яна 4 нафари Корея Республикасининг Кангвон миллий университетида, 2 нафари эса Португалиянинг Порто университетида ўқишни давом эттирадilar.

А.ШАМСИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи СамҚХИ бошланғич ташкилоти етакчиси.



МИРОБЛАР ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Мамлакатимиз сув хўжалигида кенг кўлам-ли ислохотлар амалга оширилиши натижа-сида тизим фаолияти мутлақо янгилаш-га ўтмоқда. Бу жараёндан кўзланган асосий мақсад сув тежамкорлигига эришиш, бободе-ҳқонларнинг сувга бўлган талабини имкон қадар тўлароқ қондиришдир. Зеро, бутун дунёда кузатилаётган сув тақчиллиги юрти-миз деҳқончилигига ҳам ўз таъсирини кўрсат-моқда. Бу борада деҳқон ва миробларимиз-нинг сувдан фойдаланиш маданиятини юк-салтириш, ички имкониятлардан оқилона фойдаланиб, жаҳоннинг илғор тажрибалари-ни ўзлаштирган ҳолда ишлаб чиқаришга тат-биқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу жиҳатдан, Швейцария тараққиёт ва ҳамкор-лик агентлиги маблағлари ҳисобига амалга оши-рилаётган "Ўзбекистонда сув ресурсларини бош-қариш миллий лойиҳаси" доирасида яқинда Улуғ-нор ва Ёзёвон туманларида "Сув ўлчаш, ростлаш иншоотларининг сув тақсимоли ва етказиб бери-лишига таъсирини намойиш қилиш ҳамда тажри-ба алмашиш ҳудудий танишув кўргазмали анжу-мани ўтказилди.

Мазкур тадбирда лойиҳа ҳудудидаги Сув истеъ-молчилари уюшмалари (СИУ) раҳбарлари, Ирри-гация тизимлари ҳавза бошқармалари мутахас-сислари ва туманлар ҳокимлиги масъул ходим-лари иштирок этишди. Анжуманда Швейцария та-раққиёт ва ҳамкорлик агентлигининг сув хўжалиги ва табиий офатлар салбий таъсирини камайти-риш масалалари бўйича минтақавий маслаҳатчи-

си жаноб Андрэ Верли қатнашди.

Тадбир давомида, СИУларнинг молиявий ҳола-тини яхшилаш бўйича Улуғнор ва Ёзёвон туманла-ридаги СИУлар иш тажрибалари юзасидан интер-фаол тарзда фикр алмашилди ҳамда намунавий СИУларда қурилган сув ўлчаш ва ростлаш иншоот-ларининг сув тақсимоли ва етказиб берилишига таъсири, сувдан фойдаланишнинг ҳисоб-китоби ва



мониторингини олиб борилиши ҳамда хўжалик ички тармоқларини эксплуатация қилиш ва тех-ник хизмат кўрсатиш бўйича қилинган ишлар на-тижалари намойиш этилди.

Шундай тадбирлар Сирдарё, Тошкент, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида ҳам ташкил этилиб улар-да икки юз нафардан ортиқ мироблар иштирок этди ва ўзлари учун қизиқарли бўлган маълумот-лардан баҳраманд бўлишди.

Мазкур тадбирлар СИУлар фаолиятини янада такомиллаштириш, деҳқонларимизга сув етказиб беришини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ж.ШЕРМАТОВ.

МАСЪУЛИЯТ ВА ҲУШЁРЛИК — БОШ МЕЗОН

Яқинда Божхона кўмитаси билан ҳамкорликда Ўсимлик-лар карантини бош давлат инспекцияси Ўсимликлар ка-рантини илмий марказида Қорақалпоғистон Республика-си, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияси раҳбарлари, мутахассиси ва агрономла-ри ҳамда "ягона дарча" марказининг масъул ходимлари иш-тирокида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

Давра суҳбати шаклида ўтказилган семинарда раҳбар ва мутахассисларнинг бутунги кунда тизимга янгиликларни жадал жорий қилиш, дунёда бўлаётган экологик ўзгариш-лар натижасида зарарли организмларнинг қисқа фурсатлар-да бир давлатдан иккинчи давлатга тарқалаётганлиги нати-жасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг катта қисмини зарарлаётганлиги, Республика ҳудудига карантин остидаги янги карантин организмларнинг кириб келаётганлиги, бу зарарли организмларни ҳудудларга тарқалиш ареали, зарар келтириш даражаси ва биоэкологик хусусиятларини аниқ-лаш асосида, уларга қарши ўз вақтида кураш чора-тадбир-ларини ишлаб чиқиш ва бошқа ҳудудларга тарқалишининг олдини олиш чораларини кўриш масалаларига алоҳида эъти-бор қаратилади. Шунингдек, анжуманда экспортга чиқади-

ган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бериладиган фитоса-нитар сертификатларини расмийлаштириш тартиблари тўғрисидаги масалалар бўйича ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Марказий Карантин лабораторияси мудири, қ.х.ф.н. Б. Муродов дунёда бўлаётган экологик мувозанатнинг бу-зилиши натижасида, зарарли организмларнинг йилдан йилга тарқалиш ареали кенгайиб, иқтисодий зарари катта бўлаётганлиги, бунинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳ-сулотларининг катта қисми зарар кўраётганлигини асослаб берди. Бу зарарли организмларнинг республика ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш учун ка-рантин инспекциясининг мутахассис-ходимларининг ни-маларга эътибор қаратиши лозимлиги, фитосанитар серти-фикатларининг давлат стандартлари асосида расмийлашти-риш тартиби тўғрисида ўз таклиф ва тавсияларини берди.

Семинар иштирокчилари давра суҳбатида ўзларини қизиқ-тирган барча саволларини ўртага ташлаб, ўзаро фикр алма-шишди ва муҳокама сўнгида саволларига жавоб олишди.

О.ХЎЖАЕВ,

Ўсимликлар карантини илмий маркази раҳбари, қ.х.ф.н.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУКАММАЛ БОШҚАРИШНИ ТАТБИҚ ЭТИШ

This article focuses on explanation of the concept and process of integrated water resource management, accentuating on what is being integrated. Moreover, the implementation of this approach in Uzbekistan context has been analysed briefly.

Сайёрамизда ҳаёт бардавомлиги учун зарур бўлган сув, ҳаво, тупроқ ва ҳарорат, яъни тўрт унсур аҳоли сонининг тўхтовсиз ортиб бориши ва иқтисодий фаолиятнинг давомий ўсиши, сувга бўлган талаб ва ундаги ифлосланишнинг янада ошишига, бунинг оқибатида эса чекланган сув ресурслари учун рақобат ва низоларнинг ортишига олиб келмоқда.

Табиий шароитлар, иқтисодий ва ижтимоий ресурслар ҳар бир мамлакатда жуда катта фарқ қилсада, сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасини мукаммаллаштиришдаги сиёсат ва амалиётларнинг етишмаслиги деярли барча минтақаларга ҳосидир. Шунинг учун сув масаласига бутун дунё ўз эътиборини қаратмоқда. Иккинчи Жаҳон Сув форуми, сув инқирозининг олдини олиш, одамлар ва атроф-муҳит учун сув хавфсизлигини узоқ муддат таъминлаш борасида бир қанча андозалар яратди. Сув ресурсларини мукаммал бошқариш (СРМБ) бу кўзланган мақсадларга эришишда муҳим аҳамиятга эга.

СРМБ нима? СРМБ тушунчаси узоқ вақт давомида жаҳон кун тартибда бўлиб келмоқда. Унинг концепцияси 1992 йил Дублин ва Риоде-Жанейрода бўлиб ўтган сув ва атроф-муҳит масалалари бўйича халқаро конференцияларда катта эътибор қозонди. СРМБ назариясини аниқ тушуниш мақсадида Глобал Сув ҳамкорлиги (2000 й) томонидан унга қуйидагича таъриф берилган:

"СРМБ бу экотизимлар барқарорлигини бузмасдан, адолатли тарзда иқтисодий ва ижтимоий фаровонликни максимал даражага кўтариш учун сув, тупроқ ва унга тегишли ресурсларни бошқариш ва ривожлантиришдаги координацияга ёрдам берадиган жараён".

Европа Иттифоқи (ЕИ)даги муваффақияти туфайли сўнгги 30 йил давомида СРМБ концепциясига бўлган қизиқиш сезиларли равишда ортди. Бунга сабаб барча ЕИ мамлакатлари СРМБ қонуниятларига асосланган Сув директивасини қабул қилгани бўлди. ЕИ Сув

директивасининг муваффақияти икки муҳим мезонга асосланган бўлиб, уларнинг бири ҳавзавий бошқарув бўлса, иккинчиси, барча манфаатдор томонларнинг қарорлар қабул қилишдаги иштирокидир. Шундай қилиб, жаҳон таърибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда СРМБ бўйича ишлар қай даражада олиб борилмоқда, деган табиий савол туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сув ҳўжалиги сиёсатини ифодалов-



чи ва уни бир жойга жамлайдиган манба бу 1993 йил 6 майда қабул қилинган "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун ҳисобланади. Ушбу Қонунда СРМБнинг стратегияси ва уни ривожлантиришга бевосита тўғалиб ўтилмаган бўлса-да, СРМБ жараёнининг асосий тамойили сифатида "сув ресурсларини комплекс, оқилона ва самарали бошқариш" тушунчалари Қонуннинг ҳуқуқий таркибига киритилган. Ўзбекистонда СРМБ тамойилининг киритилишига қаратилган дастлабки қадамлар, сув муносабатларининг турли хил жиҳатларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўплаб Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорларининг қабул қилиниши бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, Фармон ва қарорлар асосан Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва Сув ҳўжалиги Вазирлиги қошидаги сув ҳўжалигини бошқариш органларининг таркибий тузилмасини ўзгартиришга қаратилган, чунки Ўзбекистондаги энг асосий сув истеъмолчи қишлоқ ҳўжалиги тармоғидир.

Ҳозирда амалга оширилаётган

сув ресурсларини бошқарувчи давлат ва ҳўжалик ташкилотлари функцияларини тақсимлаш, сувдан фойдаланиш тизимини Сув истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) билан давлат сув ҳўжалиги ташкилотларининг янги муносабатларига асосланган ҳолда ташкил этиш бўйича ишлар тўлалигича якунлангани йўқ.

Бундан ташқари, сув ресурсларини бошқаришда жамоатчилик иштирокини янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, жамоатчиликнинг реал иштироки сув ресурсларини бошқариш масалаларида, айниқса, сув ҳўжалиги иерархиясининг қуйи қисмида, баъзи бир ирригация тармоқларини ҳисобга олмаганда, ҳалигача етарлича ривожланган эмас. Сув ресурсларини бошқаришнинг турли хил бўғинлари: канал, ирригация тизимлари ва дарё ҳавзалари миқёсида турлича манфаатга эга бўлган шахслардан ташкил топган жамоатчилик Кенгашларини тузиш ва керак бўлса уларнинг бошқарувдаги фаол иштирокини таъминлаш зарур.

Ўзбекистон Республикасида турли хил даража ва ҳолатларда бўлса ҳам сув ресурсларини барқарор бошқариш ва ривожлантириш билан боғлиқ қатор миллий Концепциялар, Стратегиялар ва Дастурлар қабул қилинаёпти ва амалга оширилаяпти, албатта. Ҳозирги кунда Сув ҳўжалиги соҳасида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда ва бу нафақат лойиҳалар мавжуд эканлигини балки давлат миқёсида СРМБ соҳасига тегишли сиёсат татбиқ этилаётганлигини ҳам англатади.

СРМБ соҳасидаги дастлабки лойиҳалардан бири 2001 - 2010 йилларда Швейцариянинг халқаро ривожлантириш ва ҳамкорлик агентлиги (SDC) томонидан молиялаштирилган "Фарғона водийсида сув ресурсларини мукаммал бошқариш" ("СРМБ-Фарғона") лойиҳаси бўлди. Ушбу лойиҳа Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув ҳўжалиги комиссиясининг (SIC ICWC) илмий-ахборот маркази ҳамда Халқаро сув ресурсларини бошқариш институти (IWMI) томонидан

амалга оширилган бўлиб, лойиҳанинг мақсади Ўзбекистонда қишлоқ ва сув хўжалиги тузилмаларини қайта қуриш орқали аҳолининг турмуш даражаси ва атроф-муҳитни яхшилашга ҳамда СРМБ тамойилларини жорий этишга қаратилган эди.

Ҳозирги кунда эса 2016-2019 йилларга мўлжалланган Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш" дастурининг 1-компоненти "Сув хўжалиги ва ресурсларини бошқаришнинг миллий доиравий концепцияси" Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) томонидан татбиқ этилмоқда. Лойиҳанинг биринчи қисмида Андижон ва Қашқадарё вилоятларида дарё ҳавзаларини бошқаришни режалаштириш принциплари асосида Ўзбекистонда СРМБ тамойилларини янада ривожланти-

ришга қаратилган. Тажриба ҳавзаси сифатида Шаҳрихонсой ва Оқсув дарёлари танлаб олинган бўлиб, ушбу ҳудудларда тизимли равишда Европа амалиётларига асосланган СРМБнинг тамойилларини татбиқ этилиши режалаштирилмоқда.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, мамлакатда СРМБни тўлиқ ёки қисман татбиқ қилиш мумкин. СРМБни амалга ошириш ижтимоий жараён бўлиб, у рақобатбардош фойдаланувчилар ўртасида сув ресурсларини тенг тақсимлашни тақозо қилади.

Табий ресурслар чекланган дунёда — молиявий ва сиёсий қарорлар қабул қилиш ва сув ресурсларини ривожлантириш учун зарур бўлган инвестицияларни таъминлаш жуда муҳимдир. Сув ресурслари масалаларини сиёсий кун тартибига олиб келиш сув ресурсла-

рини барқарор бошқаришнинг узоқ муддатли муваффақияти учун муҳим аҳамиятга эга.

Ва ниҳоят, сув ресурсларини барқарор бошқариш учун жамоатчиликни хабардор қилиш зарур. Ўзбекистонда СРМБ тамойилларини татбиқ қилиш юзасидан сув ресурсларини дарё ҳавзалари ва ирригация тизимлари миқёсида бошқаришда жамоатчилик иштирокининг етишмаслиги кузатилмоқда. Шунинг учун мамлакатда сув ресурсларини бошқаришнинг барча бўғинларида турлича манфаатга эга бўлган шахслардан ташкил топган жамоатчилик Кенгашларини тузиш ва уларнинг бошқарувдаги фаол иштирокини таъминлаш зарур.

**У.СОЛИЕВА, И.АКРАМОВ,
О.АНАРБЕКОВ,**

*Халқаро сув ресурсларини
бошқариш институти (IWMI)
ходимлари.*

АДАБИЁТЛАР

1. *Глобал Сув Ҳамкорлиги (2000 й) Сув хавфсизлигини таъминлаш: ҳаракат дастури (Инглиз тилида: Towards Water Security: A Framework for Action, GWP).*

2. *Жаҳон сув кенгаши (2000 й). Жаҳоннинг сув нигоҳи: сувни авайлаш барчанинг бурчи (Инглиз тилида: World Water Vision: Making Water Everybody's Business).*

Мутахассис мулоҳазаси

КУЗГИ ШУДГОР ВА ЗАМИНОБ

Қарши дашти иқлим шароитида йиллик ёғингарчиликнинг анча (100-130мм) камлиги боис ерга қадалган чигитнинг униб чиқиши амримаҳол бўлиб, тупроққа захира намлик, яъни заминоб суви беришга тўғри келади.

Авваламбор кузги шудгор сифатли ўтказилиши талаб этилади. Бунинг учун эса тупроқ намлиги 40 фоиздан кам бўлмаслиги, шудгордан олдин ерга ўсимлик учун озика моддалари солиниши керак бўлади.

Далалар ҳайдалган пайтда тупроқ қуруқ бўлганлиги боис, йирик-йирик кесаклар кўчиб, ҳайдалган ернинг сифатига анча пугур етказилади. Бу эса далаларни экишга тайёрлаш ишлари анча мушкул кечиб, ортиқча меҳнат харажатларига олиб келади, деган гап.

Кузда ҳайдалган кесакли далалар чизель-культивация қилинади ва суғориш учун жўяклар олинади. Суғорилиб, тупроқ етилгач майдонлар экишга тайёрланади.

Механик таркиби оғир ва ўта оғир бўлган тақирли ва тақир тупроқларда намликни сақлаб туриш анча мушкул иш. Агар кузги шудгор чуқур ўтказилса, тупроқнинг намлиги яхшиланади ва қадалган уруғларнинг тўлиқ униб чиқиши учун

тўла кафолат бўлади, акс ҳолда гўзалар тўлиқ униб чиқолмайди.

Июль ойининг бошларида далаларни кузатиб туриб, икки хил манзарага дуч келганмиз. Иккала дала ҳам 2 мартадан суғорилган ва баравар озика берилган эди.

Биринчи даланинг аҳволи анча яхши бўлиб, 4-5 тадан кўсак олган. Иккинчи далада эса аҳвол ўзгача бўлиб, гўзалар ночор, бўйи 40 сантиметрдан ошмаган ва зўрға 2 тагина кўсак олган эди.

Кузатганимизда шу нарса маълум бўлдики, иккинчи далада кузги шудгор ўта сифатсиз, яъни бор-йўғи 15 сантиметр чуқурликда ҳайдалган, холос. Бу эгатлар орлалиги кавлаб кўрилганда маълум бўлди. Бундай майдонлар гўзаларнинг ўсиши даврида культивация қилинганда ҳам қатламидан пастга тушаолмайди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, оғир ва ўта оғир механик таркибли тақир ва тақирсимон тупроқлар

чуқур шудгор қилинмаган тақирда уларнинг физик ҳолати — намлиги, ҳаво ҳолати яхшиланмайди, суғорилганда намлик пастга шимилмай, сувнинг анчагина қисми буғланиб кетади. Ўсимлик илдизлари тупроқнинг қуруқ қисмига борганда нормал озика берилган бўлса ҳам, қуйи силжий олмайди, шу боис ўсишдан ҳам тўхтаб қолади.

Чуқур ҳайдалган ва қондириб суғорилган майдонларда экилган гўзалар июнь ойининг иккинчи ярмигача сувсиз чидаши мумкин. Заминобнинг афзаллиги ва самарадорлиги шу ерда сезилади. Юқори зонада экилган гўзалар эса бу пайтда бир марта суғорилган бўлади.

Шуни унутмаслигимиз керакки, Амударёдан Қарши даштигача сув етиб келиши учун қанча меҳнат-машаққатлар сарф бўлади. Сувнинг 132 метр баландликка кўтариб етказилишини инобатга оладиган бўлсак, келтирилган сувни имкон қадар тежаб-тергаб ишлатишимиз талаб этилади. Сувнинг ҳар томчиси олтинга тенглигини унутмаслигимиз даркор.

Нуриддин РУҲИДДИНОВ,
*кекса мутахассис.
Косон тумани.*

“АНДИЖОН БАЛИҚ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ жамоаси



Барча юртдошларимизни, эл-юрт тўқинлиги йўлида
фидокорона меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалиги ходимларини,
фермер ва деҳқонларимизни мамлакатимиз

Мустақиллигининг 26 йиллик шодиёнаси билан самимий муборакбод этади.



Озод диёримизнинг янада обод ва
фаровон бўлиши йўлида фидойилик
қўрсатаётган ҳамюртларимизга
мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад
ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилайди.

Ёш фермерлар

ИМКОНИАТЛАР ЙЎЛ ОЧГАНДА

Жиззахнинг Мирзачўл тумани об-ҳаво шароити билан вилоятнинг бошқа туманларидан ажралиб туради. Ёзи иссиқ гармселли, қиши изғиринли совуқ. Заҳматкаш деҳқонлари эса фасллар алмашинуви, табиат инжиқликларидан чўчимай мўл ҳосилга замин яратмоқдалар. Тумanning бир томони Қозоғистоннинг Еттисой тумани билан чегарадош.

Қаҳрамонимиз Абдурахим Нуров дастлаб отаси Рустам Нуров бошқараётган “Акобир Нурсайд” хусусий корхонасида иш бошқарувчилик қилди. Янгиликлардан бохабар, ўқимишли йигит бугунги ҳаёт оқимидан ортда қолишни истамасди. 2012 йилда 72,5 гектар ер олиб, “Акобир Шабнам” фермер хўжалигини тузди ва 3 киши билан иш бошлади. Ерга меҳр қўйиб, 35 ёшида яхшигина деҳқонга айланди.

2016 йилда 42 гектар ерга ғалла экди. Ҳар гектар ердан чўл шароитида 55 центнердан ҳосил олишга эришди. 27 гектар ерга экилган пахтадан ҳам 23 центнер ўрнига 42 центнердан хирмон кўтарди.

5 гектар ерга экилган сабзавот-полиэкинларидан 100 тонна сифатли ва сархил маҳсулот халқ истеъмолига чиқарилди.

— Абдурахмон акам “Саид Мурод” номли фермер хўжалиги раҳбари, амаким Одилбек Эргашев “Мирзачўллик Одил” чорвачилик фермер хўжалиги раҳбари. — дейди Абдурахим. — Ҳар бир ишни отам, акам, амаким билан маслаҳатлашиб қиламан. Ахир, сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим, — деган-ку, Алишер Навоий бобомиз.

Илғор сувчилар Аъзамбой Чаманов, Беҳзод Якубовларнинг айтишига қараганда, 21,5 гектар ердаги ғўзалар баравж етилиб ривожланмоқда. Яқин кунларда терим бошланади.

4 гектар ерга экилган сабзавот-полиэкинлари ҳам сотувга чиқарилмоқда. Айниқса қовуннинг “Оби новвот”, тарвузнинг “Ница” навлари харидоргир бўлиб, бу ширин-шакар маҳсулотлар ёзининг бошлариданоқ халқ истеъмоли учун бозор расталаридан жой олди. Тажрибали деҳқонлар Фурқат Йўлдошов, Адҳам Самандаровлар ўз билим ва маалакалари билан экинларнинг бозорбоп, сифатли бўлишини таъминлашапти.

Ҳар бир ишда техника инсонга мададкор. Хўжаликда “техниканинг пири”



номини оқлаётган Владимир Худаков, Александр Пихлер ўз касбини қадрлайди, техникалар вақтида хўжалик ишларига шай.

Абдурахим Нуров қишлоқдошларидан ўз ёрдамини аямайди, янги иш ўринлари очиш, мева-сабзавотларни қайта ишловчи цех қуриш, озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори ва сифатини янада ошириш унинг олдидаги режаларидир.

Фермер йигитнинг бугунги мақсадларга интилиши, шу йўлда тинмай изланиши ҳам кутлуғ оиладаги ҳамжиҳатлик ва юртимизда олиб борилаётган фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга бўлган эътибор туйғуландир.

Ўз мухбиримиз.

Сурапта: Фермер Абдурахим Нуров сувчи Беҳзод Якубов билан пахта даласида.

ПАХТАКОР ХИРМОНИ

ҳосил ўз вақтида сифатли йиғиб-териб олинса юксалади

Пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олиш муҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда ғўза майдонларида 30-35 фоиз кўсак очилганда теримга тушиш оқибатида яхши очилмаган ва тўлиқ етилмай қолган кўсақлар пахта-си терилгач, пахта салмоғи ва сифати пасайиб кетади.

Пахтани сифатли териб олишда, энг аввало, далани тайёрлаш лозим.

Суғориш ариқлари кўмилиб, дала четлари ва ўқариқлар текисланади. Дала боши ва охирида айланиш майдонидаги ғўзалар ўриб олиниб, тиркамалар юриши учун қулайлик яратилади. Ҳар бир фермер хўжалигининг умумий ер майдонини инobatга олиб, 30-50 гектарга битта пахта қуритиш майдончаси тайёрланади.

Даланинг 5 нуқтасидан кон-верт усулида 10 тадан ўсимлик намунаси олиниб, ушбу ўсимликлардаги жами кўсақлар сони ва шундан очилгани санаб чиқилади. Намунадаги ўсимликларда кўсақлар 80-85 фоиз очилган бўлса, ушбу далада йиғим-терим ишларига киришилади.

Ҳосилни ўз вақтида ёгин-сочинли кунларга қолдирмасдан териб олиш мақсадида, худудларнинг шароитидан келиб чиққан ҳолда, ҳар 80-100 гектар ғўза майдонига мўлжаллаб биттадан терим отряди тузилади. Отряд таркибига фермер хўжалиги аъзолари ва белгиланган шартнома асосида мавсумий ишга жалб этилган ҳашарчи теримчилар киритилади. Ҳар бир отряд теримчилар сонидан келиб чиқиб, уларни далага олиб бориш учун автотранспорт, пахтани ортиш ва ташиш учун трактор ва тиркамалар бириктирилади. Отряд бириктирилган фермер хўжаликлари кесимида пахта териш графиклари ишлаб чиқилади.

Бунда теримлар орасидаги муддат катта аҳамиятга эга. Биринчи терим билан иккинчи терим ораси 15-20 кунни, иккинчи терим билан учинчи терим ораси 10-15 кунни ташкил этиши шарт. Акс ҳолда пахта хомашёси тўлиқ пишиб етилмай териб олиниб, салмоғи ва сифати пасайишига олиб келади.

Шунингдек, пахтани хом термас-

лик, чаноғида қолдирмасдан, сифатли териб олиш бўйича доимий назоратни йўлга қўйиб, тўлиқ териб олинган пахта майдонларига байроқчалар ўрнатилади. Бунинг учун эгат узунлиги 50-60 метрдан узун бўлган ерларда, теримчиларни ҳар 50-60 метрдан кейин қаторга қўйиш лозим. Яъни, далани бўлак-бўлак териб олиш яхши самара беради. Терилган пахта қуритиш майдонига олиб келиниб, камида бир кеча-кундуз қуритилгандан сўнг



қабул пунктларига жўнатилади.

Уруғлик пахтани териш тартиби. Уруғчилик пахта етиштирувчи фермер хўжаликлариде махсус комиссия томонидан апробациядан сўнг, уруғлик пахтани териб олиш тартибига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилади. Уруғлик пахта ғўза тупининг 3-7-ҳосил шохидеги биринчи кўсақлар пахтасидан териб олинади. Бунда уруғчилик хўжалигининг йўналишига қараб, уруғлик авлодлар (репродукция) бўйича алоҳида териши керак.

Уруғлик пахтани териб олишда далада камида 65-70% кўсақлар очилган бўлиши ҳамда теримда иштирок этадиган теримчилар уруғлик пахтани териб олиш тартиби билан таништирилиши шарт.

Уруғлик пахтани теришда теримчиларга махсус чўнтакли этаклар берилиб, асосий уруғлик пахта

этакнинг ичига, тўлиқ ривожланмаган ва касалланган кўсақлардаги пахта эса ён чўнтакка солинади. Умуман, уруғлик пахтани теришга уруғлик ишларидан хабардор, ма-лакали ишчиларни жалб қилиб, уларнинг масъулияти кучайтирилиши зарур.

Мутахассислар томонидан уруғлик учун яроқли деб топилган ғўза майдонлари бегона ўтлардан ва бошқа нав аралашмаларидан тозаланган бўлиши лозим. Уруғлик пахтани териш уруғчилик хўжалиги уруғчи агрономи, пахта уруғчилиги бирлашмаси мутахассислари ва "Давуруғназорат" инспекторлари назорати остида ташкил этилиши шарт.

Уруғлик пахтани терувчи ҳар 10 та теримчи устидан битта назоратчи қўйилиши лозим. Уруғлик пахтани териб олишда юқоридеги пахта терими қоидаларига тўлиқ риоя қилиш талаб этилади. Ҳар бир нав муаллифининг ўзи уруғчилик хўжаликлариде бўлиб, терим сифатига аҳамият бериши унинг наводрлигини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Уруғлик пахтани пахта тозалаш корхоналари ёки тайёрлов пунктларига топширишдан олдин, хирмонларда бир-икки кеча-кундуз давомида қуритиб, кейин топширилса, унинг санoатбoплиги ошади. Бундан ташқари, уруғнинг сифати яхшиланади, физиологик етилиши тезлашади, натижада уруғлик чигитнинг унувчанлиги ва униб чиқиш қуввати ортади. Уруғлик пахтани қабул манзилларига жўнатишда қўлда терилган уруғлик пахта кўндаланг қизил чизиқли юк хати, машинада терилган уруғлик пахта кўндалангига яшил ёки кўк чизиқли юк хати, техник тола юк хати эса чизиқсиз бўлади.

Бир сўз билан айтганда, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш учун ҳар бир кун ва техникадан унумли фойдаланиш лозим.

Ф.ТЕШАЕВ, Ж.АХМЕДОВ,

Б.НИЯЗАЛИЕВ,

қ.х.ф.докторлари, (ПСУЕАИТИ).

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ – ДЕҲҚОН МАДАДКОРИ

Етиштирилган пахта ҳосилини машиналар ёрдамида ерга тўкмасдан, тўлиқ ва тоза териш олиш даражаси гўзаларни машинабоп қилиб ўстириш, далаларни теримга тайёрлаш, пахта териш машинасини гўза тупларининг ҳолати ва ҳосилдорлигига қараб тўғри ростлаш, теримни отряд усулида ташкил этиш, унинг сифатини назорат қилиш ва баҳолаб бориш, машина ва механизмларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш, содир бўлган носозликларни даланинг ўзида бартараф этиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига оғишмай амал қилишга боғлиқ эканлигини фермерларимиз ва механизаторларимиз яхши биладилар.

Фермерлар, машина-трактор парки муҳандислари ва йиғим-терим отрядларининг бошлиқлари туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари агрономлари билан биргаликда ҳар бир худуддаги пахта майдонларини текшириб чиқиб, уларнинг ичидан машинабопларини танлаб олишлари зарур. Машинабоп майдонлар куйидаги талабларга жавоб бериши керак: қатор оралиғи кенглигининг 90 см. дан четланиши кўпи билан ± 3 см; пушталарнинг чўққиларида 5 см дан катта йирик ке-

кичлари ортади); алоҳида контурларнинг майдони машинанинг бир кунлик иш унуми (4-6 гектар)га тенг, узунлиги энг камида 500 метр (машина кун давомида бир даланинг ўзида ишлайди, қайрилиш ва бурилишларга кўп вақт сарфланмайди); далалар бегона ўтлар, айниқса, гўзага ўралиб ўсувчи ўсимликлардан (масалан, печакдан) тоза (шпинделлар тез кирланмайди, уларни тозалаш осонлашади); кўчат сони гектарига 100-120 минг туп атрофида (далада режадаги ҳосил тўпла-



саклар бўлмаслиги лозим; гўза тупларининг баландлиги 80-100 см атрофида; терим олдидан гўза барглариининг тўкилиш даражаси энг камида 85-90%; гўза тупларидаги қўсақларнинг очилганлик даражаси 80-90%; даланинг боши ва охирида машинанинг қайрилиши учун тайёрланган текис майдончанинг кенлиги энг камида 10 метр; ҳамма ўқариқлар ва бешамақлар сифатли текисланган бўлиши шарт; дала контурларининг шакли тўғри тўртбурчак (конверт) кўринишига келтирилган (машинанинг иш унуми ва кўрсат-

нади, машинада кўп пахта терилади); гўзалар бир текис ривожланган, пахта ҳосилдорлиги гектарига энг камида 30-35 центнер атрофида.

Машиналар юқори унум билан ишлаши ва пахтани ерга меъёридан ортиқ тўкиб юбормаслиги учун уларнинг ҳар бири терим олдидан ва терим даврида (дала ва гўзанинг ҳолатига қараб) механизаторлар ва кўчма устахона механиклари томонидан ростланиши лозим. Ростлаш қоида ва усуллари "МХ-1,8 пахта териш машинаси. Машинанинг тузилиши ва уни ишла-

тишга доир қўлланма"да батафсил ёзилган. Энг муҳим ростлаш кўрсаткичлари ва уларнинг қийматлари куйидагилардан иборат: аппаратлар иш тирқишлари ўқлари ва машинанинг бўйлама ўқ орасидаги масофа 450 мм; аппарат иш тирқишининг вертикал ҳолатдан четланиши, кўпи билан ± 15 мм; аппарат пастки рамкасининг ерга нисбатан нопараллеллиги, кўпи билан ± 5 мм; жуфтликда ишловчи шпинделли барабанлар орасидаги иш тирқишининг пастки ва юқори қисмларидаги кенгликлари ўртасидаги фарқ, кўпи билан 2 мм; жуфтликда ишловчи шпинделли барабанлар юқориги дискларнинг вертикал бўйича ўзаро силжиши, кўпи билан 7 мм; жуфтликда ишловчи шпинделли барабанлар шпинделларининг ўзаро шахмат тартибида жойлашувидан четланиши, кўпи билан ± 6 мм; жуфтликда ишловчи шпинделли барабанлар орасидаги иш тирқишининг чегаравий қийматлари: олдинги жуфтлик учун 26-40 мм; кейинги жуфтлик учун 22-36 мм; аппаратнинг олдинги ва кейинги жуфт барабанлари орасидаги иш тирқишлари кенгликлариининг тафовути кўпи билан 4 мм; ажраткич чўткалари қилларининг шпинделлар тишларига максимал ботиб туриши 2 мм; ажраткич чўткалари қиллари билан шпинделлар тишлари орасидаги максимал тирқиш 1,5 мм; ажраткичлар ўртасига ўрнатилган тўсиқнинг қирраси билан олдинги ажраткич чўткаларининг қиллари орасидаги тирқиш кенлиги 5-7 мм; аппарат эшикчаси билан олдинги ажраткич чўткаларининг қиллари орасидаги тирқиш кенлиги 5-7 мм; пневмосистема вентиляторлари юритмаси тасмаларининг юқориги тармоғини 3-4 килограмм куч (30-40 Н) билан босганда уларнинг эгилиши 11-23 мм.

Пахта ҳосилини қисқа муддатларда, нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишнинг илғор усули - бу фермер хўжаликлари худудлари ва туман машина-трактор паркларида йиғиш - ташини отрядларини ташкил этишдир. Отряд усули пахта териш машиналарининг смена давомида юқори иш кўрсаткичларига эришишини таъминлайди, бир тонна пахта териш учун сарфланадиган меҳнат ва моддий маблағлар анча қисқаради.

Ҳар бир отряд таркиби далаларни машина теримига тайёрлаш, пахта те-

риш, ташиш, техник хизмат кўрсатиш ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш звеноларидан иборат бўлиши лозим.

ҚУЙИДА ЗВЕНЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ КЕЛТИРИЛГАН

Далаларни машина теримига тайёрлаш звеноси. Жами 1000 гектар пахта майдонига эга бўлган 13-15 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатувчи муқобил машина трактор паркида битта шундай звено ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу звенонинг вазифасига пахта майдонларини теримга сифатли қилиб тайёрлаш, йўл, ўқариқ ва бешамакларни текислаш, бурилиш майдонларини очиш киради.

Звенолар ихтиёрида грейдер ва булдозерлар, 4-5 та чопик трактори ва ер текислагичлар бўлади. Звено бошлиғи бажарилган ишни далолатнома бўйича отряд бошлиғига топширади. Унда иш сифати, ҳажми ва бажарилиш муддатлари кўрсатилган бўлади.

Пахта териш звеноси. 1000 гектар пахта майдони учун бир отрядда 3 та пахта териш звеноси ташкил қилинади. Уларнинг вазифаси - ҳосилни исроф қилмасдан тез йиғиб олишдан иборат. Бутун отряднинг ишлаш ритми пахта териш звеноларининг уюшқоқлик билан фаолият кўрсатишига боғлиқдир. Бир звенога 4-6 та МХ-1,8 пахта териш машинаси бириктириб қўйилади. Иш икки сменада ташкил қилинганда ҳар бир терим агрегатида 2 нафар механик-ҳайдовчи ишлайди.

Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш учун унинг ҳар бирига бир кунда териш улгурадиган 4-6 гектар пахта майдони ажратилиши лозим.

Звено бошлиғи пахта ҳосилини машинада териш қоидаларига қатъий амал қилади: пахта даласи бутун кенглиги бўйича 10 қатордан иборат алоҳида-алоҳида пайкалларга ажратилади ва улар нишон қоziқлари билан белгиланади. Пайкаллардаги қаторлар ёндош қатор ораларидан бошлаб саналади; қаторларга кириш олдидан аппарат иш тирқишининг кенглиги ростланади. У пахта ҳосилдорлиги ва ғўзаларнинг ривожланганлик даражасига қараб, 22-40 мм атрофида ўрнатилади; аппаратлар ёндош қаторларга кирмаслиги керак, чунки бундай қатор ораларининг кенглиги турлича бўлгани туфайли ғўза туплари иш тирқишига эгилиб киради, пахта ерга кўп тўкилади ва аппаратлар ғўзаларни шикастлайди; қаторларга кириш олдидан аппарат ва вентиляторлар ишга туширилади ва тракторнинг зарур тезлик

узатмаси қўшилади. Двигател энг катта тезликда ишлашга қўйилади; аппарат иш ҳолатига туширилади. Қайрилиш жойларида охириги ғўза туплари бошқарилувчи филдираклар билан тенглашгандан кейингина машинани оҳиста ва раvon қайириш керак; даланинг бошида, ғўза туплари аппарат иш тирқишига тўппа-тўғри кириши лозим. Пайкаллардан чиқаётганда, охириги ғўза тупи иш тирқишидан ўтгандан кейингина, двигателнинг айланиш частотасини камайитириш мумкин; терим аппаратининг ерга нисбатан баландлиги ғўза тупидаги пастки кўсақларнинг пахтаси тўла териладиган, барабанларнинг пастки дисклари эса пуштага тегмайдиган қилиб ўрнатилади. Механик-ҳайдовчи аппарат рамкаси тупроқни сидирмаётганини ва катта кесақлар иш тирқиши олдини тўсмаётганини доимо кузатиб бориши керак; қабул камераларига нимадир тикчилик қолганда аппарат ва вентиляторни дарҳол тўхтатиб, тикчилган нарса-ларни олиб ташлаш, носозликларни бартараф этиш лозим. Қабул камераси тозаланмасдан иш давом эттирилса, пахта ерга кўп тўкилади, шпинделларга пахта ўралашади ва ажратгичлар синиб кетади; шпинделлар сатҳи - шира босмаган ва пахта толалари билан ўраламаган - тоза бўлиши лозим. Шпинделлар ифлосланганда, уларни босим остидаги сув билан ювиб - тозалаш шарт. Акс ҳолда, машинанинг агротехник кўрсаткичлари 3-4 фоизга пасайиб кетади; бункер пахта билан тўлганда дарҳол бўшатиш лозим. Бункери кўтарилган машинани юргизиш қатъиян ман этилади; қаторлардан чиқишда, пахтани бўшатишда, бир даладан бошқа далага ўтишда ва йўлда юрганда аппаратлар транспорт ҳолатга кўтарилади. Машинани узоқ масофага ҳайдаб боришда терим аппаратларини транспорт ҳолатга кўтариш ва уларни тирак ёрдамида қимирламайдиган қилиб қотириш керак, шунда аппаратлар ўз-ўзидан ерга тушиб кетмайди.

Пахта ташиш звеноси. Ҳар бир отрядда 2 та пахта ташиш звеноси ташкил этилади. Бу звеноларнинг вазифаси пахтани машина бункерларидан тайёрлов пунктгача тўхтовсиз ташиб туришдан иборат.

Битта звено 4-6 та тўрт филдиракли трактор ва пахта ташийдиган 8-12 та тиркамалардан ташкил топган. Ишни икки сменада ташкил қилиш мақсадида звенога 8-12 нафар механизатор ва 4-6 нафар ёрдамчи ишчи бириктириб қўйилади.

Пахта ташиш звеносининг бошлиғи пахта териш машиналарининг ҳаракат маршрутларини, уларнинг соатлик иш унумдорлигини яхши билиши, трактор поездларининг ўз вақтида бориб қайтишини таъминлаши, энг асосийси, бункерлари пахтага тўлган машиналарнинг далада туриб қолишига ва ташиш пайтида пахтани тўкилишига йўл қўймаслиги керак.

Техник хизмат кўрсатиш звеноси. Отряд таркибидаги ҳамма машина ва агрегатлардан кун давомида юқори унум билан фойдаланиш, кўп жиҳатдан уларга техник хизмат кўрсатадиган звенонинг аниқ ва сифатли ишлашига боғлиқ бўлади. Звенонинг асосий вазифаси - машиналарга смена-ли техник хизмат кўрсатиш ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб бажариш, смена давомида юз берган носозликларни бартараф этиш, ишдан чиққан деталларни даланинг ўзида таъмирлаш ёки алмаштиришдан иборат.

Звено таркиби 6 кишидан: мастер-созловчи, икки нафар шофёр-чилангар, тракторчи, электр пайвандчи ва ёнилғи қуювчидан иборат бўлади. Звенога кўчма устахона, техник хизмат кўрсатиш, ёнилғи қуйиш, пайвандлаш агрегати ҳамда шпинделларни ювиш қурилмаси бириктирилади.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш звеноси. Отрядда битта шундай звено-ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу звено вазифасига иссиқ овқат, чой тайёрлаш ва уларни далага етказиб бериш, ишдан ташқари вақтда машина терими қатнашчиларининг дам олишини ташкил этиш; янги газета, журнал, китоблар олиб келиш, бадий ҳаваскорлик жамоаларининг далада чиқишларини уюштириш; йиғиш-ташиш отрядининг ҳамма аъзоларига теримнинг бориши ҳақида ахборот бериб туриш каби тадбирлар киради.

Шунингдек, звено таркибида отряд аъзоларининг соғлиғини назорат қилиш, зарур бўлиб қолганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган фельдшер ёки ҳамшира ҳам бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, етиштирилган пахта ҳосилини машиналар ёрдамида териб олиш салмоғи ва сифати фермерлар, агрономлар, муҳандис-техник ходимлар, механизаторлар ва сервис ходимларининг мавсум давомида фидокорона меҳнат қилишларига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

М.ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., ҚХМЭИТИ.



**Лафзи ҳалол деҳқонларимиз етиштираётган
“оқ олтин” ҳамisha миллатимизнинг ўзига
хос фахри, иқтисодиётимизнинг асосий
йўналишларидан бири бўлиб қолади.
Ана шундай улуғ ишларга бевосита дахлдор
ишчи-ходимларимизни,
барча юртдошларимизни буюк айём
Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги
билан муборакбод этамиз.
Халқимизга тинчлик-тотувлик,
бободехқонларимизга
хирмони сарбаланд бўлишини
тилаб қоламиз!**



**“Ўзпахтасаноатэкспорт”
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
ЖАМОАСИ**

ҒАЛЛАКОР ИШГА КИРИШДИ

2018 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экишга тайёргарлик кўриш ва экишни сифатли ташкил этиш хусусида

Кузги бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил олишнинг асосий омилларидан биринчи навбатда ерни экишга сифатли тайёрлаш ва экишдан аввал ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, ғалла навларини тўғри жойлаштириш, экиш муддатлари ва меъёрларини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ерни ғалла экишга тайёрлашда, кузги буюднинг экишдан то ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган сарф-харажатларнинг 70 фоизи сифатли ер тайёрлашга сарфланади, натижада гектарига 120-160 кгдан уруғликка экилган майдонлардан ҳам 75-80 центнердан дон ҳосили олинади.

2018 йил ҳосили учун ғалла экиш мавсуми ҳар йилгидан кўра тиғиз, мураккаб шароитни тақозо этади. Республикада ҳар йили 30-40 фоиз очиқ майдонга ғалла экилган бўлса, 2018 йил ҳосили учун экиладиган ғалла тўлиқ, яъни 100 фоиз ғўза қатор орасига экилади. Бунинг учун ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари, туман раҳбар ва мутахассислари ҳамда вилоят ғаллачилик бўлими бошлиқлари ғалла экишга ўта эътибор ва масъулият билан ёндашиши лозим. Агар озгина масъулиятсизлик ва эътиборсизлик қилинса, ғалла ўз муддатида экилмай, чўзилиб кетиши мумкин.

Ўтган йилда бошоқли дон етиштириш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, фермер хўжалиги раҳбарларининг соҳадаги тажриба ва билимлари етишмаётганлиги натижада ғалладан кўзланган ҳосил етиштирилмади.

Агротехнологик жараёнларда ҳар бир хато тўғридан-тўғри ғалладан паст ҳосил олишга олиб келади.

Жорий йилда ҳам бу хато ва камчиликларнинг қайтарилмаслиги ва 2018 йил ҳосили учун бошоқли дон экиш ишларини белгиланган муддатларда тез ва сифатли қилиб бажаришда мутасадди раҳбар ҳамда мутахассислар, фермер хўжалиги раҳбарлари қўйидаги агротехник тадбирларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим бўлади.

1. Техника тайёргарлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Ўтган

йили айрим массив ва МТП ларда экиш мавсуми олдида ер тайёрлаш ва экиш техникаларини таъмирлашга етарли аҳамият берилмаганлиги, айниқса, экиш сеялқалари, мосламалар сифатли таъмирланмаганлиги мавсумнинг оптимал муддатларда сифатли ўтказилишига салбий таъсир кўрсатди.

2. Ғўза қатор орасига ғалла экиш учун пахтанинг биринчи теримидан сўнг, ерни сифатли тайёрлаш лозим. Ғўза қатор орасига экиш учун ер сифатсиз тайёрланса, экилган ғалла уруғлигининг 50 фоизи ер юза қисмида қолиб, униб чиқмайди, натижада эрта баҳорда кўчат сийраклашиб, белгиланган ҳосил олинмайди.

Сифатсиз ерга экиладиган ғаллада 6 млн (250-270 кг) кўчат қалинлигида экилганда 3 млн (120-135 кг) кўчат олинади, холос. Яъни қиммат нархларда олинган уруғликнинг 50 фоизидан фойдаланилади. Натижада ҳосилдорлик 30 центнердан ортмаслиги аниқ.

3. Ғўзанинг охириг сувида кейин (20-25 август) ғўза ичини майин I культивациядан чиқариш лозим. Бу қатқалоқ бўлмасдан ғўза қаторлари очилади, ҳаво ва иссиқликнинг айланиши тезлашади, кўсақлар могорламасдан етилиб очилади.

4. Кўсақлар 80-90 фоиз очилган ҳолатда пахта йиғим-теримига киришиш лозим. Пахта териш звеноси бошлиғи картани узунасига эгат бўйлаб теришни ташкил этиши, ғалла экиш учун картани тўлиқ бўшатиб бериши лозим.

5. Очиқ майдонларда бошоқли дон экишда, сабзавот ёки такрорий экинлардан бўшаган очиқ майдонларда ерларни 25-30 см чуқурликда, икки яруслик чимқирқар омочлар билан ағдариб ҳайдаш, жорий текислаш, молалаш, кесакли майдонда лезер доминаторлар билан ишлов бериш, симёғоч ва майдон атрофларига тўлиқ ишлов бериш,

ўтли майдонлардаги ажриқ, ғумай томирларини тозалаб териб олиш, узун базали ер текислагичлардан унумли фойдаланиб, сув қўллашига ва кесакли қилиб тайёрланишига мутлақо йўл қўймаслик керак.

6. Экиш олдида ерларга фосфорли ва калийли ўғитларни бериш. Ўтган йили айрим фермер хўжаликлари раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли мавжуд ғалла майдонларининг 15-20 фоизи фосфорли ўғитларсиз экиб юборилди. Натижада, айнан, шу майдонларда ғалланинг гуллаш ва мум пишиш фазаларида фосфор етишмаганлиги сезиларли салбий таъсирини кўрсатди.

Фермер хўжаликлари раҳбарлари экиш олдида фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёрини 100 фоиз беришни таъминлашлари ғаллачиликда озиклантиришни энг мақбул муддатда асосий омил эканлигини унутмасликлари лозим.

Демак, биринчи теримдан бўшаган майдонларга, яъни 2-культиватор билан бирга ғаллага бериладиган фосфор ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёрини 100 фоиз тупроққа солиш керак.

7. Ғўза қатор ораларига экишда экиш ишлари махсус мосламалар ёрдамида амалга оширилиши ва бу мосламаларнинг ишга яроқлилиги ҳамда уруғни бир текисда ташлашига эътибор қаратилади.

Экиш пайтида кесакли тайёрланган майдонларда уруғ сепиш тавсия этилмайди. Худди шундай, эгатлар тўлиқ бузилмаган, 15-18 см чуқурликда юмшатилмаган майдонларда ғалла экиш ўта салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Бунда, биринчидан, уруғ белгиланган чуқурликка тушмайди. Иккинчидан, 20-30 фоиз уруғлар ғўзапоя тагидаги юмшатилмаган қолган ҳимоя зонаси устида қолиб кетади. Учинчидан, кесакли майдонларда экилган 30-40 фоиз уруғлар тупроқ билан аралашмай, кесак устида қолиб кетади. Бундай салбий ҳолатларнинг олди олинмаса, ниҳол сони белгиланган меъёрдан 30-40 фоизга кам бўлади. Қишлолда бундай майдонлардаги ниҳолларни совуқ уруши ҳолатлари учраши мумкин.

8. Очиқ майдонларга галла экиш-да махус дон экиш сеялкаларидан фойдаланилса, уруғ бир хил чуқурликка тушиб, текис униб чиқади. Фермерлар сеялка дискли сошниклар сонининг тўлиқ ва экишга яроқли бўлишига эътибор қаратишлари зарур.

Агар уруғлик ўғит сепиш мосламалари ёрдамида экиладиган бўлса, трактор излари атрофида ниҳоллар қалин, 3 метрдан кейин аксинча сийрак бўлиб қолади. Энг салбий ҳолат — жўяк олиш жараёнида уруғнинг 25-30 фоизи белгиланган чуқурликдан пастга тушиши 10-12 фоизи юзага чиқиб қолиши билан характерланади. Чуқурликка тушиб кетган уруғлар униб чиқмасдан чирийди, юзага тушганларини кушлар еб кетади. Натижада, 1 гектарда ниҳоллар сони ўртача 20-25 фоизга кам бўлади.

9. Суғориш ишлари экиб бўлингандан кейин, зудлик билан амалга оширилиши шарт, чунки шундай қилинса, юзага тушган уруғларни кушларнинг еб кетиш эҳтимоли пасаяди. Галла энг мақбул муддатларда экилган бўлса-да, суғорилмаса унинг униб чиқиш самардорлиги кундан-кун пасайиб бориб, ернинг табиий намида 20-30 фоиз уруғ бўртиб қолади.

Ўтган йилда агротехнологиянинг айнан, мана шу жойида кўп хатоликларга йўл қўйилди. Аксарият вилоятларда галла экилгандан кейин зудлик билан суғориш ишларига эътибор берилмади. Суғориш ишлари кечиктирилган майдонларда ерга сепилган уруғнинг 20-25 фоизи нобуд бўлди. Бу эса, ўз навбатида ҳосилдорликка таъсир этмасдан қолмади.

Суғориш ишларининг кечикиши уруғларнинг тўлиқ нобуд бўлишига олиб келади. Суғориш ишларини ташкил этишда сув танқислигини ҳисобга олиб, даланинг ҳар 50-60 метрдан ўқариқ олиб, шарбат билан суғориш, энг самарали усул ҳисобланади. Бунда дала қанчалиқ катта ва узун бўлмасин, даланинг барча қисмида бир текисда нам сақланиб, тўлиқ ниҳол олиш имкониятини беради. Аксинча, ўқариқлар олинмаса дала бошида ер кучли захлаб кетиб, дала охирида сув қўллайди. Натижада, даланинг ўртасида ниҳоллар сийрак униб чиқиб, ноябрь ойининг ўрталарида, ниҳолларда сарғайиш аломатлари пайдо бўлади. Далада ниҳолнинг бир текис олинмаслиги, ҳосилдорликка салбий таъсир қилади.

Биринчи сувдан кейин 7-8 кунда ниҳол тўлиқ униб чиқмаса, зудлик билан такрорий суғоришни ташкил этиш керак. Бунда даланинг чала суғорилган қисми алоҳида, сувчилар назоратида (1 гектар майдонда 2 нафардан кам бўлмаган сувчилар ёрдамида) бажарилиши керак.

10. Ниҳолларни туплашгача парваришlash. Ниҳоллар тўлиқ униб чиққандан кейин биринчи навбатда, пайҳон қилиниши олди олинishi керак. Бунда дала четларини четанлар билан ўраш талаб этилади. Ўртача 1 гектар майдонда 4,5-5,0 млн ёки 1 кв.м.да 450-500 дона ниҳол бўлганда далага қониқарли, деб баҳо бериш мумкин.

Галла униб чиққандан кейин, 20-25 кун ичида туплаш фазаси бошланади. Агар, туплаш фазаси шу муддатдан кечикса, зудлик билан маҳаллий ўғитлар ёрдамида, шарбат усулида суғоришни ташкил этиш, энг самарали усул ҳисобланади. Гўза қатор орасига экилган майдонларда далани гўзапоядан тозалаш ишлари декабрь ойининг ўртасигача таштилиши лозим.

Бундан ташқари, ернинг унумдорлиги паст майдонларда галла ниҳоллари тупламасдан сарғайиб қолса, 1 гектар майдонга соф ҳолда 30-35 кг.дан азотли ўғитлар билан қўшимча озиқлантириш ва суғориш яхши самара беради.

Галла ниҳолларининг қишлоғга туплаган ҳолда кириши, ниҳолларнинг совуққа чидамлигини ошириш билан бир қаторда, юқори ҳосилдорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Галла экишда ҳар бир ҳудуднинг табиий, тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб нав танлаш, экиш муддатларига риоя қилиш энг муҳим ишлардан биридир.

Кузги бошоқли дон экинларини экишда, навларининг биологик хусусиятларига қараб эртаки, ўртаки ва кечки навларни жойлаштириш катта аҳамиятга эга.

Экиш муддатларини тўғри белгилаш, галладан юқори ҳосил олишнинг асосий омили ҳисобланади.

Кўп йиллик тажриба натижаларига кўра, кузги галла белгиланган муддатдан кеч экилса, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 1 центнердан ҳосил йўқотилади. Агар галла 20 кун кеч экилса, 20 центнер кам ҳосил олинади ёки гектаридан 50-60 центнер ҳосил берадиган галла 20-30 центнерга тушиб қолади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Республикамиз вилоятларида қуйидаги экиш муддатларига риоя қилиш лозим бўлади.

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 25 августдан 25 сентябргача галла экиш мақбул муддатдир.

б) Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида 15 сентябрдан 15 октябргача.

в) Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эса 15 сентябрдан 20 октябргача галла экиш тавсия этилади.

Галла экишда энг нозик ва зарур бўлган ҳолатларни, албатта, инobatга олиш зарур.

Галлани экишни кечки навлардан бошлаш зарур, кейин ўртаки ва охири муддатларда эртаки навларни экиш энг муҳим агротехник тадбир ҳисобланади.

Агар биологик эртаки навларни экиш муддатларининг бошида, яъни эрта экилса, уларнинг ўсиш ва ривожланиши ўта тез бўлганидан кузги об-ҳаво илиқ бўлса, ноябрь ойининг учинчи 10 кунлигида найчага чиқиб кетади ва қишда кўп ниҳоллар нобуд бўлади. Қишга ва совуққа чидамсиз бўлиб қолади. Шунингдек эрта экилган навлар баҳорда сариқ занг, кўнғир занг ва бошқа касаллик ҳамда зараркунандалар билан кўпроқ зарарланади.

Ушбу ҳолатларни эътиборга олиб экиш муддатлари ва галла навларини танлашда, ўта эҳтиёткорлик талаб қилинади. Ушбу тавсияларга амал қилинмаса, галла ҳосили 50 фоизгача камайиши мумкин.

Республикамиз ҳар бир ҳудуди учун тавсия этилган қуйидаги навларни экиш лозим.

Эртаки навлар: Чиллаки, "Бобур", "Звезда" (Юлдуз), Андижон-4, Есаул, "Яксарт", "Ёғду", "Матонат".

Ўртаки навлар: "Таня", Красnodарская-99, "Гром", "Асп", "Давр", "Бригада", "Табор", Андижон-2, "Лебедь", "Грация", "Первица", "Крошка".

Кечки навлар: "Дурдона", "Юка", Андижон-1, "Восторг", "Калим".

Ушбу тавсияларга амал қилиб бошоқли дон экинларини экишни ташкил этсак шубҳасиз, 2018 йилда галладан юксак хирмон кўтарамиз.

Р.СИДДИҚОВ,
қ.х.ф.д.,

Ф.АСРАНОВ, Н.ЮЛДАШЕВА,
илмий ходимлар,
(ДДЭИТИ).

ОРАЛИҚ ЭКИНЛАР —

чорвага озуқа, ерга ўғит

Ўлкамизнинг тупроқ-иқлим шароити оралиқ экинлар етиштириш учун жуда қулай ҳисобланиб, куз, қиш ва баҳор фаслларида фойдали ҳароратлар йиғиндиси 1000-1500°C ни ташкил этади. Оралиқ экинларни етиштириш учун эса 540-900°C фойдали ҳароратлар йиғиндиси талаб этилади.

Шу боис, фермер хўжаликларида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун ғўза-ғалла қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларига тупроқда кўп миқдорда органик қолдиқлар қолдирадиган оралиқ экинларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Оралиқ экин сифатида жавдар, арпа, тритикале, сули, рапс, перко, горчица, бурчоқ, берсим, кўк нўхат, хашаки нўхат, кўноқ, ясмиқ каби экинларни соф ёки аралашма ҳолда, август-декабр ойларида асосий экин сифатида етиштириладиган маккажўхори, полиз ва сабзаёт экинларидан, такрорий экинлар ва ғўзадан бўшаган далаларга экиб, яхши парваришлаб, юқори кўк масса ҳосили етиштириш мумкин. Октябрь-ноябр ойларида экилган оралиқ экинлар ўз вақтида суғорилиб, озиқлантирилса, март-апрел ойларида ўрилади. Улар 15-20°C даража совуққа чидайдди.

Улар экиш муддатлари, озиқлантириш меъёри ва экиннинг биологик хусусиятларига қараб, ҳар гектар майдондан 250-450 центнергача кўк масса ҳосили тўплайди. Бу эса, фермер хўжаликларида витаминга бой ва ширали кўшимча емхашак етиштириш, тухум, гўшт ва сут ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради.

Оралиқ экинларнинг уруғлари яхши тайёрланган далаларга дон сеялкалари ёрдамида экилади. Жавдар гектарига 100-150 кг, арпа 120-130 кг, сули 90-100 кг, рапс, перко, горчица 12-15 кг. дан, бурчоқ 50-60 кг, хашаки нўхат 120-150 кг, жавдар ёки тритикале хашаки нўхат билан бирга экилганда жавдар ва тритикале 50-60 кг дан, хашаки нўхат 100-120 кг, жавдар, тритикале, сули, рапс, перко ёки горчица билан экилганда биринчиларида 70-80 кг, иккинчиларида эса 80-90 кг. меъёрларда уруғ сарфланади.

Энг муҳими, оралиқ экинларнинг ҳосили узоғи билан 10-15 апрелгача йиғиштириб олиниб, ўрнига асосий экин сифатида ғўза экилганда, унинг ҳосилдорлигини 10-15 фоизга юқори бўлиши исботланган.

Бурчоқ кузги бошоқли дон экинларидан, картошка, маккажўхоридан бўшаган ерларга экилади. Дуккакли экинлардан бўшаган ерларга экилмайди ва бир экилган далага 2-3 йилдан кейин қайта экилади. Оралиқ экин сифатида экилганда кузги бошоқли дон экинлари билан бир вақтда экилади. Бу асосан октябрь ойига тўғри келади. Суғориладиган ерларда ёппасига қаторлаб, қатор ораси 15 см қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 4-5 см. гектарига 50-60 кг. уруғ сарфланади. Суғориш учун 60-70 см. эгатлар очилади. Тупроқ-иқлим шароитларига қараб 2-3 марта суғорилади.

Вика кузги бошоқли дон экинларидан, картошка, маккажўхори-



дан бўшаган ерларга экилади. Дуккакли экинлардан бўшаган ерларга экилмайди ва бир экилган далага 2-3 йилдан кейин қайта экилади. Гектаридан 200-250 ц. кўк масса, 30-60 ц. пичан, 20 ц. дон ҳосили олиш мумкин. Вика тупроқда жуда кўп миқдорда азот тўплайди, шунинг учун кўпгина экинларга яхши ўтмишдош ҳисобланади. Оралиқ экин сифатида экилганда кузги бошоқли дон экинлари билан бир вақтда экилади.

Кўк нўхат оралиқ экин сифати-

да кузги бошоқли дон экинларидан, картошка, қанд лавлаги, маккажўхоридан бўшаган ерларга экилади. Дуккакли экинлардан бўшаган ерларга экилмайди. Ёппасига қаторлаб, қатор ораси 15 см. қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 4-5 см. Кўк нўхатнинг пояси тик ўсмайди, шунинг учун унга таянч ўсимлик сифатида арпа билан қўшиб экилади. Гектарига 100 кг. кўк нўхат, 60-100



кг. арпа уруғи экилади. Суғориш учун 60-70 см. эгатлар очилади. Кузги амал даврида 1-2 марта, баҳорги амал даврида 1 марта суғорилади.

Хашаки кўк нўхат ҳам кузги бошоқли дон экинлари, картошка, қанд лавлаги, маккажўхоридан бўшаган ерларга экилади. Дуккакли экинлардан бўшаган ерларга экилмайди. Бир экилган далага 5-6 йилдан кейин қайта экилади. Оралиқ экин сифатида октябр ойида қатор ораси 15 см. қилиб экилади. Лалми ерларда кенг қаторлаб, қатор ораси 45 см. қилиб экилади.

Рапс чорва моллари учун яхши озуқа ҳисобланади. 150 ц/га дан 250 ц/га гача кўк масса беради. Дони-нинг ҳосилдорлиги 15-25 ц/га. Кузги рапс кузги бошоқли дон экинларидан, картошка, қанд лавлаги, маккажўхоридан бўшаган ерларга экилади. Оралиқ экин сифатида кузги бошоқли дон экинлари билан бир вақтда экилади. Ёппасига қаторлаб, қатор ораси 15 см. қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 2-3 см, гектарига 12-15 кг. уруғ сарфланади. Кузги амал даврида 1-2 марта, баҳорги амал даврида 1-2 марта суғорилади. Суғориш учун қатор ораси 60 см. бўлган эгатлар олинади.



Кўноқ ҳам кузги бошоқли дон экинларидан, картошка, қанд лавлаги, маккажўхоридан бўшаган ерларга экилади. Оралиқ экин сифатида кузги бошоқли дон экинлари билан бир вақтда экилади. Ёппасига қаторлаб, қатор ораси 15 см. қилиб экилади. Экиш чуқурлиги 2-3 см. Гектарига 8-12 кг. уруғ сарфланади.

Оралиқ экинлар минерал ўғитларга, айниқса, азотли ўғитларга талабчан бўлади. Минерал ўғитлар билан озиклантирилганда, уларнинг ҳосилдорлиги ўғитланмаганга нисбатан 2 баробар ортади. Суғоришдан олдин, гектарига 80-100 кг. азотли ўғитлар феврал-март ойларида солинса, тритикале ва перко экинларидан 430-450 центнергача кўк масса ҳосили олиш мумкин.

Тажрибаларда алмашлаб экишнинг 1:1:1 (ғўза:кузги бугдой+соя:ғўза), 1:2 (кузги бугдой+соя:ғўза:ғўза), 1:2 (кузги бугдой+соя+оралиқ экинлар (нўхат, сули):ғўза:ғўза), 1:2 (кузги бугдой+соя+оралиқ экин

(нўхат, сули, жавдар):ғўза:ғўза) ҳамда 2:1 (кузги бугдой+соя:кузги бугдой+соя+оралиқ экинлар (нўхат, сули, жавдар):ғўза) қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида кузги бугдойдан сўнг такрорий экин сифатида соя, кузда оралиқ экин сифатида сули, нўхат, жавдар экилиши натижасида тупроқнинг 0-30 см. ли қатламида гумус 0,014-0,037 %, азот 0,015-0,025%, фосфор 0,010-0,015 % кўпайгани аниқланган. Ғўза кетма-кет уч йил экилиши натижасида гумуснинг миқдори 0,072 %, азот миқдори 0,006%, фосфор миқдори 0,012 % камайган; алмашлаб экишнинг 1:2 тизимида кузги бугдой+такрорий экин соядан сўнг, тупроқда қолган органик қолдиқлар миқдори гектарига 4,5 тонна, оралиқ экинлар (сули, нўхат, жавдар) қўшиб экилганда гектарига 5,2 тоннани ташкил этган бўлса, шу органик қолдиқлар орқали тупроққа 100-120 кг. азот, 40-50 кг. фосфор ва 70-80 кг. миқдорида калий элементлари қайтган.

Ғўза ва кузги бугдойдан тегишли равишда гектарига 2,0-2,5 ва 5-6 центнер қўшимча ҳосил олишга замин яратади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан ҳулоса қилиш мумкинки, ғўза-ғалла қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларига такрорий экинлардан сўнг, оралиқ экинларнинг киритилиши тупроқдаги озика моддалар миқдорининг ўсимликлар томонидан қайтарилишига ва тупроқ унумдорлиги сақланишига ижобий таъсир кўрсатиб, тупроқнинг 0-30 см. ли қатламида гумус миқдорининг 0,014-0,037% га, азотни 0,015-0,025% га, фосфор 0,010-0,015% ортишини таъминлаб, чорванинг ем-хашак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Б.ХАЛИКОВ,
қ.х.ф.д., профессор,

А.ИМИНОВ,
қ.х.ф.н.,

Ф.НАМОЗОВ,
қ.х.ф.д.

Кутлов

**Мамлакатимиз иқтисодиётини
ривожлантириш, эл-юрт фаровонлигини
таъминлаш йўлида меҳнат
қилаётган барча юртдошларимизни**

Истиқлол айёми билан қутлаймиз!

**Доимо донимиз мўл,
хирмонларимиз сарбаланд
бўлаверсин! Мана шундай
фарахбахш дамларда Сизларга
муштаҳкам соғлиқ, ишларингизга
улкан зафарлар тилаймиз.
Хонадонларингиздан файзу
барака аримасин,
азиз ватандошлар!**



«АСАКАДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ жамоаси

САРИМСОҚПИЁЗНИ ЭРТА КУЗГИ МУДДАТДА ЕТИШТИРИШ



Саримсоқпиёз дориворлик хусусиятига эга ва таркиби қимматли моддаларга бой сабзавот бўлиб, турли таомларга, салатларга қўшилади ва қайта ишлаш саноатида кенг қўлланилади. Таркибида жуда кўплаб углеводлар (10,5-21,4%), оқсил (6,76%), минерал тузлар, С дармондориси (баргида 50 мг/% гача, пиёзбошида 8-10 мг/% гача) бор. Саримсоқдан дори тайёрловчи фармакология корхоналарида сативин, аллицин, аллисат, аллизонтин каби 20 дан ортиқ дори тайёрланади.

Саримсоқпиёз навларининг биологик хусусиятлари ва экиб етиштириш усулига қараб кузги ва баҳорги навларга бўлинади. Кузги навлари поя чиқарадиган ва чиқармайдиган хилларидан иборат бўлиб, кузда экилади ва келгуси йили саримсоқ ҳосили олинади.

Бу ўсимликлар совуққа чидамли, ҳарорат 0° С атропоид бўлиб турган пайтда илдиэлари ўса бошлайди, +3...+5°С ҳароратда ўсиб боради ва +6...+8°С га етганда эса майсалари пайдо бўлади. Саримсоқ ёруғликка унча талабчан эмас, узун кун (16-18 соатли) ўсимлиги ҳисобланади. Тупроқ унумдорлиги ва намликка жуда талабчан.

Майдонларни экишга тайёрлашда дастлаб у ердаги барча ўсимлик қолдиқларини сеткали ёки зигзаг бороналар ёрдамида майдон ташқарисига чиқариб тўплаш, сўнг майдонларнинг нотекис қисмлари бўлса, бу қисмларни ер текислаш мосламалари ёрдамида текислаб чиқиш лозим бўлади.

Текисланган майдонларга фосфор ҳамда калий ўғитлари меъёрини 70% миқдоридан сепиб чиқиб, бу майдонларни ПН-3-35 русумли плуг билан 28-30 см. чуқурликда агар майдон шўрланган ёки ёввойи ўтлари кўп бўлса ПЯ-4-35 русумли плуг билан 35-38 см чуқурликда ҳайдаш лозим.

Унинг “Майский Вир”, “Южно-Фиолетовый” ва “Чидамли” навлари экиш учун

тавсия этилади.

Алмашлаб экишда саримсоқ бодринг, карам ва картошкка каби далани бегона ўтлардан тозалайдиган экинлардан кейин экилгани маъқул.

Саримсоқпиёзни энг мақбул экиш муддати августнинг учинчи ўн кунлигидан сентябрнинг биринчи ўн кунлигигачадир.

Саримсоқпиёз паллалари



йирик-майдалигига қараб гектарига 1,0-1,5 тонна ҳисобида экилади. Саримсоқ паллалари йирик ва экиш меъёри ортиши билан ҳосилдорлиги ҳам ортади. У 2-3 қатор қилиб экилганда ленталар ораси 50-60 см, ленталардаги қаторлар ораси 10-15 см, қатордаги ўсимликлар ораси 6-8 см. бўлади.

Булбочкалар паллаларга қараганда қалинроқ экилади, қаторлардаги ўсимликлар ораси 2-3 см. ва чуқурлиги 3-4 см. бўлиб, гектарига 80-100 кг. гача бульбочка-уруғлик сарфланади ва 5-6 см. чуқурликка экилади.

У кузда, совуқ тушгунча 1-2 марта суғорилади. Кўкламда (феврал охири-март бошида)

экилган саримсоқ одатда кузда экилганига қараганда кам ҳосил беради.

Уни кўклам-ёзда парвариш қилиш: 5-6 марта суғориш, қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш, чопиқ қилиш, гулпоаяларини синдириб ташлаш, минерал ўғитлар билан озиклантириш ва чиринди билан мульчалош ҳосилни анча оширади.

Тупроқ турига қараб, саримсоқ экилган майдонга соф холда 150-200 кг. азот, 140-160 кг. фосфор ва 60 кг. калий ўғити солинади. У экиладиган ерга янги гўн солиш ярамайди, чунки бу ҳосилнинг етилишини кечиктиради ва яхши сақланмайди.

Пиёз пашшаси, тамаки трипси ва бошқа зараркунандаларга қарши курашда 1 гектарга препаратлардан 10% эм.к ДВА-тридан 0,4л, 10% эм.к Талстардан 0,3-0,4 л, 20% эм.к Конфидордан 0,25-0,3л, касалликлардан сохта ун шудринг, илдиэ чириш, бўғин чириш касаллигига қарши 1% ли бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 60-80 кг/га), 10% эм.к. Топазни 0,125-0,15 л ёки н.кук. Курзат Р 0,2-0,25 кг препаратидан бирортаси 600 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Ҳосилни йиғишга 20-30 кун қолганда, суғориш тўхтатилади. Унинг ҳосили июн-июл ойларида йиғиштириб олиниб, сўнг яхшилаб қуритилади, барги ва гулпоаяси бўғзидан 3-5 см. қолдириб кесиб ташланади ҳамда сараланади. Саримсоқпиёз ҳарорат 1-3°С ва ҳаво намлиги 75-80% бўлганда яхши сақланади.

Р.ҲАКИМОВ,
қ.х.ф.н.,

Ф.РАСУЛОВ,
к.и.х., СПЭ ва КИТИ,

З.ДЕХҚОНОВА,
ТошДАУ.

СУНБУЛА — СЕРЮМУШ ОЙ

боғ-токзорларда сентябрь ойида
бажариладиган тадбирлар



Жорий йилда мамлакатимиз боғ ва токзорларида мева-узум ҳосили мўл бўлди. Боғларимиз болга тўлган авжи пишиқчилик даври давом этмоқда. Боғларда кузги ва қишки мева-узум навлари фарқ пишган. Бу вақтда асосий эътибор ана шу пишган меваларни нест-нобуд қилмасдан теришга қаратиш зарур.

Кечки мева ва узум навларининг пишиб етилиши боис, асосий иш ушбу меваларни ўз вақтида, сифатли териб олишдан иборат. Боғларда ҳосил теримидан 10-15 кун олдин, ҳар 100 м. масофада юк ташиш учун йўллар ўтказилади. Кечпишар олма ва нок навлари меваларнинг навига ва пишиб етилиши, муддатига қараб терилади. Бунинг учун теримчилардан мева-узум ҳосилини териш қоидаларини яхши билиши талаб қилинади. Энг аввал ерга тўқилган мевалар терилиб олиниб, кейин дарахтдан ҳосил узилади. Узилган мева-узумлар товар ҳолатига келтирилади. Улар сараланади ва яшиқларга тахланади.

Қишки узумнинг Пушти тоифи, "Нимранг", "Хусайни", "Ризамат", каби навлари сақлашга терилиб, қайта ишлаш корхоналарига юборилади.

Республикада об-ҳавонинг ҳар йили ҳар хил келиши сабабли, энг асосий агротехник тадбирлардан бири, ушбу ойда, бу токни кесиш ва шакл бериш ишларини олиб боришга қаратишдан иборат.

Ток туларининг новдалари икки муддатда: кўмиладиган тоқлар кузда, кўмилмайдиган тоқлар асосан баҳорда кесилади. Токдан мўл ҳосил олиш учун улар ҳар йили кесилиб, маълум шаклга келтирилади. Ток новдаларининг сони ва тупда жойланиши, унинг ўсиш кучига қараб тартибга солинади. Ток кесиб турилганда, унинг ҳосилга кириши тезлашади, мўл ҳосил бериш даври узаяди, механизациядан фойдаланиш орқали токнинг касаллик ва зараркунандаларига қарши кураш ишлари осонлашади. Ҳосил олиш учун доимо яхши пишган, бақувват, соғлом ва бағазаларда яхши этадиган, нормал бўғим орасига эга бўлган новдалар қолдирилади.

Токни умумий қабул қилинган

технологияси бўйича кесиш зарур. Ток кўмиладиган туманларда кесиш вақтида тупларда қабул қилинган меъёрдан 20-25 фоиз қўшимча кўзлар қолдирилади. Кучли ўсадиган Пушти тоифи, Нимранг, Хусайне, Ризамат, Қора қишмиш каби навларда кўзлар кўпроқ қолдирилиб, узунроқ кесилади. Бир тупда 200-300 тагача кўз қолдирилиб, ўртача ўсувчи Ркацителли, Саперави, Мускат розовый навларида кўзлар сони 150-180 тагача, кучсиз ўсадиган Рислинг, Пино чёрный навларида 80-120 та кўз қолдирилади.

Пишган новдалар шундай кесиладики, уларни пастки симга боғлаш мумкин бўлсин, заифроқ новдаларда 2-3 та кўзча қолдириб кесилади. Келажакда 4-5 та занг ҳосил бўлиши учун новдалар қолдирилади, 9-10 ёшли занг новдаларни янги ланиш мақсадга мувофиқдир.

Кесилган ток туллари кўндоқлаб ётқизилгач, кўмишдан олдин оидиум (кул) ва антракноз касалликларига қарши 3 фоизли бордо суюқлиги ёки 5 градусли оҳак-олтингургурт қайнатмаси пуркалиб жиққа ҳўланади.

Ушбу ойда пишган кечки мева-узумнинг бир қисми сақлашга қўйилади.

Мева-узум маҳсулотлари оддий ертўла, омборлар, ўра ёки барча талабларга жавоб берадиган омборхоналарда сақланади.

Уларни сақлаш учун муҳитни ҳаво ҳароратини ва намликни доимо аниқ белгиланган меъёрда ушлаб туриш зарур.

Мевалар етилганда, уларни об-ҳаво қуруқ вақтда, авайлаб банди билан бирга узиш лозим.

Сақлаш учун терилган мевалар етилиш даражаси бўйича навларга ажратилади ва уларни ўлчамлари бўйича саралаб, яшиқларга жойланади, 7-8 яшиқни устма-уст омбор-

нинг шипигача 50-60 см. масофа қолдириб тахланади. Яшиқларни айрим қаторлари ўртасида ҳаво айланиши учун 10 см. тирқиш ва юриш учун 60-80 см.ли йўл қолдирилади.

Олмани омборларда идишсиз сақлаш учун деворлар бўйлаб турли кенгликда, баландлиги 10-15 см.ли ёндорли сўқчалар ўрнатилади.

Тахтадан ёки фанерадан ишланган баландлик параллел жойлашган сўқчалар ўртасида 70-80 см. дан кам бўлмаслиги керак.

Мева-узумларни сақлаш вақтида текшириб туриш учун сўқчалар пирамида шаклида ўйиб ёки юпқа қават қилиб ёйиб қўйилади.

Олма ва нокни 5-6 ойгача сақлашнинг энг яхши шарт-шароити ҳаво ҳарорати 0-10°C ва нисбий намлик 85-95% бўлиши керак.

Албатта, оддий ертўлаларда бундай натижага эришиш қийин, шунинг учун юқоридаги шароитга яқинлаштиришга ҳаракат қилиш керак, яъни ҳавони шамоллатиб, сув сепилиб, олтингургурт билан дудлаш ва мева-узумларни сифатини кузатиб бориш керак.

Узум сақланаётганда узилган узум бошларини эҳтиёткорлик билан сояга ёйиб, 1-2 кун мобайнида шамоллатиб сўлитулади. Сўнгра узум бошларини иккитадан бойлаб осиб сақласа бўлади. Ёки узун новдалар билан кесилган узум бошлари сувли идишга ботириб қўйиб сақланса натижаси яхши бўлади.

Айрим жойларда узумни қамишдан тўқилган бордонларга ёйиб сақланади. Сақланаётган маҳсулот бир ойда икки маротаба кўздан кечирилиб, омборхона олтингургурт билан дудланади.

Юқоридаги тадбирлар ўз вақтида бажариб борилса, мамлакатимиз аҳолисини йил давомида мева-узум маҳсулотлари билан таъминлаб боришга имкон яратилади.

Р.АБДУЛЛАЕВ,
қ.х.ф.н.,

Х.АБДУЛЛАЕВА,
катта илмий ходим,

Акад.М.Мирзаев номли БУВаВИТИ.



**«Ўзвиносаноатхолдинг»
холдинг компанияси**



*Эзгу мақсадларни дилига жо этиб
она-Ватанимиз равнақи ва
фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган
бунёдкор халқимизни, тизимда фаолият
кўрсатаётган кўп минг сонли соҳа ходимларини*

*мамлакатимиз мустақиллигининг **26** йиллик
айёми билан муборакбод этади. Барчага мустаҳкам
соғлик, оилавий бахт-саодат ва тотувлик доимо ёр
бўлишини тилайди.*

*Ушбу фараҳбахш кунлар
шукуҳи қалбларимизни асло
тарк этмасин!*



ЯНГИРАВОТЛИК УРУҒЧИЛАР

Ўзбекистон — серкүёш ўлка, ҳар бир қарич ери биз учун муқаддас. Юртимиз зироатчилигидаги экинларнинг салмоғи ва сифат даражаси, соҳибкорчиликдаги меваларнинг мазаси, таъми беқийёс. Зеро, Биринчи Президентимиз, “Ўзбекистон халқи — бахтли халқ. Оллоҳ Таоло бу халқни саҳий замин ва ноёб бойликлар билан сийлаган... Жаҳонда камдан-кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иқлим шароитларининг уйғунлиги туфайли, дунёдаги энг мазали ва энг фойдали мева-сабзавотлар фақат бизнинг минтақамизда етиштирилиши мумкин” дея фахр билан таъкидлаганлар.

Давлатимиз томонидан халқ хўжалигининг хусусан, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар шиддат билан амалга оширилмоқда. Жумладан, тўқинлик бош бекати саналмиш — аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича жойларда, жумладан Тойлоқ туман



ни Янгиравот қишлоғи хонадонларида сабзавот, полиз ва картошка уруғларини етиштириш ишлари эътиборимизни тортди.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик институтининг Самарқанд тажриба станцияси айнан шу қишлоқ ҳудудида жойлашган ва қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги шу ерда меҳнат қилади. Шу боис, қишлоқ аҳолиси шахсий томорқаларида ҳамда деҳқон-фермер фалладан бўшаган ерларида сабзавот уруғларини етиштирадilar.

Олим-агроном Исмоил ака ва Шарофат опа Маматқулова хонадониде сабзавот уруғлари етиштирилади.

— Маҳаллий уруғлардан етиштирилган сабзавотлар таъми жуда яхши таркиби турли хил фойдали витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Айрим деҳқонлар хориждан келтирилган сабзавот уруғларига ишқибоз. Халқимиздан илтимос қилардим, ўзимизнинг ва чет элдан келтирилган уруғдан етиштирилган сабзавотларни солиштириб кўриб, холисона баҳони берсин, — дейди Шарофат опа куюнчаклик билан.

Ўзимизда етиштирилган уруғларни кузатиб, Исмоил акадан пиёзнинг маҳаллий “Зафар” нави хусусида сўрадик. — Бу нав ўртапишар нав бўлиб, пўсти сиёҳ рангда, дармондорилари таъми яхши бўлганлиги учун

харидорғир.

— Мен помидорнинг маҳаллий “ТМК-22”, ошқоқнинг “Испан-133”, ош лавлагининг “Диёр”, ширин қалампирнинг “Дар Ташкента” навлари уруғларини етиштириш билан шуғулланаман. Навларнинг агробиологик хусусиятларига баҳо бериш учун тажриба майдончаларида синовлар ўтказамиз. Мўл ва сифатли ҳосил олиш бўйича деҳқонларга илмий асосланган тавсиялар берамиз, — дейди тажрибали уруғчи Одилжон Келдиёров. — Уруғ етиштириш сердаромад соҳа.

Марзия опа Султонова ва Иброҳим ака хонадонига кирар эканмиз, ҳар-хил уруғларнинг кишига ёқадиган хушбўй ҳиди димоққа урилди. Оила аъзолари ҳамжиҳатликда иш билан банд. — Мана бу уруғ маҳаллий сабзининг “Мушак”, буниси бодрингнинг “Навруз”, бу эса карамнинг “Тошкент-10” навиники, ҳаммасининг харидори ҳозирданоқ аниқ. Мижозларимиз сони ортиб бормоқда, — дейди Марзия опа мамнуният билан.

— Деҳқонлар билан мавсум давомида боғланиб турамиз ва ҳатто далаларига ҳам тез-тез бориб турамиз, — дейди Иброҳим ака. — Уруғчиликда қатор омиллар, жумладан, апробацияни белгиланган муддатларда

ўтказишнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам биз бунга катта эътибор қаратамиз. Эндиликда деҳқон экадиган уруғни аввало ўзи етиштириши ёки малакали маҳаллий уруғчи билан ҳамкорлик қилиши керак. Бу билан ишончли, мазали, мўл ҳосил етиштириш имкони яратилади.

Ҳозирги давр олимларимиз олдида экинларнинг серҳосил, касалликларга ва ноқулай табиий иқлим шароитига чидамли, юқори сифатли нав ва дурагайлари яратиш, уруғчилик тизимини узлуксиз такомиллаштириш, бирламчи уруғчиликни ривожлантириб суперэлита, элита ва 1-репродукция уруғлар етиштириш ва уларни кўпайтириш, наводорлик, унувчанлик, ҳосилдорлик сифатини оширувчи ҳамда маҳсулот етиштиришдаги илғор технологиялар асосида тупроқ унумдорлигини ошириш, ўсимликларни озиклантириш тизимини ишлаб чиқиш масаласини қатъий қўймоқда. Зеро, бу эл-юрт тўқинлиги мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги муқаддас бурч демакдир.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: чанда Шарофат Маматқулова, ўртада Одилжон Келдиёров, ўнгда Марзия Султонова.

ТОМОРҚА — ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ СОҒЛИҚ ГАРОВИ,

дейди Тошкент вилоятининг Чиноз туманида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Абдумўмин ака Абдукаримов.

Абдумўмин аканинг томорқасини кўрсангиз ҳавасингиз келади. 25 сотихга яқин ерда деярли бўш жой йўқ — лимон, ёнғоқ, олма, нок, анор дарахтлари, мош, қовун, тарвуз, турли кўкатлар, токзор. Уларнинг хилма-хиллиги кўзни қамаштиради. Отахон билан томорқани айланар эканмиз, тўгриси, бу ажойиб манзарани кўриб ҳайратимизни, ҳавасимизни яшира олмадик. У бизнинг ҳайратланганимиз-



ни кўриб секингина гап бошлади:

— Томорқани бундай ҳолатга келтиришнинг ўзи бўлгани йўқ. Беш йил бурун, шу ерга кўчиб келганмиз, шундан буён тиним билмайман. Ўзимнинг соҳам қишлоқ хўжалигидан анча йироқ бўлгани учун олдинга, бироз қийналдим. Баҳорда бир нарсани эксам, кузда бошқасини экдим, қишда плёнка тагида кўчат етиштирдим, ёзнинг жазирамасида ҳам меҳнат қилишдан тўхтамадим. Зарурат бўлганда мутахассислар, оддий деҳқонлар маслаҳатига қулоқ тутдим. Энг муҳими, қилган меҳнатим бесамар кетмади. Бугун, кўриб турганингиздек, томорқамда ҳамма нарса ўсиб, унапти.

Суҳбатдошимизнинг соҳаси, ўзи айтганидек, қишлоқ хўжалигидан анча йироқ — инженер-металлург. 1966 йили ўрта мактабни муваффақиятли тугатгач, 1966 — 1971 йилларда Москва пўлат ва қотишмалар институтида ўқиб, инженер-металлург касбини эгаллаган. Шундан сўнг, узоқ

йиллар мамлакатимиздаги турли идоралар ва корхоналарда ўз касби бўйича раҳбар лавозимларда меҳнат қилди.

— Пенсияга чиқиб, бекор ўтира олмадим. Меҳнатга ўрганган одамнинг бўш қолиши қийин бўлар экан. Бундан ташқари, қариганда она қишлоғимга қайтиш орзуси ҳам тинч кўймади. Шунинг учун болаларим билан маслаҳатлашгач, турмуш ўртоғимни олиб, шу ерга кўчиб келдик, — дейди Абдумўмин ака. — Бугунги кунда болаларимнинг онаси ҳар доимгидек ёнимда, тенгма-тенг меҳнат қилиб келмоқда.

— Абдумўмин синфдош дўстларим ичида ўзининг интилувчанлиги, қизиқувчанлиги билан доим ажралиб турарди, — дейди ЎзЛиДеП Чиноз тумани Кенгаши раисининг ўринбосари Файзулла ака Тожикулов. — Ёшлиқда дўстимнинг уйига кўп борардим, онаси жойлари жаннатда бўлсин мени ўз ўғлидек кўрарди. Дўстимнинг отаси оламдан эрта ўтгани боис, онахон тўрт нафар фарзандини оқ ювиб, оқ тарари. Бошқалардан кам бўлмаслиги учун кеча-ю кундуз меҳнат қилди, тўрталасининг ҳам олий маълумот олишлари, жамиятимиз учун керакли касб эгалари бўлиб етишишлари учун бор кучини аямади. Тўнғич ўғли Мирсаид ака Тошкентда, қолган уч ўғли эса Москвадаги нуфузли олий ўқув юртлирида таҳсил олишди.

— Ўқиш-изланиш туфайли Ўзбекистондан узоқда бўлганимда туғилиб ўсган қишлоғимни, она-заминимизни жуда-жуда қумсар эдим, — дея гапида давом этди Абдумўмин ака. Тезроқ юртимга қайтиб, кўлимга кетмон олгим, ер чопгим келарди. Мана, ниҳоят орзуим ушадди, ниятимга етдим. Шундай кунларга етказгани учун Яратганга минг бора шукур қиламан.

Томорқамнинг катта қисмини лимон кўчатлари эгаллаган. Бундан ташқари, мош, турли кўкатлар, кўйингки, қовун-тарвуз-у қовоқдан тортиб, карам ва помидоргача, анордан тортиб анжиргача шу то-

морқадан чиқади. Олган маҳсулотимизнинг бир қисмини оила аъзоларимиз билан бирга баҳам кўрсак, бир қисмини бозорга олиб чиқиб сотамиз. Биргина бодрингдан 4 миллион сўмга яқин соф даромад олдик. Бунга лимон, мош ва бошқа экинлардан келадиган фойдани кўшсам, даромадимиз янада салмоқли бўлади. Ҳосилни йиғиб-териб олиш ишларида, асосан оила аъзоларим ёрдамидан фойдаланаман. Томорқамиз нафақат даромад, балки саломатлик манбаи ҳамдир.

Абдумўмин ака бу гапни бекорга айтмади. Ёши етмишга яқинлашиб қолган бўлса-да, ҳали жуда тетик. Унинг кетмонда ер чопишини кўрсангиз, ёш йигит деб, ўйлайсиз. Эрта баҳордан кеч кузгача тиним билмайди. Шу боис, айрим тенгдошларига ўхшаб, касалхонама касалхона чопмайди. Турмуш ўртоғи Бувниса опа ҳам Абдумўмин акадан ибрат олиб, уй юмушларидан ортганда томорқадаги экинларни сугориш, ўташ, тагини чопиш билан шуғулланади.

— Фарзандларимиз баъзан бизнинг томорқада меҳнат қилаётганимизни кўриб, бироз ранжигандек бўлишади — суҳбатга қўшила-



ди Бувниса опа. “Дада, ойи, томорқа деб ўзларингизни қийнамасдан, маза қилиб қарилик гаштини сурсаларингиз бўлмайдим. Нима иш бўлса, мана, биз ўзимиз удалаймиз”. Удалашга удалайсиз, лекин биз томорқада меҳнат қилиб дам оламиз...

Ёшлари бир жойга бориб қолган бўлса-да, қариликни тан олмай томорқасида меҳнат қилаётган, Абдумўмин ака каби инсонлар ҳаёти ҳам бир ибрат мактаби.

М.ТОИРОВ.

ҚИШ ДАСТУРХОНИГА...

АНЖИР ҚАЙНАТМАСИ ТАЙЁРЛАШ

Анжирнинг сув ёки сутдаги қайнатмасидан шамоллаш, нафас олиш йўлларидаги яллиғланиш жараёнларида фойдаланилади. Ангина ва милклар яллиғланишида оғиз ушбу қайнатма билан чайилади. Анжир мевалари ошқозон, буйрак ҳолатини яхшилайдди ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида хизмат қилади. Юрак, қон-томир тизими касалликларида анжир жуда катта фойда беради, чунки у калий моддасига бой. Калий қон

томирларидаги зўриқишни камайтиради, уларни бўшаштиради ва кенгайтиради.

Шунингдек, анжир гипертониянинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Анжир таркибидаги фитсин ферменти қон қуюлишини камайтиради ҳамда томирдаги тромбларнинг йўқолишига кўмаклашади. Анжир мевалари енгил ични сурадиган хусусиятга эга. У кучли юрак уришини меъёрга келтиради. Анжирнинг анемия хасталигида,



қоражигар ва жигар касалликларида фойдаси катта.

Анжирнинг сутли ширасини қабул қилиш буйракдаги қумни ювиб чиқаради. Янги узилган анжир меваси камқонликнинг олдини олади.

ПОМИДОР ТУЗЛАШ ТАРТИБИ

Қишда карсиллаган кўк помидор ейишнинг гашти ўзгача. Тузлангандан сўнг кўк помидорнинг таъми ҳам бутунлай бошқача бўлади. Бундай помидорни турлича тайёрлаш мумкин.

Зарур масаллиқлар: 2 литрлик банка учун мўлжалланган 1 килограмм кўк помидор, беш дона қорағат (смородина) барги, икки боғ кўкат, 3-5 дона саримсоқ, 3 донадан ерқалампир барги, булғор қалампери, аччиқ қалампир (таъбга кўра).

Тузлаш учун: 1 литр совуқ сув, 2 стакан туз. Помидорлар тозаланиб, яхшилаб ювилади. Кўкатлар, саримсоқ, пиёз ва аччиқ қалампир тайёрланади. Тоза банкага озгина кўкат, кўк помидор солинади ва

яна устидан кўкатлар солинади. Сўнг саримсоқ, хоҳишга кўра, аччиқ қалампир солиш мумкин. Қалампир бўлаги ичидаги уруғи олиб ташланади (уруғини ажратмасдан солса ҳам бўлади, бу аччиқ-хўрлар учун). Ана шу тартибда масаллиқлар банкага солинади. Кейин муздек сув, устидан туз солинади. Туз паства тушишини ва сув тинишини кутиш керак. Сув тинганидан сўнг (2 дақиқадан сўнг) банкага солинади. Помидорни ёпгунча банкага сув солинади. Елим қопқоқ иссиқ сувда чайилади ва банкага ёпилади.

Тузлама ўттиз кунда тайёр бўлади. Уни узоқ вақт салқин жой ёки музлатгичда сақлаш мумкин. Агар тузламани салқин жойда сақлаш



имкони бўлмаса, консерва шаклида ҳам тузласангиз бўлади. Бундай тузлаш учун, помидорни банкага солиб устидан иссиқ сув куйиб, 15 дақиқадан сўнг суви тўкиб ташланади. Шу ҳол яна 1-2 марта такрорланади. Сўнг банкага кўкатлар, туз ва иссиқ сув солиб ёпилади. Агар бу услубда ёпилса, тузламани хона ҳароратида ҳам сақласа бўлади.

БАҚЛАЖОН ВА ШИРИН ҚАЛАМПИРНИ ТУЗЛАШ

Бақлажон катта-кичikka ажратилади, ювилади, тозаланади ва узунасига кесилади. Кейин эса 20-30 минут иссиқ сувда юмшаши учун бланширланади, натижада унинг ранги тўқ кулранг тусга ўтади. Бир кун мобайнида суви оқизиб қўйилади.

Қалампир ювилади, тозаланади ва 5 минут бланширланиб совитилади.

Сабзи, пиёз, кўкат, саримсоқ пиёз ва ош тузидан қийма тайёрланади. Бунинг учун улар ювилади, тозаланади ва майдаланади, кейин эса ўсимлик ёғида

димланади. Саримсоқпиёз ва кўкат барра ҳолда фойдаланилади. Бақлажон парраклари устига қийма солиб, ип билан боғланади. Уларни идишга териб чи-



қиб устидан 7 фоизли тузли эритма қуйилади.

Истеъмол қилишдан олдин бир қисм тузли эритма, ўсимлик мойи билан алмаштирилади ва умумий сабзавот массасининг 3-5 фоизини ташкил этади. Ушбу маҳсулотни 10 кунгача сақлаб ейиш мумкин.

ТОМАТ СУЮҚЛИГИ ТАЙЁРЛАШ

Томат тайёрлаш учун яхши пишиб етилган помидор олинади, у яхшилаб ювилади, бўлак-бўлак қилиб майдаланади ва сирланган идишда териси енгилгина кўча бошлашига қадар қайнатилади. Қайнатма совугач, юза қисмда пайдо бўлган шаффоф суюқлик тўкиб ташланади ва маҳсулот яна уч марта қайнатилади, қолган қуюқ модда эса тешиги 1,5 мм. ли элакдан ўтказилади.

Кейин ҳаммаси аралаштирилади ва 20–25 дақиқа мунтазам аралаштирилган ҳолда қайнатилади. Қайнатиш тугашидан олдин дафна барги, хушбўй ёки аччиқ қалампир, шивит каби кўкатлар, таъбга қараб туз со-



линади. 2–3 дақиқа қайнатилгач, қайноқлигида банкага куйилади ва герметик тарзда ёпилади.

САБЗАВОТЛАРНИ СИРКАЛАШ

Сиркалаш учун бутун ва майдаланган сабзавотлар, ҳар бири алоҳида ёки аралаштирилиб ишлатилади. Сир-



каладан олдин, улар катта-кичиклиги ва пишиб етилиш даражасига қараб сараланади. Йирик сабзавотлар

бўлакланади, помидор ва бодрингдан ташқари бошқа сабзавотлар қайноқ сувга ташлаб олинади.

Бодринг 6–8 соат совуқ сувда ивигилади. Тайёрланган сабзавотлар қаватига зираворлар қўйилиб банкага жойлаштирилади. 3 литрлик банкага 3–4 дона қорағат барги, 2 бош ўртача саримсоқ (уларни тозалаш ва майдалаш зарур), ўсимлик япроғи, шивит солинади. Зиравор кўпайиб кетса, маҳсулот таъми ёмонлашади, уларнинг миқдори сабзавотнинг умумий оғирлигининг 5 фоизидан ошмаслиги керак. Айна бир пайтда қайнатма тайёрланади. 1,5 л сувга 2 ош қошиқни тўлдириб туз, бир ош қошиқ шакар, 6–7 дона хушбўй қалампир ва 7–8 дона қалампирмунчоқ солинади. Бу маҳсулотлар солинган сув қайнагач, унга 2 та дафна япроғи солинади ва яна 1–2 дақиқа қайнатилади.

Шундан сўнг у ўтдан олиниб, кичик қошиқда сирка эссенцияси куйилади. Бу қайнатма уч литрлик банка учун етарлидир. Банка 25 дақиқа, 80–90 °С ҳароратда пастерланади. Кейин банка қопқоқ билан герметик тарзда ёпилади ва тўла совигунича тесқари қилиб қўйилади. Бу тарзда тайёрланган сабзавот уй ҳароратида яхши сақланади.

БАҚЛАЖОН МАРИНАДИ

Бақлажон мевалари сараланади ва тоза қилиб ювилади. Кейин бақлажон 10 минут қайнаб чиққан сувда қайнатилади, бақлажон териси сўлади. Стериллаб олинган банкага чеснок солинади, бақлажон мевалари унга жойлаштирилади, қайноқ сув қўйиб банка қопқоғи ёпилади. Банклар салқин жойда сақланади.

3 литрлик банка учун: бақлажон — 7–9 дона; чеснок — 6–8 дона; 2 ош қошиқ туз; 2 ош қошиқ шакар; 2 чой қошиқ сирка, керагича сув.



ПОМИДОР МАРИНАДИ

Қалампирни уруғларидан тозалаб, узунчоқ қилиб тўғраймиз. Помидорни яхшилаб ювгач, 2 бўлакка, пиёзни пўстини арчиб, тўрт бўлакка бўламиз. Стерилланган банкага уларни соламиз. Энг устига укропни бўлаклаб соламиз ва махсус тайёрланган маринад сувини қўямиз. 1 суткага музлатгичга қўямиз. Маринад сувини тайёрлаш учун қайнаб чиққан сувни совутиб оламиз, сўнгра

туз, сирка ва шакар солиб яхшилаб аралаштирамиз.

3 литрлик банка учун: 2 кг. помидор; 1 бош пиёз; 1 та ширин қизил қалампир; 3 бўлак саримсоқпиёз; 2 та олча барги; 5 дона қора мурч; 1 та лавр барги, кўкатлар.



СИГИР БОҚИНГ — СОҒ БЎЛИНГ

Хонадон соҳиблари энг аввало, сутдор сигирни танлаш керак. Танлашда сигирнинг ташқи кўринишига эмас, балки зотдорлигига эътибор бериш лозим. Чунки зотдор сигирлар жайдари ва наслсизларига қараганда кўп сут беради.

Республикамызда сут йўналишидаги қорамол зотларига қораола (жуссаси йирик, танаси узунроқ, териси қайишқоқ, елини катта), қизилчўл (туси қизил, боши ва танасида оқ қашқаси бор), бушуев (туси оқ, кулоқ ва тумшук атрофи қора ёки қизил) ва швиц (туси қўнғир, танаси ихчам, елинлари кичик) зотлари киради. Сигирнинг қораола зоти сут маҳсулдорлиги бўйича етакчи ҳисобланиб, уларнинг тирик вазни ўртача 460–500 кг, 305 кунлик соғин давридаги сут маҳсулдорлиги 3800–4500 кг, сут таркибидаги ёғ 3,6–3,7 фоизни ташкил этади.

Қизилчўл зотли қорамоллар юртимизнинг иссиқ иқлим шароитига яхши мослашган. Сигирларнинг ўртача тирик вазни 450–500 кг, соғин давридаги сут миқдори 3200–3800 кг, аτροφиди, сут таркибидаги ёғ – 3,7–3,8%.

Республикамызда яратилган

сут йўналишидаги бушуев зотли қорамоллар асосан, Сирдарё вилояти хўжаликлариди парваришланади. Улар қуруқ иқлимга яхши мослашган, қон касалликларига чидамли. Тирик вазни ўртача 450–500 кг, соғин давридаги сут миқдори 3200–3600 кг, сут таркибидаги ёғ – 4–4,1%.

Швиц зотли қорамоллар сутгўшт йўналишидаги зот бўлиб, сигирлари яхши даражадаги сут миқдори ва сутининг ёғлиги, ёш бузоқларининг тез ўсиши, узоқ фойдаланиш муддати ва бошқа ижобий хусусиятлари билан ажралиб туради. Сигирларнинг ўртача тирик вазни 470–520 кг, соғин давридаги сут миқдори 3800–4400 кг, сутининг ёғлиги 3,7–3,8%.

Хонадон эгалари аввало қорамолларни тўйимли озиклантиришга аҳамият беришлари зарур. Сигирларнинг кунлик бераётган сут миқдори, тирик вазни, ёшини ҳисобга олган ҳолда омукта ем, шелуха, кепак, силос, хашак, қовун-тарвуз пучоқлари ҳамда протенин, минерал модда ва витаминли бошқа озуклар билан меъёрида боқилади.

Хонадон шароитида сигирлар асосан икки маҳал, яъни эрта-

лаб ва кечқурун соғилади.

Сигирлардан узоқ йиллар давомида фойдаланиб туриш учун уларни нафақат ўз вақтида қочириш, балки бўғоз сигирларни сутдан чиқариб, кейинги туғиш-



га тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун бўғоз сигирлар туғишига 50–60 кун қолганда сутдан чиқарилади ва уларга дам берилади. Акс ҳолда сигирнинг организмидан сут билан бирга кўплаб миқдорда тўйимли моддалар чиқиб кетади, у заифлашади ва туғишда қийналади.

Шуни эсда тутиш лозимки, сигирларни суный қочириш зотни яхшилашнинг энг қулай усулидир. Суный қочириш зотдорлиги паст мол ва унинг бир неча авлодида амалга ошириб борилса, молнинг насли яхшиланиб, зотдорлиги ва сутдорлиги ошади, ундан келгусида насли бузоқлар олинади.

ҲОВЛИНГИЗДА ҚЎЙ БОРМИ?

Қўй инсон ҳаётида гўшти ва сути, териси ва жуни билан катта аҳамиятга эга.

Зотлари: ҳозирги кунларда аҳоли хонадонларида қўйларнинг жайдари, ҳисори гўштдор-жундор думбали зотлари ва уларнинг дурагайлари боқилмоқда.

Жайдари зотли қўйлар — гўшт-ёғ беришга ихтисослашган дағал жунли, думбали маҳаллий қўй зоти. Бу қўйлар яйлов ҳамда қишлоқ шароитига мослашган Унумдор яйловларга талабчан эмас, ўз семизлигини тезда йўқотмайди. Қўйлар 5–7 ойлигида жинсий етилади. 15–18 ойлигида қочиришга қўйилади. Бўғозлик даври 145–155 кун. Улардан битта ёки иккитадан кўзи олинади. Қўчқорларнинг оғирлиги 60–80, совлиқларники 35–40 кг, аτροφиди. Сўйим чиқими 45–60%. Қўйларнинг жуни йилига 2 марта — баҳорда ва кузда қирқилади. 1–4 кг. жун

олинади. Жунлар қалин мовут, шолча, гилам гўқишда ва кигиз босишда ишлатилади. Йилига 50 кг. гача сут (ёғлиги 6–7%) беради.

Ҳисори зотли қўйлар: фермер хўжаликлариди ҳамда аҳоли томорқа хўжаликлариди жадал урчитилмоқда. Чунки бу зотли қўйлар бир жойда муқим сақлаб боқишга жуда мослашган. Ҳисори қўйлар йирик думбаси, тез етилиши билан бошқа думбали қўйлардан фарқ қилади.

Қўчқорларининг тирик вазни 110–120 кг, совлиқлариники 80–90 кг, думбаси ўртача 15–20 кг.

Парваришлаш. Қўйхонада бир она қўйга 1,5 м², ахта қўйларга 1 м², катта қўчқорларга 2 м² жой ажратилади. Бир бош қўй ҳар куни 200–300 г. омукта ем, 1 кг. майдаланган пичан ва сабзавот чиқиндиси, макка силоси,

сенаж, сомон ва керагича туз билан боқилади.

Қишда қўйнинг семизлигидан қатъий назар кунига 0,5 кг. дан майдаланган пичан берилади.

Бўғоз қўйларга катта эътибор бериш керак. Уларга туғишдан бир ой илгари ҳар куни 0,4 кг. дан омукта ем едирилади.

30-32-бетлардаги материаллар “Аҳоли томорқа хўжаликлариди қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича қўлланма” китобидан олинди.





Реклама

“AnGuzal Agroservis” ХК жамоаси

Халқимизни, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган деҳқон ва фермерларни улуг байрам — Мустақиллик айёми билан самимий табриклайди, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ёр бўлишини тилайди.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ ЗАРАРЛИ ҲАШАРОТЛАРДАН
ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ УЧУН МИКРОБИОЛОГИК
ПРЕПАРАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**
(очик ва ҳимояланган тупроқда қўллаш учун)



СПОРАГИН

Тизимли микробиологик фунгицид

Ўсимликларни замбуруғли ва бактериал касалликлардан, шунингдек, пахта, буғдой, сабзавот-мева ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини қуйидаги барг ва илдиз касалликлари мажмуасидан ҳимоя қилиш учун қўлланилади: илдиз чириши; фузариоз; вертициллёз; фитофтороз; альтернариоз; церкоспороз; унсимон шудринг; пероноспороз; парша; монилиоиз; кулранг чириш; занг; бактериоз-бактериал куйиш; бактериал саратон; некротлар.

ПРЕСТИЖ

Микробиологик инсектицид

Ҳашаротга ва унинг ичагига таъсир этувчи препарат

• Экинларни: оқпашша, барг қурти, кўсак қурти капалаги, куя, ялтироқ қурт, ўраловчи қурт (шу жумладан, узум бошига тушувчи), мевахўр, одимчи қурт, ипак қурти, ўсимлик бити, ўргимчаксимон кана каби ҳашаротлардан ҳимоя қилиш учун қўлланилади.

ПЛАНТАСТИМ

Фунгицид хусусиятли микробиологик биоқучайтирувчи препарат

Ўсимликларнинг ривожланиши ва озикланишини,

• барча қишлоқ хўжалик экинларини вегетация бошидан охиригача яхшилаш учун махсус ишлаб чиқилган. Уруғларнинг униб чиқиши ва ўсимликлар ўсишини тезлаштириш учун самаралидир. Ўсимликларнинг илдизидан озикланишини кучайтиради, ўсишнинг бошланғич босқичларида бақувват илдиз тизими ривожланишини таъминлайди, илдиз патогенларидан ҳимоя қилади.

**Тупроқни ва ўсимликларни касалликка микробиологик анализ қилиш.
Тупроқни микроэлементларга ва Ph га текшириш.**

ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА ҲОСИЛ!
ПРЕПАРАТЛАРИМИЗ ҲОСИЛДОРЛИКНИ 20-40 % ОШИШИГА КўМАКЛАШАДИ.

Тел.: (+998 90) 906-72-99, 977-27-16, (+99893) 580-71-71;

E-mail: anguzal@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган

Хизматлар лицензияланган

СОЯ МАМЛАКАТИМИЗДА ОММАЛАШМОҚДА

Президентимизнинг мамлакатимизда соя етиштиришни кўпайтиришга доир қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоятларда ушбу экин кенг майдонларда етиштирила бошлади. Бу борада "Ўзпахтаёғ" акциядорлик жамияти деҳқонларимизнинг яқин маслакдоши ва мададкори бўлмоқда.



"Ўзпахтаёғ" акциядорлик жамияти ташаббуси билан жорий йилнинг 8-12 август кунлари ўзбекистонлик бир гуруҳ олим ва мутахассислар Россиянинг Краснодар ўлкасида бўлиб, соя, кунгабоқар, маккажўҳори, оқ жўҳорининг сўнгги йилларда яратилган серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга, табиатнинг ноқулай шароитларига чидамли нав ва дурагайлариининг асосий ҳамда такрорий экиш учун яроқли намуналари билан яқиндан танишишди. Сафар давомида Краснодар ўлкасидаги Илмий текшириш институтлари ва илмий ишлаб чиқариш уруғчиликнинг селекция компаниялари томонидан ўтказилаётган дала тажрибалари билан танишиб, ишлаб чиқаришда бўлган катта майдонларни кўздан кечиришди. Соя экинзорларида сувни тежовчи томчилатиб суғориш технологиясининг қўлланилиши ҳамда унинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлилий ўрганилди.

Тадбир қатнашчилари Краснодар ўлкасидаги "Соевый комплекс" МЧЖ далаларида етиштирилаётган соя уруғлари республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитига мослиги ва бу навлардан бизнинг шароитда икки марта ҳосил олиш имконияти мавжудлигига ишонч ҳосил қилишди. Мутахассисларнинг хулосаларига асосланиб, хорижлик ҳамкорлар билан шартномалар тузилди ва эртаки ва кечки 6 турдаги селекция навларидан 1000 тонна уруғлик мамлакатимизга олиб келинди.

Бундай хайрли ишларни давом эттириш мақсадида, жорий йилнинг 22-26 август кунлари россиялик бир гуруҳ олим ва мутахассислар бизнинг олим ва му-

тахассисларимиз билан бирга сояни экишдан тортиб, ҳосилни йиғиб олишгача бўлган даврда республикамиз вилоятларига чиқиб, фермерларимизга ўзларининг тавсия ва хулосаларини беришди.

Соя агротехникаси бўйича ўтказилган кўргазмали семинарда, асосий экин сифатида соя экишни республикамиз шароитида тупроқ ҳарорати 14 градусдан кам бўлмаган ҳолатда 15 апрелдан 10 майгача экиш, уруғларни тупроқ намида бир текис, қийғос ундириб олиш, навларни танлашда ўсув даври 110-120 кун бўлган, ўсимлик бўйи 120-150 см, пастки дуккаклар тупроқ юзасидан 14-20 см баландликда жойлашган, ётиб қолишга чидамли, ҳосил бир вақтда пишиб етиладиган ва донлари тўқилмайдиган, жорий йилда экилган Селекта-302, Селекта-201 навларини, такрорий экин учун 75-80 кунлик Амиго, Спарта, Арлетта навларини жойлаштириш мақбул эканлиги қайд этилди. Ушбу навлар асосий экин сифатида гектаридан 2,5-3,0 тонна, такрорий экин сифатида 1,5-2,0 тонна сифатли соя етиштириш имконини беради.

Кўргазмада азот тўплайдиган инокулянт препаратларнинг янги авлодлари намойиш қилинди. Ушбу янги препаратлар илдизларда туганаклар ҳосил қилиб, азотли ўғитларни қўллашга зарурат қолдирмаслиги, гектаридан 6-11 центнергача қўшимча ҳосил олиш имконини бериши ҳамда келгуси йил учун тупроқда соф ҳолда 150 кг.гача соф азот тўплаши эътиборга молик. Шунингдек, қатор оралари 60 ва 70 см ёки қўш қаторли асосий майдонда Селекта-302 ва Селекта-201 навлари экилганда, ҳар

гектарига 400-450 минг дона кўчат, такрорий экин сифатида тезпишар Амиго, Спарта, Арлетта навларида кўчат сони 500 минггача бўлиши таклиф қилинди. Бунда кўчат қалинлиги ҳисобига туганак ҳосил қилиши, ўсимлигининг 12-15 см баландликда бўлиши, эгатлар баландлигининг 10 сантиметрдан ошмаслиги ўрмийиғимнинг сифатли ўтишига замин яратиши эътироф этилди.

Жойларда соя экинини ривожлантириш бўйича ИКАРДА ва ФАО каби халқаро ташкилотларнинг экспертлари фермер хўжаликлари, олим ва мутахассислар иштирокида соя экинини экиш ва етиштириш агротехнологияси бўйича кўргазмали ўқув семинарлари ҳам ташкил этилди.

Бугунги кунда 5731 та фермер хўжаликлари томонидан шартнома асосида 21,8 минг гектар майдонга соя экилган. Ушбу майдонларда етиштирилаётган экинлардан 35,9 минг тонна ҳосил олиш режалаштирилган. "Ўзпахтаёғ" АЖ кўмагида соя дони сотиб олиш учун 2211 та фермер хўжалиги билан 14,2 минг тоннага, такрорий майдонлардан олинадиган 21,7 минг тонна ҳосилга 3520 та фермер хўжаликлари билан шартномалар имзоланди.

"Ўзпахтаёғ" АЖ томонидан фермер хўжаликларида ўтказиладиган агротехник тадбирлар учун 8,5 млрд. сўм бўнак маблағлари ажратилди.

Фермер хўжалиklarини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида йиғиб олинган соя ҳосилининг шартномавий сотиб олиш баҳоси 2016 йилга нисбатан икки баробарга оширилди.

З. ҲАФИЗОВА.

ШУНДАЙ ДАВР КЕЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг чиқишларидан бирида "Энди ҳар биримизнинг вазифамиз — ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат. Шундай давр келди," дея таъкидлаган эди.



Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари исботини Сирдарё вилояти ирригация ва мелиорация соҳасига масъул айрим жамоалар фаолияти мисолида кўргандек бўлдик. Мазкур корхоналарда зиммага юкланган вазифани ўз вақтида ва сифатли бажариш энг биринчи ва асосий масала даражасига кўтарилган. Шунингдек, ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва ишдан бўш вақтни мазмунли ўтказиши учун қўлай шарт-шароит яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамоалар масъулларининг фикр-мулоҳазалари билан танишсак, амалга оширилаётган ишлар хусусида таасуротга эга бўламиз.

Файзулла Умарқулов, "Гулистондавсусуспудрат" давлат унитар корхонаси бошлиғи: Мамлакатимизда ишбилармонлар учун яратиб берилган имтиёз ва преференциялардан фойдаланган ҳолда сув хўжалиги соҳасида хусусий корхона ташкил этиб, муваффақиятли фаолият юритиб келаётган эдим. Шунинг учун ҳам йил бошида давлат унитар корхонасини бошқариш борасида таклиф тушганда бироз ўйланиб қолдим. Чунки ДУКнинг иқтисодий ва моддий техника базаси ночор, турли тўловлар ва иш ҳақидан қарийб 2 миллиард сўмлик қарзи бор эди. Шунда мамлакатимиз

раҳбарининг "Бизга ишчан, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, шижоаткор одамлар керак!" деган сўзлари ёдимга тушди. Шунинг учун, бу ерда иш бошлаганимдан афсусланмайман. Қисқа муддат ичида 9 та экскаватор, 2 та бульдозер,



Суратда: "Гулистондавсусуспудрат" ДУК бошлиғи Файзулла Умарқулов (чапда) ишлаб чиқариш бўлими мутахассиси Алишер Ҳақбердиев билан.

автокран, трейлер каби техника воситаларини тўла қувват билан ишга сола билдик. Энг муҳими, 35 кишилиқ жамоа билан аҳиллик ва ҳамкорликда ишлашга келишдик ва бунинг уддасидан чиқяпмиз. Сайхунобод, Ховос, Боёвут туманларида амалга оширган ишларимиз деҳқон-фермерларнинг олқишини олмоқда.

Шавкат Уматов, "Боёвут-Арнасой" ирригация тизимлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари: Шу пайтгача вилоятимиз қишлоқ хўжалиги учун сув қўшни давлат орқали келтирилган эди. Мамлакатимиз раҳбариятининг катта эътибори туфайли вилоятимизда йирик сув омбори барпо бўлди. Биз ана шу иншоотни ўз тасарруфимизга олдик ва жорий йил вегетация мавсумида сув борасида ҳеч бир муаммога дуч келмадик. Биргина Оқ олтин тумани мисолида оладиган бўлсак, ушбу туманнинг 34 минг гектарга экилган галла ва пахтаси сув танқисли-

ги нимани эканлигини билмади. Сув мўл бўлгани учун ҳам галладан бўшаган майдонларнинг 11 минг гектарига такрорий экин экилди. Насиб қилса, улардан ҳам мўл ҳосил олиб, ички ва ташқи бозорни тўлдиришга ҳисса қўшамиз. Бошқармаимизда балиқчилик, чорвачиликни йўлга қўйганмиз. Эрта баҳорда олган 10 бош қўйимиз 20 бошга етди.

Шодибой Ризаев, "Оқолтиндавсусуспудрат" ДУК бошлиғи: Вилоятнинг 7 та объектида тендер баҳоси 12 миллиард сўмлик ирригация-мелиорация ишларини олиб борапмиз. Уларни муддатидан олдин, октябрь ойигача яқунлашни режалаштирганмиз. Сардоба туманида филиалимиз иш бошлади. Мустақиллик байрами кунларида темир-бетон маҳсулотлар ишлаб чиқариш заводи ишга туширамыз. Шунда ДУКнинг ўзида ирригация иншоотлари учун зарур бўладиган асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Бир йил олдин жамоамизда 35 киши ишлаган бўлса, бу гал уларнинг сони 90 тага етиб қолди. Жамоа аъзоларининг ишдан бўш вақтлари мазмунли ўтишига замин яратиш мақсадида барча қулайликлар яратилмоқда. Корхонамизнинг ўз лимонарийси, паррандачилик бўлими, дуккакли экинзори мавжуд. Нон ва макарон ишлаб чиқарувчи цехлар очиш арафасида турибмиз. Бу маҳсулотлар даставвал корхона жамоасига аталади, қолгани бозорга чиқарилади.

Эътибор берган бўлсангиз, ҳар учала суҳбатдошимиз ўз жамоасининг меҳнат натижалари оддий аъзолар учун яратилаётган шарт-шароитлар эвазига қўлга киритилаётганини алоҳида эътироф этиб ўтди. Бу эса, инсон манфаати ҳаммасидан устуворлиги ва уни таъминлаш ютуқлар омили эканини тасдиқлайди...

Х.КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.



Суратда: "Боёвут-Арнасой" ИТБ бошлиғи ўринбосари Шавкат Уматов(чапда) "Оқ олтин давсусуспудрат" ДУК бошлиғи Шодибой Ризаев ва бош ирригатор Ҳикмат Одиловлар билан янги лойиҳани муҳокама қилмоқда.

Қорақалпоғистонлик деҳқонлар йил сайин қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш салмоғини ошириб, мамлакатимизда озиқ-овқат мўлкўчилигини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшиб келяпти. Мустақиллигимизнинг 26 йиллигини муносиб кутиб олаётган Қўнғирот ва Хўжайли туманлари меҳнаткашлари жорий йилни барча соҳаларда юқори кўрсаткичлар билан яқунлашни ният қилишган.

— Туманимизда 368 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, шундан 112 таси кўп тармоқлидир, — дейди Хўжайли туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Жузбай Иноятов. — «Хожаэли Юлдаш» фермер хўжалиги ерлари олдин бошқа одам тасарруфиди бўлиб, давлат режалари, тошириқлар вақтида бажарилмасди. Кейин ерни Йўлдош Жумамуротовга топширдик. Шу ер, шу сув, фақат ер эгаси ўзгарди, холос. Хўжалик қисқа фурсатда илғорлар сафига қўшилди.

50 сотих жойда олма, ўрик, гилос, олча каби турли хил мева ниҳоллари экди. Фермер 1 гектар ерга тарвузнинг «Холлер» навини экиб, яхшигина ҳосил



олди, даромад ҳам шунга яраша бўлди, нақд 16 млн. сўм. Бу ишларда болаликда отасидан ўрганганлари қўл келди, март-апрель ойлариди иссиқхона қилиб, кўчат етиштирди ва шу кўчатларни далага экди.

— Ўтган йили умумий даромадимиз 160 млн. сўмни, соф фойдамиз 47 млн. сўмни ташкил қилди. Даромадни хўжалик ривожини учун сарфламоқчимиз. Жорий йилда ҳам 10 гектар ерга бугдой эккандик, — дейди Йўлдош ака. — Режа 26 центнер эди, биз ҳосилдорликни 50 центнерга етказдик. Фалладан



ЭКИНСИЗ ЕРНИ ЎТ БОСАДИ

— Меҳнат қилган барака топади, элда азиз бўлади, болам, дердилар отам раҳматлик, — дейди хўжалик раҳбари Йўлдош Жумамуротов.

Олтмиш ёшга қаршилаётган Йўлдош ака Хўжайлидаги уста деҳқон Қурамбой Жумамуротов оиласида туғилиб вояга етди, болалигидан пахта далаларида яхши-ёмон кунларини бошдан кечириб улғайди.

— Болалигимиздан пахта тердик, кўсак юлдик, гўзани яғана қилдик, хуллас кечалари ҳам далада ишладик, қачон ухлаб, қачон кўз очсак кўрганамиз дала эди. Аммо бутун оила бўлиб ишлаб топганимиз ўша кунга зўрға етарди, эртаги кунга рўзғорга маблағ жамлаш йўқ эди у даврларда, — дея эслайди у ўз болалигини. — Бугун ўз еримиз, ўз мулкимиз бор, давлат режасидан органини ўз эҳтиёжимиз ва ихтиёримизча сарфлаймиз. Маблағни ўрнида ишлатсак, ошигимиз янада олчи бўлади.

У ҳаёти давомида турли касбларда ишлади, салкам 38 йил ҳайдовчилик қилди. Аммо отаси айтган сўзни унутмади, қаерда бўлса ҳам ўз меҳнатининг ҳалол нониға эга бўлди.

Ўтган йил 10 гектарга ғалла экди, давлатга режадаги 20,5 ўрнига 26 центнердан дон топширди. Жами хирмон 50-55 центнерни ташкил қилди.

30 гектарга экилган пахтадан режадаги 20 центнер ўрнига 26 центнер «оқ олтин» хирмони бунёд этилди.

бўшаган ерларга сабзавот, полиз экинлари экдик. Ер бўш қолса, ўт кўпаяди, қаровсиз жойга айланади. Экилсагина, ерларимиз майинлашиб яхши ҳосил беради. Чунки бирор нарса экиш учун ерни аввал суғорамиз, текислаймиз, озиклантирамиз. Кўриб турганингиздек, — дея пахтазорларга ишора қилди у, — 30 гектар ерга экилган пахтаимиз ҳам бир текис қийғос ривожланмоқда. Ҳосил залворини кузда кўрамиз.

Хўжаликда 7-8 бош соғин сигир, 100 бош парранда боқилмоқда. Келинлар, қизлар бекор ўтирмайдилар. Сувчиликни Мансуржон ўғлим билан бирга қиламиз. Тракторчиликни Ҳамро ўғлим эплайпти. Ҳозирча асосий 4 нафар ишчи, мавсумда 20-30 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади.

Йўлдош ака Жумамуротов келажакда катта токзор яратиш, мева боғини кенгайтириш, чорва ва парранда сонини кўпайтириш каби улғу режалар иштиёқиди яшамоқда. Тиниб-тинчимас, куюнчак, энг асосийси меҳнатсевар инсон — Йўлдош ака албатта ўз сўзининг устидан чиқишига ишонамиз.

Суратда: (чапда) фермер Йўлдош Жумамуротов ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Жузбай Иноятовлар тарвуз экилган майдонни кўздан кечиришмоқда.

ЧОРВАЧИЛИКДАН ДЕХҚОНЧИЛИККА



Табиати гўзал ва бетакрор Қорақалпоғистоннинг Кўнғирот туманида қорақалпоқнинг суюк ва буюк шоири Ажиниёз номига қўйилган қишлоқ бор. Бу маскан аҳли сахий, меҳмондўст, бир сўзли.

Шу қишлоқда ўсиб, улғайган Нуркен бизни ўз далаларига бошлади. Буғдойдан бўшаган далаларга сабзавот-полиэ экинлари экилган.

Даланинг бир томони пахтазор. Баравж ўсаётган гўзаларни кўриб кўзингиз яшнайдди. Оппоқ бўлиб очилаётган пахталар эрта-индин терим бошланишидан дарак бериб турибди.

Деҳқончилик билан танилиб, обрў топган оила бошлиғи Жамолддин ака Алдамуротов фарзандларини тўғри сўз, меҳнаткаш қилиб тарбиялаш билан бирга, замонга ҳамқадам бўлишга ҳам ўргатди.

Оиладаги 2 ўғил, 4 қизнинг каттаси бўлган Нуркен Алдамуротов мактабни аъло баҳоларга тугатгач, Кўнғирот туманидаги касб-хунар коллежида таълим олди. Иш фаолиятини эса ширкат хўжалигида ҳисобчиликдан бошлади. 2004 йилга келиб отасининг маслаҳати, кўмаги билан 33 гектар ер олиб, пахта ва беда эқди. Шундай қилиб "Жулдиз Ж" фермер хўжалигига асос солинди.

Йиллар давомида хўжалик юксалиб, керакли техникага эга бўлди, илғорлар қаторига қўшилди. Табиийки, бунинг замирида кечаю кундуз тинимсиз қилинган меҳнат, саъй-ҳаракатлар мужассам.

Ўтган йили хўжалиқда 44 гектар ерга ғалла уруғи қадалиб, ҳар гектар ердан режада белгиланган 19,7 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил олинди. Шу жумладан, 26 гектар ерга пахта экилиб, 26 центнерлик пахта хирмони бунёд этилди, бу режага нисбатан 160 фоиз демақдир. Бу ерларнинг мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб айтиш мумкин, Нуркен эришган натижалар киникарли.

- Тракторчи Хусниддин Тулесиев, сувчилар Қурол Бойжонов, Қувонтой Алдамуротовлар хўжалик ривожини, оилалар тўқинлигини учун кечани кундузга улаб меҳнат қилмоқдалар, — дейди фермер. — Шу

аҳил, ишнинг кўзини биладиган ишчи-хизматчиларимиз бор экан, бу йилги натижаларимиз ҳам юқори бўлади.

Жамоа улкан пахта хирмони яратиш иштиёқда яшамокда. Бундан ташқари, 4 гектар ерга сабзавот экинлари экилган. Ҳосили бозорларда сотилади. Хўжалиқда, бундан ташқари 46 бош қорамол, 120 бош парранда ҳам боқилмоқда.



Сўхбат давомида Жамолддин ака Алдамуротов ердан мўл ҳосил олиш бўйича тажрибалари ҳақида гапирди:

— Ерга доимий ишлов бериб, экин экилса, ернинг шўри кетади. Олдинги йилларга нисбатан ҳосил олиш яхшиланади. Бу ҳосилнинг турига, яъни нима экишингизга ҳам боғлиқ албатта. Шўр бўлгани сабабли бизнинг ерларда буғдой, беда экинлари кам ҳосил беради. Шолига ўхшаган шўрга чидамли экинлар экиш керак, чамамда. Бизда яна чорвачилик, балиқчилик, паррандачиликни ривожлантирса бўлади.

Бу ерларда яшовчи аҳолининг ҳам йилдан-йилга тажрибаси ошиб, чорвачилиқдан ташқари деҳқончиликка ҳам мослашиб бормоқда. Ерларимиз озика ва ишловталаб бўлиб, ўзига яраша қийинчиликлар бор, албатта.

Деҳқончиликни бутун умр касб қилиб келган Жамолддин аканинг сўзларида жон бор. Географик маъ-

лумотларга кўра, Турон текислиги деб номланган бу ерлар, унинг айтишича, бир пайтлар кўл бўлиб, қамишлар ўсиб ётган. Шу боис уни ўзлаштириш қийин кечмоқда, кўнғилдагидек ҳосил олиш осон эмас.

— Нуркен менинг улканим, - дейди фермернинг онаси Савле опа Холмуротова қорақалпоқчалаб. — Ҳисобчиликдан нафақага чиқдим, уйда мол-ҳол, айниқса товуқ, курка, ўрдақлар боқишни хуш кўраман, хўжалик ишларига қарашига ҳам вақт топаман. Ахир биз ўз насибамизни деҳқончиликдан топамиз. Қизларимиз Илмира, Гулноралар ҳам қишлоқ хўжалиғи соҳаси мутахассислари бўлиб етишишди. Жулдиз қизимиз педагог, кичик ўғлимиз Дуйсенбе, ҳозирда кўп тармоқли "Жандарбек Турсун" фермер хўжалиғи раҳбари. Бахт — меҳнатда, жоним. Икки келин, тўрт куёв, ўн беш нафар неварара ардоғида яшайпмиз. Минсак уловимиз, юрсак йўлимиз, ишласак мақсадимиз бор. Мен тинч, фаровон ҳаётдан, фарзандларим тотувлигидан, содда феълли, ҳамфикру ҳамкор кўшнларим борлигидан қувончдаман.

Ҳа, онанинг сўзлари кўнглимизда бу эл одамларига нисбатан янада меҳр уйғотди. Улар бир пайтлар чорвадор бўлишган, бугун эса далаларда меҳнат қилиб, тажрибали деҳқонга айланишди. Мустақиллигимизнинг 26 йиллигини муносиб кутиб олиш учун фидоий бу халқнинг мақсади тинч-осуда юртимизда ҳалол меҳнат қилиб фаровон яшашдир.

Кўш саҳифани **Ш.ЖАББАРОВА** тайёрлади.

Сурада: Жамолддин Алдамуратов ўғиллари Нуркен ва Дуйсенбе билан.

БОҒДОРЧИЛИК — СЕРМАҲСУЛ СОҶА



Мамлакатимизда иқтисодийтни янги bosқичга олиб чиқишда аграр тармоқни барқарор ривожлантириш устувор аҳамиятга эга. Шу боисдан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттириш мақсадида балл-бонитети паст бўлган ерларда интенсив боғлар барпо этиш жараёни кенг кўламда олиб борилмоқда. Наманган-Тошкент магистрал йўлидан борар экансиз, Чўст туманидан ўтиб Тўрақўрғон туманига киришингиз билан жуда катта майдонни қоплаган гилосзор эътиборингизни тортади. Авваллари бу майдонларга пахта ва ғалла экиларди.

Йиғим-терим мавсумида бу йўлдан ўтган йўловчи борки, қовжираган ғалла ва тизза бўйи пахтани кўриб деҳқоннинг меҳнатига ачиниш ҳисси билан ўтарди. Ҳозирги ҳолатни кўриб эса кўнглингиздан — "бўлар экан-ку" деган фикр ўтади. Бизни "GOLD FRESH FRUITS" МЧЖ иш бошқарувчиси Равшанжон Азимов кутиб олдилар ва чет давлатлардан келтирилган кўчатлар билан таништирар эканлар:

— Бу ерлар аваллари сувсиз ва ҳосилдорлиги паст бўлган экин майдонлари эди — деб гап бошлади. 2015 йил туман ҳокимлиги 15 гектар экин майдонини бизга ажратиб беришди. Ишни экин майдонларини ихоталашдан бошладик. Сўнг ерни текислаб, кўчатлар экиш учун тайёрлай бошладик. Жамоамиз ишчилари билан олдимизда қўйган мақсадимиз сари астойдил ҳаракат қилдик. Эски ариқ-зовурларни қазиб яроқли ҳолатга келтирдик. Аммо олиб келган сувимиз экин майдонларимиз учун етарли эмасди. Шунинг учун учта сунъий ҳовуз қазиб, сув билан тўлдирдик ва ҳар бирига ўрнатилган 3 тадан насос орқали кўчатлар остига томчилаб суғоришни йўлга қўйдик. Бу ускуна-миз ҳам чет давлатдан келтирил-

ган бўлиб, энергияни кам сарф қилади юқори унумдорликка эга. Бир кунда томчилаб суғориш ускуналаримиз орқали 120 гектар майдонни суғориш имкониятига эгамиз. Кўчатлар ҳафтасига ўртача 2 соатдан сув ичади. Ўғитлаш ва суспензия ишларининг ҳам талайгина қисмини сув орқали юборамиз. Аввалига дастур асосида 150 гектар майдонга 15 хил гилос, ўрик, нок, шафтоли кўчатларини Туркия ва Италиядан олиб келиб ўтказдик. Ҳозирги кунда 482 гектар майдоннинг 21 гектарига хурмо, 40 гектарига шафтоли, 9 гектарига бодом эккан бўлсак, қолган майдонлар гилосзорлардан иборат.

— Бу кўчатлар ўзига хошлиги билан ажралиб туради — дейди жамоа агрономи Илҳомжон Валиев. — Ҳар ўн туп гилосга бир туп чанглатувчи экилади. Масалан, 10 туп Зироат навига бир туп чанглатувчи Нотвандер нави экилади. Шунда кўчатларнинг ҳосилдорлиги ва ривожланиши яхши бўлади. Кўчатларнинг шохлари бетон боғазаларга маҳкамланган. Ҳосилни териб олишни осонлаштириш мақсадида кўчатларни 45 градусга эгиб сим боғазаларга боғлаяпмиз. Улардан ўсиб чиққан шохлардаги ҳосилни ердан туриб бемалол териб



олса бўлади. Кўчатларимиздан навига қараб кеч кузга қадар ҳосил олиш мумкин. Ўрикни халқимиз асосан эртапишар мева сифатида билишади. Биз парваришлаётган ўрик кўчатлари август ойи бошларида пишиб етилади. Мана бу нок дарахти, бу мевали дарахтни халқимиз 6-7 йилда ҳосилга киради дейишади, аммо биз ўтказган нок дарахти икки йилда нишона кўрсатди. 2019 йилга қадар экин майдонимиз 1000 гектарни ташкил қилиши учун ишларни жадал суръатларда олиб боряпмиз. 2020 йилга бориб яна 1000 гектар мана шундай интенсив боғ барпо этишни режалаштирганмиз.

Жамоа аъзоларининг режалари улкан. 70 нафар доимий ва 145 нафар мавсумий ишчилар жамоада сара ҳосил етиштириш учун меҳнат қилишяпти. Мақсад Жанубий Корея ва Россия давлатлари билан тузилган шартнома шартларини ортиғи билан адо этиш. Мана шундай хайрли мақсадни бекаму кўст адо этиш ҳамда меваларни сифатли сақлаш учун совуқхона куриш ишлари ҳам аллақачон бошлаб юборилган. Бундай саъий ҳаракатлар истиқболда янги-янги корхоналар куриш, кўплаб ёшларнинг доимий иш билан банд бўлиши учун учун хизмат қилиши муқарар.

Ҳа, юртимизда шундай жонкуяр инсонлар бор экан, халқимизнинг қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилиб, экспорт салоҳияти ортиб, дастурхони тўкин бўлиб бораверади.

Сурапта: (чапда) иш бошқарувчи Равшанжон Азимов ва жамоа агрономи Илҳомжон Валиевлар эрта ҳосилга қирувчи нок дарахтини кўздан кечиришмоқда.

ОТА-БОЛА ФЕРМЕРЛАР

Юртимиз истиқлолга эришганига ҳам йигирма олти йил бўлди. Мана шу ўтган даврда мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби, қишлоқ хўжалигини ҳам тубдан ислоҳ қилишга, билимли ёш кадрларни етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, ерларнинг ўз эгаларига берилиши, яъни фермерлик ҳаракатининг кенг йўлга қўйилиши она заминга бўлган эътиборнинг кучайишига олиб келди.



Шу ўтган давр мобайнида янги дунёқарашга эга бўлган ёшлар воёга етиб, янги авлод шаклланди. Наманган вилоятининг Наманган тумани меҳнаткашлари ҳам мустақиллик байрамини кўтаринки руҳда кутиб олишмоқда. Туман аҳли 5370 гектар майдонга экилган ғалладан мўл ҳосил кўтариб, вилоятда биринчилардан бўлиб давлатга дон сотиш режасини удалашган бўлишса, 6200 гектар майдонда парваришланаётган пахтадан ҳам юқори ҳосил кўтариш учун ҳаракат қилишмоқда. Ушбу жараёнда кўптармоқли фермер хўжаликларининг ҳиссалари катта бўлаяпти.

— Мустақиллик халқимизга эркин меҳнат қилиш ҳуқуқини берди, — дейди "Гулнора" кўптармоқли фермер хўжалиги раҳбари Абдужаббор Ҳайитов. — Собиқ иттифоқ даврида қилган меҳнатинг самараси қандай бўлиши ўзингни қизиқтирмасди. Чунки яхши ишласанг ҳам, ёмон ишласанг ҳам белгиланган маош билан чекланардинг. Ҳозир ҳар ким ўз меҳнати ва лаёқатига қараб ҳақ олади. Мен 19 йил мобайнида собиқ Қозоқжон Солиев номли ширкат хўжалиги фермасида зоотехник ва ферма мудири бўлиб ишладим. Изландим, меҳнат қилдим, лекин ишимдан кўнглим тўлмади. 2001 йили ферма 80 бош қорамоли билан тендерга қўйилди. Бу тендерда мен голиб чиқиб, чорвачилик хўжалигимизни ташкил этдим. Ўша пайтларда атиги 5 нафар доимий ишчи билан қорамолларга қараб, 11 гектар экин майдонида озуқа етиштирардик. Меҳнатларимиз бесамар кетмади. Зооветеринаримиз Эркинжон Тожиаҳмедов билан сунъий уруғлантиришга эътиборни кучайтирдик. Натижа кўнглидагидай бўлди. Ҳозирги кунда 125 бош насли "Гольштин фриц" қорамолларини парваришляпмиз. Соғиб олинган сутни кунига шартнома асосида "Нестле" сутни қайта ишлаш кор-

хонасига топширамыз. Ишчиларимизга сут-қатиқ маҳсулотлари текин тарқатилади. Яқинда имтиёзли кредит асосида хориждан яна 66 бош насли қорамол олиб келишни режалаштирганмиз.

Хўжалигимиз 2013 йилдан буён пахта-ғалла йўналишида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Биринчи йилиёқ ҳар гектар ғалладан ўртача 60 центнердан, пахтадан 40 центнердан ошириб ҳосил олишга муваффақ бўлгандик. Ушбу хайрли анъана ҳамон бузилгани йўқ. Жорий йилда ҳам 14 гектарга ғалланинг "Таня" навини экиб, 65 центнердан ҳосил кўтардик. 21 гектарга пахтанинг "Андижон-35" навини эккан-



миз. Ғўза кўчатлари ривожланиши кўнглидагидай. Ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олишни мақсад қилганмиз.

Абдужаббор ака билан суҳбатлашиб, экин майдони сари борар эканмиз, бир ёш йигит келиб, биз билан кўришди. Фермер, бу йигит ўғли Жобирхон Ҳусанов эканлигини айтди.

— Мана бу ўғлим Жобирхон раҳбарлик қилаётган "Миришкор Жобир, Сардор" фермер хўжалигининг пахта майдони, — дея гапида давом этди ота. Жобирхоннинг ёшлигидан деҳқончиликка меҳри бўлакча эди. Наманган Давлат университетини тамомлагач, фермерликка қизиқиш билдирди. У 2016 йил 54 гектар экин майдони билан фао-

лиятини бошлади.

— Болалигим чорва ва экин майдонларида ўтди — дейди Жобирхон. — Болаликдаги қизиқиш ҳеч қачон инсонни тарк этмас экан. Ер — мўъжиза. Унга қанча ишлов берсангиз, у сизни шунчалик хурсанд этади. Мана шу мўъжизага интилиш мени фермерлик касбини танлашга ундади. Отамнинг ёрдамлари, маслаҳатлари билан барча тадбирларни ўзлаштиришга муваффақ бўлдим. Отам устозлари, уста деҳқон Ҳакимжон Холбоевнинг "Ерни сев ва барча агротехник тадбирларни ўз вақтидан кечиктирмай амалга ошир", деган насиҳатларини кўп такрорлайдилар. Жорий йилда 24 гектар экин майдонида ғалланинг "Таня" навини экиб, ҳар гектаридан давлатга 45 центнердан ҳосил сотдик. Ишлаб чиқаришимиз эса 68 центнерни ташкил қилди. Натижада 15 нафар мавсумий ва 5 нафар доимий ишчимизнинг оморлари ҳам донга тўлди. 30 гектар майдонга пахтанинг "Андижон-35" навини экканмиз. Ҳар бир гектар экин майдонидан 41 центнердан ҳосил олиш учун шартнома тузган бўлсак-да, ҳосилимиз 45-50 центнерни ташкил этишига ишонаман. Бунда, албатта, механизаторларимиз Равшанбой Умурзақов, Нозимжон Маматалиев ва сувчиларимиз Абдужалил Қодиров ва Аҳмаджон Иномовларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Экин майдонимиз четида намунали дала шийпони қуриб ишга туширганмиз. Бу ерда ишчиларимиз яхши ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё. Ишчиларимизнинг шароити қанча яхши бўлса, иш унумдорлиги ҳам шунча юқори бўлади.

Кўш саҳифани ўз мухбиримиз **К.ЭРГАШЕВ** тайёрлади.
Суратда: ота-бола фермерлар чорвани кўздан кечиришмоқда.



Фарғона вилоятининг Данғара туманида фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги аҳоли дастурхонини янада тўқин қилиш билан бирга, янги иш ўринлари яратилиши учун ҳам замин яратмоқда.

— Туманимизда 318 та фермер хўжалиги бор, улар 17176 гектар экин майдони эга — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Файратжон Қорабоев. — Жорий йилда 7800 гектар майдонга галла ва 8508 гектар майдонга пахта экканмиз. Деҳқончилик сир-синоатларини пухта ўзлаштирган фермерларимизнинг самарали меҳнати туфайли давлатга галла сотиш режасини ўз вақтида ортиғи билан адо этдик. Пахта экилган майдонларда агротехник тадбирлар қизғин давом этмоқда. Юртимизимизда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, кўплаб фермер хўжаликларимиз кўптармоқли хўжаликларга айланишди. Туманимиз экин майдонларининг талайгина қисми чўл худудларида жойлашган. Бу худудларда деҳқончилик қилиш учун сув олиб боришнинг ўзи бўлмайди. Ер сатҳи қумдан иборат. Шунга қарамай, имконият топаётган, чўлда бўстон яратаётган хўжаликлар сони ортиб бораёпти. Шухратжон Ўринов раҳбарлик қилаётган "Ғалаба кўрки" кўптармоқли фермер хўжалиги фаолияти гапимизга исбот бўлиши мумкин.

Файратжон ака билан суҳбатлашиб турарканмиз, эшик очилиб, 35 ёшлар чамаси йигит ичкарига кириб келди ва биз билан кўришди.

— Хизрни йўқласак бўларкан, ҳозиргина сиз ҳақингизда гаплашиб тургандик, Шухратжон, — деди Файратжон ака йигитга юзланиб. — Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши, деган гап бор халқимизда. Акангизни далага олиб бориб, экин майдонларингиз кўрсатсангиз. Чўлдаги машаққатли меҳнатлар самараси билан танишса...

Шундай қилиб "Ғалаба кўрки" фермер хўжалиги томон йўлга тушдик. Шухратжон кўринишидан жиддий кўринса-да, анчагина сўзамол

экан. Суҳбатимиз тезда қовушиб кетди.

— Экин майдонларимиз бир пайтлар тўқай ва чангалзорлардан иборат бўлган. Ўтган асрнинг 70-80- йиллари отам Юсуфжон Ўринов бу ерларни ўз бригадаси билан экин майдонларига айлантирган. Буни қарангки, тўққиз фарзанднинг кенжаси, яъни менга бу заминда ишлаш, тер тўқиш насиб этди. Аввалига 2007 йил пахта-галла йўналишида 10 гектар экин майдонида фаолият бошладик. Бизнинг экин майдонларимизга оқар сув етиб келмайди. Юқоридаги хўжаликларнинг сизот сувларини 2 та ички насослар орқали кўтариб, тортиб оламиз ва экин майдон-



Суратда: Шухратжон Ўринов (унда) ва Зарифжон Ҳамдамов.

ларимизни суғорамиз. Дастлаб иш бошлаган пайтларимиз насослар ачинарли ҳолда бўлиб, экин майдонлари атрофидаги зовурлар сув ўтлари билан тўла эди. Насослар янгиланиб, зовурлар яроқли ҳолга келгачгина ишларимиз юришди. Бизчалик ерга чигит экиб, унинг униб чиқишини, табиат инжиқликларидан ҳадиксираб кутадиган деҳқон кам бўлса керак. Экин майдонларимиз тўлиқ қум барханларидан иборат, чигит унмасдан Кўқон шамоли эсиб берса борми, эгатдан асар ҳам қолмайди. Натижанда бир неча бор қайта экишга мажбур бўламиз. 2015 йил ён атрофимиздаги фермерлар тақдирга тан беришди шекилли, ерларини топширишди. Туман ҳокимлигининг қарори билан бизнинг экин майдонларимиз 43,5 гектарга кенгайди.

Биз қатор орасига ишлов бераётган тракторнинг ёнида тўхтадик ва экин майдонини кўздан кечирдик.

— Бу майдон ҳали бир марта ҳам сув ичгани йўқ, — деб сўздан давом этди фермер. — Лекин мунтазам рихлитор билан ишлов бериб борамиз. Чунки ерда газ йиғилиб қолишининг олдини олишимиз керак. Агар сув куйсак, ер етилгунча кўчатлар қисилиб, қуриб қолиши ёки говлаб кетиши мумкин. Бунинг устига шўрланиш даражаси юқори. Хўжалигимизнинг 13 гектар экин майдонида зах сув ер сатҳидан атиги 0,85 сантиметр пастда жойлашганлиги учун ер захкаш, балл-боните-ти паст. Туман ҳокимлиги ва тегишли идораларга бу майдонлардан полиз экинлари етиштириш учун фойдаланишимизга рухсат беришларини сўраб мурожаат қилдик. Келиб кўришди, текшириб керакли маълумотларни расмийлаштиришди. Келгуси йилдан экин тури ўзгарса ажаб эмас. 2014 йили 2 гектар майдонда балиқчиликни йўлга қўйдик.

Биз қум барханлари орасига кириб борар эканмиз, кўз олдимизда қўл пайдо бўлди.

— Халқимиз, қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деб бежиз айтмаган. Дўнг пешона, оқ амур ва сазан чавақчаларини парвариш қиляпмиз — деб сўзида давом этди Шухратжон. — Кузда халқимиз дастурхонига 3 тоннадан зиёд балиқ маҳсулотларини арзонлаштирилган нархларда тортиқ қилмоқчимиз. Жорий йилда 21 гектар майдонга галланинг «Чиллаки» навини экиб, давлатга галла сотиш режасини ортиғи билан бажардик. 21,5 гектар майдонда пахтанинг «Султон» навини парваришляпмиз. 5 гектар майдонда тарвуз етиштирдик. Буни қаранг, ҳар бири 8-10 кило тош босади. Қумда тарвуз яхши бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам, сиқимингиздан шовуллаб тўкилиб тушадиган қум, лекин тарвуз палаклари ер юзасини эгаллаб ўз ҳосилини кўз-кўз қилиб турибди.

Интилганга толе ёр, дейди халқимиз. Шухратжон акалари билан биргаликда ота изидан бориб, келажак учун ҳозирдан замин ҳозирлаётганини кўриб, қувондик, эзгу режалари амалга ошишини тилаб, у билан хайрлашдик.

Ўз мухбиримиз.

ОТАМ ЮРГАН ДАЛАЛАРДА

Озод Раҳматуллаев жуда серзавқ, шу билан бирга қизиқувчан ва уддабурро, ўз ишига пухта инсон. Хоразм вилояти, Урганч туманининг Чакка шоликор қишлоғида уни танимайдиган хонадон йўқ. Ўз даврида сабзавотчиликда танилган соҳибкор Зериббой Раҳматуллаевдан унга деҳқончилик отамерос касб бўлиб ўтган бўлса, ажабмас.



Холис меҳнати билан кун кечирадиган деҳқон оиласида туғилган Озод қишлоқдошлари қатори мактаб таҳсилдан кейин қолхозчи бўлиб ишлади. Кейинчалик 19 йил полиз экинлари, асосан, қовун-тарвуз етиштириш ва сабзавотчилик билан шуғулланди.

— 2002 йилда "Давлат Раҳматилло" фермер хўжалигини тузиб, — дейди Озод Раҳматуллаев, — 40 гектар ерга галла, пахта, сабзавот экинлари эҳдик. Ўз ҳаракатимиз билан иш олиб борардик, ҳозиргидек имтиёзли кредитлар берилмас, техника етишмас, бунинг устига ерлар бонитети паст эди. Бугун долзарб ишларни бажариш учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Меҳнат қилган роҳат топадиган даврда ер эгаси бўлиб яшаётганимдан фахрланаман. Отам каби далалар ҳавосидан баҳра олиб, тўкин ҳосил етиштирсам завқланаман, яйрайман.

Суҳбатимиз мароқли ўтаркан, биз ўтирган шийпон атрофидаги сўлим ва гўзал манзара диққатимни тортиди. Ландшафт дизайни асосида экилган анвойи гулларни ким эккани билан қизиқдим.

— Фароғат қизимиз кўли ширин ошпаз, гуллар парваришини ҳам яхши кўради, булар унинг иши, — деди фермер.

Ошхона томонидан чиққан саришта аёл — Фароғат Тожибаева торгинибгина ёнимизга келди. Ундан хўжаликда қачондан буён ишлаётгани, ойлик маоши хусусида суриштирдик.

— Ойлик маошимиз ишимизга қараб, ундан ташқари оиламиз учун етарли ҳамма маҳсулотни бутун йил бўйи шу фермер хўжалигидан оламиз, тўкин яшапмиз. Ҳатто уйимиз бу ердан узок бўлгани учун келиш-кетиш йўлкирамизни ҳам фермер тўлайди.

— Бу хўжалик 2016 йилда 24 гектар ғалладан 70 центнер, пахтадан режадаги 33 ўрнига 40 центнердан ҳосил уйган. Хўжалик аъзолари ҳар бир ишда эпчил ва ҳамкор, — дейди туман Фермерлар кенгаши раиси Ж. Мадраҳимов.

2017 йилда янада улкан натижалар кутилаётгани хўжалик аъзоларининг шижоат балқиган чеҳраларидан маълум. Бўлиқ бошоқлар унган 20 гектар ердаги ғалладан 80 центнердан ҳосил олган миришкорлар экиндан бўшаган майдонларга сабзавот ва озуқа экинлари экишган.

30 гектарлик пахтазорда барча агротехник чора-тадбирлар вақтида ўтказилгани боис бугун гўзалар баравж ривожланыпти. Сувчилардан Илҳом Қодиров, Ражаббой Собировлар ҳар дақиқадан унумли фойдаланишади.

Донёр Жуманиёзов, Фарҳод Яқубов каби тракторчилар эса оралиқ экинларини экиш ва ишлов беришда ўз агрегатларини моҳирона бошқарадилар.

Иқтисодий юксалиш йўлидан бораётган фермер хўжалигида техника етарли. Лизинг асосида 2013, 2016 йилларда "Арион" тракторлари, 2016 йилда "ИСУЗУ" юк машинаси сотиб олинди. Эндиликда атрофдаги фермерларга ҳам техника хизмати йўлга қўйилди.

3 гектар помидор, 2 гектар бодринг, 1 гектар сабзи даласидан маҳсулотлар аллақачон бозор расталарига чиқарилиб сотилмоқда. 6 гектар ерга экилган шириншакар қовунларга ҳам ранг кириб қолди. Хоразм қовунларининг таъми бошқача-да. Албатта, харидоргир ва бозорбоп Гулоби, Қариқиз, Олахомма, Гурвак қовунларига халқимизнинг талаби катта.

Тарвузнинг Барака, Арашон каби навлари етиштирилмоқда. Хўжалик қовун-тарвузнинг ўзидан 60–70 млн. сўмдан зиёд даромад олади.

Йилига 300 млн. сўмдан зиёд тушумнинг соф фойдаси 110 млн.ни ташкил қилмоқда. Эътиборли фермер асосий 20 нафар ишчининг оилавий тадбирларига ҳам Урганч Тиббиёт бирлашмасига, 2-сон мактабга ва тумандаги бошқа турли тадбирлар учун ёрдами ни аямай ўз ҳисобидан беминнат маблағ ўтказиб келмоқда.

— Шу меҳнат туфайли тўқлик-фаровонликда, аҳилликда яшаймиз, янги иморатлар соляпмиз, машина оляпмиз, тўйлар беряпмиз. Катта қизимиз Олмаҳон оилали, тадбиркорлик қилаяпти, Омонбой ўғлимиз "Яқуббой Зериббой" фермер хўжалиги раҳбари, Қизларгул қизимиз ҳам оилали, кичигимиз Наврўзбек Урганч автомобиль йўллари коллежини тугатди, аграр соҳага ўқишга кирмоқчи, — дейди О. Раҳматуллаев.

Мустақиллик байрамини қутлуғ тўёнлар билан қаршилаётган ва шу борада етиштирилган маҳсулотларни келгусида экспорт қилиш ниятида меҳнат қилаётган хўжалик раҳбари 200 тонна сифимга эга музлатгич қуриб ишга туширишни мўлжалламоқда. Фермернинг салмоқли ишларига олтин ёзнинг илиқ нурлари, кузнинг баракаси имкон яратаверсин. Зеро меҳнатнинг маҳсули изланиш, яратиш ва юксалиш йўлидаги улғу қадамларга боғлиқ.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: туман Фермерлар кенгаши раиси Ж.Мадраҳимов фермер О.Раҳматуллаев билан ғаллазорда.





юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз айём

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

26 ЙИЛЛИГИ БИЛАН

САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз
ҳаёти фаровон бўлишини тилаб, банк ўзининг
хизматларини таклиф қилади.*

*Хусусан, “СПК Жамгарма” ва “СПК Муддатли” номли
пластик картада жамгариладиган омонат турлари орқали
сиз ўз маблағларингизни кўпайтириб боришингиз мумкин.*

*Ушбу омонат турлари ва бошқа банк хизматлари ҳақидаги
кўшимча маълумотларни agrobank.uz сайтидан ёки
банкнинг жойлардаги филиалларидан олишингиз мумкин.*



26

**ФИДОЙИНГ
БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ,
ЎЗБЕКИСТОН!**

Хизматлар лицензияланган.

ТЕХНИКАГА ҲАМИША ЭЪТИБОР КЕРАК

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унумдорлигини ошириш ҳамда унинг муайян тартибда ўсиб боришини таъминлаш кўп жиҳатдан замонавий қишлоқ хўжалик машиналари ва мелиоратив техника воситалари, асбоб-ускуна ва агрегатлар билан қуролланиш даражасига боғлиқ.

Истиқболда иш жараёнини механизациялашув даражасининг ортиб бориши билан соҳада юқори унумли, ихчам, ресурс тежамкор, самарали техника воситалари, жумладан ҳайдов ва чопиқ тракторлари, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш комбайнлари ҳамда юк ташиш транспорти воситаларига талаб ортиб бораверади. Шундай экан, тармоқда фаолият юритаётган техника воситалари, машина-тракторларни асраб-авайлаш, улардан ўз ўрнида тўғри ва оқилона фойдаланиш, энг муҳими, ўз вақтида, сифатли кўриқдан ўтказишга алоҳида аҳамият бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади. Бу борада "Ўздавтехназорат" инспекцияси мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалардан фойдаланишни ўрнатилган тартибда назорат қилиб боради.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги қарорига мувофиқ, ташкилотимизнинг янги Низоми кучга кирди, — дейди "Ўздавтехназорат" инспекциясининг бошлиғи Шавкат Равшанов. — Унга кўра, инспекция ходимлари зиммасига тизимдаги мавжуд техника воситалари ва машиналарни давлат рўйхатига олиш ва расмийлаштириш, уларга давлат рақами белгиси ҳамда техник паспортлар, гувоҳномалар шунингдек, механизаторларга бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар ва огоҳлантириш талонларини бериш, техникаларни йиллик кўриқдан ўтказиш, яроқсиз ҳолга келган техникаларни мулк эгалари мурожаатига асосан давлат рўйхатидан чиқариш, кафолат даврида ишдан чиққан машиналар юзасидан хулосалар бериш каби бир қатор муҳим вазифалар юклатилган. Назорат тадбирларини ўтказадиган ташкилот ҳисобланадиган "Ўздавтех-

назорат" инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши тасдиқланган режа асосида ташкилот доирасидаги хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган текширишлар сони охириги 5 йилда деярли, 2,5 баробар камайди. Бунинг бош омили бўлиб, Ўзбе-



кстон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони хизмат қилмоқда.

Гуруч курмаксиз бўлмагани каби, тизимда ҳам бир қатор камчиликлар, эътиборсизлик, қонун бузилиши ҳолатлари учраб турибди.

Инспекциямиз ходимлари томонидан 2016 йилда техника хавфсизлигига жавоб бермайдиган ҳамда носоз ҳолатда ишлатилиб келинаётган 300 га яқин техникалар аниқланиб, улардан фойдаланиш таъқиқланди. Техника хавфсизлигини кўпол тарзда бузганлиги ҳамда носоз машиналардан фойдаланганлиги учун 1300 дан зиёд механизаторларга маъмурий жавобгарлик белгиланиб, улардан қарийб, 140 миллион сўм жарима ундириб олинди.

Бундан ташқари, республикадаги мавжуд қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ҳамда трактор тиркамалари учун жаҳон андозасига жавоб берадиган, кечалари ёруғлик қайтариш хусусиятига эга бўлган республикамиздаги вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси коди ва давлат байроғи рамзи туширилган давлат рақами белгиларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунга кўра, мамлакатимиздаги мавжуд 215 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар ҳамда трактор тиркамаларидаги қарийб, 110 мингга яқин эски турдаги давлат рақамлари ўрнига янги турдагилари ўрнатилди.

Шунингдек, қолган 100 мингга яқин техникалардаги давлат рақами белгиларини 2018 йилнинг 1 январига қадар алмаштиришни мўлжаллаганмиз. Кўшимча тарзда, инспекцияда мамлакатимиздаги мавжуд қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларнинг ҳолати, унинг эгаси ва манзили ҳақидаги маълумотларни қисқа муддатларда жамлаш ва ахборот алмашинуви бўйича электрон қидириш тизими яратилган бўлиб, инспекция доирасида тўлиқ фаолият кўрсатаётганини ва бугунги кундаги мавжуд техникаларнинг 52 фоизи бу тизимга киритилганини албатта, қолган техникаларни ҳам тизимга киритиш ишлари давом эттириляётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб бориляётган бу каби кенг қамровли ислохотлар нафақат аграр соҳа вакилларининг ишини жадал юришига балки, давлатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига, соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар даромадининг ошишига, уларнинг кўшимча фойда олишларига, жойларда янги иш ўринларининг яратилишига, қишлоқ жойларидан яшовчи инсонларнинг яшаш шароитини яхшилашга олиб келиши, шубҳасиз.

С.РУСТАМОВ,
ўз мухбиримиз.

КИМЁЛАШТИРИШ ВА ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИ ДАВЛАТ КИМЁ КОМИССИЯСИ жамоаси



*Жонажон дийримиз равнақи йўлида
меҳнат қилаётган барча
юртдошларимизни, жумладан, соҳа
ходимларини, миришкор
бободехқонларимизни энг улуғ, энг азиз
байрамимиз — Мустақиллигимизнинг
26 йиллиги билан муборакбод этади.*

*Дехқончилигимиз баракали,
дастурхонларимиз янада тўкин,
юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо
бўлишини тилайди.*

ЮТУҚЛАР ОМИЛИ — ИЗЛАНИШЛАРДА

— Раҳматли падари бузрукворим Файзулло ота халқни деб яшаганликлари учун бўлса керак халқимиз олдида алоҳида ҳурмат-эътибор топдилар. Отам дастурхон атрофида, ишга ёки ўқишга отланаётганимизда у кишига бобомдан маънавий мерос бўлиб қолган "Эл севган инсон бўлинг" деган лутф билан дуо қилардилар. Бу нодир жумла биз фарзандларининг қон-қонимизга сингиб кетган бўлса керак ҳаётимизнинг мазмунига айланиб, фарзандларимизга тилак билдириганда албатта шу улуг, масъулиятли сўзни кўшиб тилак билдирамиз. Бир сўз билан айтганда, эл севган инсон бўлиб яшаш ишқи турмуш чорраҳаларида ҳаётини шиоримизга, аҳдимизга айланиб улгурган, — дейди мамнуният билан Шофирқон туманидаги кўп тармоқли "Шавкат" фермер хўжалиги бошлиғи, туман Кенгаши депутаты Ботир Насруллаев.



нани, шу билан бир қаторда турларини кўпайтириш, яйлов ўсимликчилигининг географиясини кенгайтирган ҳолда, ва ҳатто ноанъанавий экинлар экиш ҳисобига озуқа салмоғининг ошиши билан ерларнинг самарадорлигини кўтариш бўйича қатор тадбирларни жорий этиш бўйича амалий ишларга киришилган.

Бошланган ҳаракатлар натижасида яқин келажакда хўжаликдаги мавжуд қўйлар сони 500 дан 1000 бошга, эч-



Мустақиллигимиз шарофати билан фермерчиликнинг жорий этилиши, қаҳрамонимизни фермер бўлишга, энг улуг касб — ота касбини давом эттиришга ундади. Худди шу истак ижобати сифатида 2011 йилда "Шавкат" фермер хўжалигига асос солди ва шундан буён далада фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Шижоатли ҳаракатнинг самараси — хўжалик ташкил этилгандан буён қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириб зиммаларидаги мажбуриятларни ортиғи билан бажариб келмоқда. Аллақачонлар кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиб улгурган жамоанинг элимиз дастурхонини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда муносиб улуши бор.

Фермер хўжалиги иш бошлаган дастлабки кунларданок асосий эътиборни хўжалик ерларининг тупроқ унумдорлигини қишлоқ хўжаликнинг илмий асосларига таянган ҳолда муттасил ошириб боришга, деҳқоннинг қаноти ҳисобланмиш мукамал техника, қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминлашга қаратди. Ботир аканинг узоқни кўзлаган оқилона ҳаракати туфайли хўжалик ерларининг унумдорлиги йилдан-йилга юксалиб тупроқларининг бонитет бали 22 дан 45 га етди. Экинлардан, жумладан пахтадан ҳар бир гектар ҳисобига олинадиган ҳосил 20 центнердан 45-50 центнерга, бошоқли дон экинларидан олинадиган ҳосил эса 30 центнердан 70 центнерга етди.

— Оллоҳнинг назари тушган муборак заминимиз учун бу ҳосил чегара эмас. Биз айнан шу мақсадга эришиш йўлида ўтказётган илмий-тажриба синовларимиз асосида ҳаракат қилишни бир сония ҳам тўхтатмаслигимиз керак. Бу аввало инсоний бурч, давр талаби, қолаверса ҳақиқий ибодатдир, — дейди илғор фермер куюнчаклик билан.

Хўжаликка чорвачилик учун 1388 гектар яйлов ажратиб берилган бўлса-да мазкур ерларнинг чорва озуқаси учун имконияти пастлиги туфайли чорва туёқ сонларини ошириш қийин кечмоқда. Фермер хўжалигида чорвачиликни янада ривожлантириш, бош со-

килар 300 дан 800 бошга, зотли қорамоллар 50 дан 500 бошга етказилади. Паррандалар сонининг кўпайишига эришиб режалаштирилган замонавий комплексни ишга тушириш билан 10 мингга етказиш кўзда тутилган.

Богдорчилик ҳам барқарор тармоққа айланган. Мавжуд 10,8 гектар "Тоифи" навли узумзор 25 гектарга кенгайиб, хўжаликнинг экспорт салоҳияти янада ортади. Иссиқхоналарга замонавий тус берилгани ҳисобига мазкур соҳада экспорт имконияти яратилади. Дунёни забт этган Бухоро қовунчилигининг шуҳратининг ошишига муносиб ҳисса қўшиш билан уларни камайиб бораётган маҳаллий навларини кўпайтириш, уруғчилигини йўлга қўйиш бош мақсад ҳисобланади.

"Шавкат" фермер хўжалигида барча турдаги қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан, пахта-ғалладан, сифатли ҳосил етиштириш бўйича мазкур ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда йилнинг қандай келишидан қатъи назар ишончли ҳосил етиштириш бўйича алоҳида тажриба шаклланган. Ушбу тажриба дастури аввало, хўжаликда ўтказиладиган илмий изланишлар, фан ютуқлари, олимларимизнинг кўплаб яратилган, афсуски, ҳали ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиб улгурмаган ишланмалари, қолаверса, хориж амалиёти ҳисобига янада мукамаллаштиб боради.

...Ботир ака ҳар тонг эл севган инсон бўлишдек эзгу ният билан далага отланади.

Ф.МИРЗАЕВ,
ўз муҳбиримиз.

ЎРМОН – ТАБИАТ ДОРИХОНАСИ

Мустақиллигимизнинг 26 йиллигини муносиб кутиб олаётган Самарқанд вилояти давлат ўрмон хўжалиги 30 минг 47 гектар умумий ер майдонига эга. Ўрмонлар, бутазорлар, тоғлар, боғлар, узумзорлар, кўчатхоналар, шунингдек, доривор гиёҳлар, қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган хўжаликда 465 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Хўжаликнинг Самарқанд, Жомбой, Оқдарё, Каттақўрғон, Саройқўрғон, Пахтачи ва Дарғом кўчатчилик тажриба участкасидан иборат 7 та бўлимида шу кунларда иш қизғин.



Асаларичилар эл дастурхонига бол тақдим этиш ташвиши билан банд бўлишса, ҳудудлардаги доривор гиёҳлар етиштириш ва йиғиш бўйича масъул ишчи-хизматчилар дастлабки ҳосилни саранжомлаш билан шуғулланмоқда.

Тажрибали ва малакали инсонлар бор жойда иш ҳамиша самарали, баракали бўлади. Хўжаликка 16 йилдан буён тажрибали ўрмончи Хусан Абдуллаев раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Кейинги йилларда юртимизда ўрмончиликка алоҳида эътибор берилмоқда. — дейди у. — Шу боис биз ҳам иш режаларимизни, вазифаларимизни қайта кўриб чиқиб, ўз олдимизга аниқ мақсадлар белгилаб олдик. Бугун шу вазифаларни амалга ошириш устида жадал иш олиб бораёпмиз.

— Хўжалигимизнинг асосий вазифаларидан бири сифатли уруғлик тайёрлаб, лаборатория кўригидан ўтказиш, — дейди хўжалик муҳандиси Олламурад ака Жайлобов. — Уруғларни экиб кўчатхоналар барпо қиламиз ва барча агротехник қоидалар асосида ишлов берамиз. Ниҳоллар ривожлангач, биринчи йилининг ўзидаёқ, август ойида мевали ниҳолларни пайвандлаймиз, япроқбаргли, игнабаргли кўчатларни алоҳида ажратиб, параваришлаймиз. Игнабарглиларни 70-70, 70-50, 70-1, 1-1 схема шаклида экамит.

Неъматжон Тулаков раҳбарлик қилаётган Самарқанд бўлимининг 270 гектар ер майдони бор. Биз бу ерда бўлганимизда доривор гиёҳ-

лар, хусусан Тирноқгул тераётган ишчиларни учратдик. Маълумки, фармацевтика саноати учун хомашё етиштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Тирноқгул (Колендула) мураккабгулдошлар оиласига мансуб икки йиллик манзарали ва доривор ўсимлик. Бўйи 30-50 см, гуллари сариқ, тўққизилсариқ, баъзан қатқат. Меваси йирик, тирноққа ўхшаб ичкарига қайрилган. Май ойдан сентябргача гуллаб, мевалайди. Гулларидан бўёқ олинади, озик-овқат саноатида ҳам ишлатилади.

Аммо уни териш ҳам осон эмас экан. Гул япроқлари шираси қўлга ёпишиб, теришни қийинлаштиради. Чиройли, ўзига хос ифорга эга бу гулларни теришда бешта одам бўлиб, битта қутини тўлдиришга анчагина вақт сарфладик.

— Жорий йилдан бошлаб доривор маккасано ўсимлигини ҳам етиштираяпмиз, — дейди бўйи баробар кўм-кўк ўсимликлар орасида турган ўрмонбеги ёрдамчиси Гиёс Жўрақулов.

Хўжаликда япон сафораси, чаканда(облепиха), аччиқ бодом, ёнғоқ каби мевали дарахтлар, наматак, қизил дўлана, ширинмия, далачай каби доривор ва фойдали ўсимликлар, гиёҳлар ҳам етиштирилмоқда.

Бош ҳисобчи Даврон Ҳамроевнинг айтишича, 2017 йилда 14 млрд. 727 миллион сўмликдан кўпроқ ўрмон хўжалиги маҳсулоти етиштириш кўзда тутилган. Четга доривор гиёҳларни экспорт қилиш ҳажми ҳам ошади. Шунингдек,

Қрим қарагайи, лола дарахти, чилонжийда, ёнғоқ мевали дарахтлар — грек ёнғоғи, писта, хандон писта, бодом кўчатларига юртимизда ҳам талаб катта. Бундан ташқари, манзарали ва мевали кўчатлар етиштириш, ёғоч ва ўтин сотиш, яйловга чорва молларини жойлаштириш, доривор ўсимликлар турини кўпайтириш ва сотиш, шартнома асосида ободонлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш, кўёнчилик, балиқчилик, паррандачилик, асаларичиликни ривожлантириш, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш каби тармоқлардан ҳам 14,5 млрд. сўм даромад олиш режага киритилган.

Жорий йилда маҳаллий дорихоналарга 6700 кг ширинмия, 2650 кг далачай, 1450 кг макка попуғи, 2840 кг қизил дўлана, 3000 кг наматак, экспортга эса 6700 кг ширинмия, 2800 кг дасторбош, 1840 кг далачай маҳсулотлари етказиб бериш режалаштирилган.

Ўз касбини севган инсон бугуннинг ҳар дами қадрига етиб, меҳнат қилади. Биз Самарқанд давлат ўрмон хўжалиги фаолияти билан танишганимизда, жамоанинг ҳар бир аъзоси юртимиз истиқлолининг 26 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётганига амин бўлдик.


Ш. САДИКОВА,
ўз мухбиримиз.

Суратда: — Маккасано ҳосили мўл бўлади, — дейди Ф. Жўрақулов.



**Мустақил Ўзбекистонимизнинг саодатли
фуқаролари, ўрмон хўжалиги ходимлари,
Сизларни кириб келаётган
энг улуғ, энг азиз айём – 1 сентябрь
Хуррият байрами билан
самимий қутлаймиз.
Шарафли вазифаларингизни
бажаришда сиҳат-саломатлик,
омадли ҳаёт тилаймиз.**

**Самарқанд вилояти Давлат
ўрмон хўжалиги жамоаси**



**Азиз ватандошларимизни
энг улуғ ва муқаддас бўлган**

**Мустақиллик
байрами**

**билан чин дилдан
табриклаймиз!**

**Сизларга мустаҳкам соғлиқ,
ишларингизга барака,
оилаларингизга аҳиллик,
бахт-саодат тилаймиз.**

**Наманган вилояти
ва тумани
Фермерлар кенгаши**



МАККАЖЎХОРИ ЙИГИШ МАШИНАСИ

Мамлакатимизнинг дехқон ва фермер хўжаликларида эндиликда маккажўхори асосий ва такрорий экин сифатида катта майдонларда етиштирилмоқда. Етиштирилган ҳосилни йиғиштириш учун мақбул техникаларнинг йўқлиги сабабли, маккажўхори ҳосили асосан қўлда йиғиштириб олинмоқда. Бу эса меҳнат сарфининг ошишига, ўрим-йиғим ишларининг чўзилишига олиб келяпти.

Ушбу камчиликларни ҳисобга олиб, биз маккажўхорини - йиғиштиришнинг ресурстежамкор технологияси ва уни амалга оширадиган машиналарни ишлаб чиқиш устида тадқиқотлар олиб бордик.

Тадқиқотлар шунини кўрсатдики, республикамиз шароитида маккажўхорини йиғиштиришнинг мақбул усули, бу маккажўхори донини қобиқли сўта ҳолида йиғиштириб олиш экан. Сабаби, ушбу усулда ҳосил одатдагидан 10-15 кун эрта-роқ йиғиштирилиши билан бирга, далада сўталарнинг қобиқларидан тозаланмаслиги ҳисобига ўрим-йиғим машинасининг иш унумдорлиги 20 фоизга ортади, дон нобудгарчилиги ва ёқилғи сарфи эса 10-15 фоизга камаяди. Сўталарнинг қобиқлар билан ўралган ҳолатда бўлиши, уни юклаш, ташиш ва тушириш пайтида, доннинг зарарланиши ва нобуд бўлишини кескин камайтиради.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ҚХМЭИТИ)да қатор оралари 60-70-90 см. га созланадиган, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган тракторларга тиркаб ишлатиш мумкин бўлган, маккажўхори йиғиш машинасининг донни қобиқли сўта кўринишида, поясини эса майдалаб, йиғиштириб оладиган тури ишлаб чиқилди.

Ушбу машинанинг мавжуд ККП-2, ККП-3 каби машиналардан фарқи, унда сўталарнинг қобиғидан ажратиш қисмининг йўқлиги ҳисобланади. Бу машинанинг

массаси, габарит ўлчамлари ва энергия сарфини 1,5-1,8 мартага камайтиришга имкон беради.

Сўталарга қўшилиб кетаётган барг ва пояларни ажратиб олиш учун эса, машинанинг сўта шнеги тагига поя-барг ажратувчи жўвалар қўйилди.

Маккажўхори йиғиш машинасида технологик жараён қуйидагича амалга ошади, расмга қаранг.

Қуббасимон туп йўналтиргичлар томонидан йўналтирилган маккажўхори пояларини узатувчи занжир бармоқлари билан тугиб, сўтаажраткич жўвага узатади. Сўтаажраткич жўвалар бир-бирига қарама-қарши айланиши ҳисобига рифлари билан пояларни қисиб олиб, пастга тортади. Поялар пастга тортилаётганда жўвалар устига сўталар диаметридан кичикроқ тирқиш билан жойлаштирилган пластиналар орасидан ҳам ўтади. Натижада сўталар пластиналар тирқишига сиғмасдан, унинг устида поядан ажралиб қолади.


Ажралган сўталарни доимий айланиб турган, узатувчи занжирлар бармоқлари билан сўта шнегига ташлаб беради. У ерда жойлашган барг-поя ажратувчи жўвалар бир-бирига қарама-қарши айланиб, қобиқли сўталар билан биргаликда келаётган барг ва поя бўлақларини, ажратиб олиб сўта шнеги тагидида

поя шнегига ташлаб беради.

Барг ва поя бўлақларидан тозаланган қобиқли сўталарни шнек айланма ҳаракати таъсирида марказга йиғиб, туйнук орқали сўта транспортёрига етказиб беради. Сўта транспортёри қобиқли сўталарни машинага тиркалган тиркамага юклайди.

Жўвалар пастга тортган пояларни ўриш аппарати қирқади ва поя шнегига етказиб беради. Поя шнеги массани бир ёнга суриб, битер ёрдамида майдалагичга узатади. Май-

Такмиллаштирилган маккажўхори йиғиш машинаси схемаси



1-туп йўналтиргич; 2-сўта ажраткич пластина; 3-сўта ажраткич занжир; 4-бармоқчали элтувчи занжир; 5-сўта шнеги; 6-транспортёр; 7-силосўтказгич; 8-ўриш аппарати; 9-поя шнеги; 10-барг-поя ажратувчи жўвалар; 11-битер; 12-майдалагич; 13-тиркама.

далагичга келиб тушган поялар пичоқли барабан билан майдаланиб, силосўтказгич орқали машина билан ёнма-ён ҳаракатланувчи транспорт воситасига юклаб берилади.

Машина маккажўхорини силосга йиғиштираётганда пластина ва сўта ажратувчи жўвалар орасидаги тирқиш бир мунча катталаштирилади. Шунингдек, сўта шнеги ва транспортёрнинг ҳаракат механизми асосий ҳаракат узатмасидан узиб қўйилади. Сўта шнегини сўта транспортёри билан туташтирувчи туйнук тўсиб қўйилади ва унинг пастки қисмидаги поя шнегининг кожухини ростловчи туйнук очилади. Натижада, сўтаажраткичда ажралиб қолган сўталар, шу туйнукдан поя шнегига ташлаб берилади. Қолган жараёнлар, маккажўхорини донга йиғиштиришдаги каби қайтарилди, яъни поялар майдалагичда майдаланиб, силосўтказгич орқали машинанинг ўзига тиркалган тиркамага юкланади. Бунда силосўтказгич 90° га бураб қўйилади. Натижада қўшимча транспорт воситасига зарурат бўлмайди.

Б. ХАТАМОВ,
к.и.х. (ҚХМЭИТИ).

Маккажўхори йиғиш машинасининг қисқача техник тавсифи

№	Агрегат тури	тиркама
1	Агрегат тури	тиркама
2	Агрегатланадиган трактор русуми, кН	1,4
3	Қаторлар сони	2/3
4	Қаторлар оралиғи, м	0,6/0,9
5	Иш тезлиги, км/соат	0,8 – 1,3
6	Иш унумдорлиги, га/ соат	0,54
7	Иш сифат кўрсаткичлари, %	
	- сўталарни йиғиш тўлиқлиги	96,0-96,5
	- барг-пояларни йиғиш тўлиқлиги	92,2
	- йиғилган сўталардаги барг-поя миқдори	2,7 -1,5
	- дон нобудгарчилиги	4,0
8	Габарит ўлчамлари (узунлиги х эни х баландлиги), мм	6500х5340х4000
9	Оғирлиги, кг	2850

ЭКИШ МУДДАТИ ВА УСУЛЛАРИГА КЎРА БЕДАНИНГ УНУВЧАНЛИК ҲАМДА ЯШОВЧАНЛИГИ

In the context of the farm "Temurbek Sherzod" examined the influence of life and ways of planting alfalfa on the germination of alfalfa seeds. It determined that the crop between the rows of cotton germination of alfalfa was 89.1% and in the case of sowing in the open field was equal to 90.8%

Ҳар бир қишлоқ хўжалик экинини парваришlashда мақбул кўчат қалинлигини таъминлаш юқори самардорликка эришишда муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, "ғўза:ғалла" жадал навбатлаб экишда, оралик муддатда беда етиштиришда бедани бугдой билан бирга ғўза қатор орасига экишга мажбур бўлинганида меъёрий кўчат қалинлигини таъминлаш ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунга қулай агротехника шароитида, юқори сифатли уруғлик мақбул муддатларда экилганидагина эришиш мумкин бўлади.

2007-2011 йиллар давомида Фарғона вилоятининг оч тусли ўтлоқи-соз тупроқларида "ғўза:ғалла" жадал навбатлаб экиш шароитида олиб борилган ҳамда ишлаб чиқариш тажрибаларимизда далаларга беда уруғларининг лаборатория унувчанлиги 94,8-95,7 % ни ташкил этди.

Биринчи дала тажрибасида беда кузги муддатларда ғўза қатор орасига экилганида униб чиқиш муддати 9-10 кунни ташкил этгани ҳолда, дала унувчанлиги 12 сентябрда экилганида 84,7 %, 24 сентябрда экилганида эса 85,9 % дан иборат бўлди.

Баҳорда март ойининг биринчи ўн кунлигида, кузда ғўза қатор орасига (3-вариант) ва айниқса, ғўзапоёси йиғиштириб олиниб, очиқ майдонга экилган (10 вариант) бугдой ниҳоллари ичига сепилганида, гарчанд униб чиқиш муддати 14-16 кунни ташкил этган бўлса-да, беда уруғи унувчанлиги биринчи ҳолатда (3-вариант) 89,1, иккинчи ҳолатда (10-вариант) 90,8 % дан иборат бўлди.

Беда 20 март куни экилганида, униб чиқиш муддати экиш усулларида боғлиқ ҳолда 12-13 кунни, унувчанлиги 86,2-88,3 % ни ташкил этди.

Беда кузги муддатларда ҳамда баҳорда март ойининг иккинчи ўн кунлигида экилганида, униб чиқиш муддати қисқа бўлгани ҳолда унувчанлиқнинг нисбатан паст бўлиши, муддатларда тупроқ юза қатламидаги намликнинг нисбатан тезроқ йўқотилиши билан боғлиқ бўлди.

Иккинчи дала тажрибасида ҳам шу каби боғлиқлик ва фарқланишлар қайд этилди.

Умумий ҳолатда дала тажрибаларида ўрганилган экиннинг барча муддат ва усулларида беда уруғлигининг унувчанлик даражаси зарурий кўчат қалинлигини таъминлаш имконини берди. Фақат, беда кузги муддатларда экилганида униб чиққан ниҳолларнинг қишлоқ даврига қадар нимжон бўлганидан қиш ойларида совуқ таъсиридан қисман нобуд бўлиши кузатилди. Масалан, биринчи дала тажрибасида беда пахтанинг биринчи теримидан кейин 12 сентябрда ғўза қатор

орасига экилганида (9-вариант) уруғ тўлиқ ундириб олинган (21,09) кўчат қалинлиги 1 гектар ҳисобига 1 млн. 549 минг тупни ташкил этгани ҳолда, баҳорда ўсув даврининг бошланишида 1 млн. 324 минг тупдан иборат бўлди. Худди шунингдек, беда пахтанинг иккинчи теримидан кейин 24 сентябрда ғўза қатор орасига экилганида (2-вариант) кузда уруғ тўлиқ ундириб олинган (21,09) кўчат қалинлиги 1 гектар ҳисобига 1 млн. 662 минг тупни ташкил этгани ҳолда, қишлоқ даврига қадар 2,3 % ҳамда қишлоқ даврида 15,3 % кўчат йўқотилди. Айниқса, иккинчи дала тажрибасида 4 октябрь кунги кутилмаган эрта совуқ таъсиридан экиш муддатларига боғлиқ ҳолда қишлоқ даврига қадар 7,9-11,8 % ҳамда қиш ойларида совуқ таъсиридан 22,5-26,3 % кўчат нобуд бўлди. Натижада, мазкур дала тажрибасида беда кузги муддатларда экилганида кўчат қалинлиги гектар ҳисобига 1792-1831 минг туп бўлишига эришилгани ҳолда, ўсув даври охирига 1157-1239 минг тупни ташкил этди.

Тажрибамизда, беда баҳорда март ойининг биринчи ўн кунлигида кўклуб турган, кузда ғўза қатор орасига (3-вариант) ва айниқса, ғўзапоёси йиғиштириб олиб очиқ майдонга (10-вариант) экилган бугдой ниҳоллари ичига сепилган ҳолда парваришланганда мақбул кўчат қалинлигига эришилди. Мазкур ҳолатда (3-вариант) ўсув даври давомида кўчатларнинг нобуд бўлиш миқдори 7,1 % ни, ўсув даври охирига гектарига 1 млн. 814 минг туп кўчат сақланиб қолди. Худди шунингдек, тажрибанинг 10-вариантида беданинг кўчат қалинлиги ўсув даври бошига гектар ҳисобига 2 млн 146 минг тупни ҳамда ўсув даври охирига 2 млн. 26 минг тупни ташкил этди. Бироқ, беда худди шу усулларда март ойининг учинчи ўн кунлигида (20,03) экилганида ҳаво ҳароратининг тез исиб кетишидан тупроқнинг юза қатламидаги намликнинг тез йўқотилиши ҳамда бугдой ниҳолларининг жадал ўсиши ҳисобига кўчатнинг тигизлашуви сабаб 7,8-9,4 % га қадар кўчатнинг табиий сийраклашувидан кўчат қалинлиги гектар ҳисобига 1536-1764 минг тупни ташкил этди.

Демак, "ғўза:ғалла" жадал навбатлаб экишда оралик муддатда беда парваришланганида март ойининг биринчи ўн кунлигида кўклуб турган, кузда ғўза қатор орасига ва айниқса, ғўзапоёси йиғиштириб олиб очиқ майдонга экилган бугдой ниҳоллари ичига сепилганида беданинг униб чиқиш ва яшовчанлик имконияти нисбатан юқори бўлиб, мақбул кўчат қалинлигига эришилади.

М.БОТИРОВ, Г.УСМОНҲҲАЕВА,
Андижон қишлоқ хўжалик институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Н.Н.Балашев. "Агротехника люцерны в Узбекистане" Ташкент, Госиздат, 1946, стр 18 - 26.
2. П.М.Бодров, М.А.Сорокин "Совместные посе́вы люцерны с другими культурами." Ташкент, 1971, стр 11
3. Р.Я.Иоффе. Люцерна. Ташкент 1930, стр 51 - 55.

Мамлакатимиз халқини,
юртимиз далаларида,
боғу бўстонларида фидокорона
меҳнати билан эл дастурхонини
тўлдираётган фермерлар,
ишбилармон тадбиркорлар
ҳамда уларга камарбаста бўлаётган
ҳамкасбларимизни,
Мустақиллик байрамининг
26 йиллиги билан
чин юракдан табриклаймиз.
Тинчлигимиз абадий бўлсин!

**Деҳқонобод калийли
ўғитлар заводи
унитар корхонаси**



СОЛЯРИЗАЦИЯ ПОЧВЫ В БОРЬБЕ С ВИЛТОВЫМИ ПАТОГЕНАМИ

As a result of solarisation of the soil, high temperature and humidity formed under polyethylene film, sharply reduces the total number of microorganisms, as well as exterminated of disease pathogen Fusarium sp.

Почвенные грибы из рода *Fusarium* поражают множество культурных и диких видов растений, нанося большой экономический вред фермерским хозяйствам.

Поэтому, наряду с выведением новых высокотолерантных к этим патогенам линий и сортов растений, уничтожение инфекционных зачатков их в почве путем новых агротехнических противовилтовых мероприятий было и остается главным сдерживающим способом вредности болезни.

Высокую эффективность соляризации почвы в борьбе с почвенными патогенами хлопчатника, овощей и других культур, нематодами и сорными растениями доказали израильские и американские ученые (Kenneth N. and J. Katan (eds.), 1972; Grinstein, A. and J. Katan, 1979 (eds.), 2012 и др. Как указывают авторы, при использовании пленок размером 0,038—0,050 мм температура почвы на глубине 5—10 см достигает 42—55°C и на глубине 45 см—32—37°C. При использовании черных и двойных слоев белых пленок температура почвы повышается.

А.С. Летов (1935); П.Н. Головин (1953); А.И. Соловьева (1955); Ин-Синь-Юнь (1958) и Н.С. Мирпулатова (1973) сообщают, что в основном почвенные патогены находятся в ризосфере корней хлопчатника на глубине 5—25 см. Благоприятная температура почвы для развития вилтовых патогенов является 24—26°C, при общей влагоемкости почвы 60%—70%, свыше 30°C является губительной.

Соляризация почвы в борьбе с почвенными патогенами, насекомыми и сорняками широко применяется в США, Израиле, Австралии, Испании и др. странах мира.

В Узбекистане же соляризация почвы в борьбе с почвенными патогенами раньше не изучалась.

Опыты по указанному вопросу проводились в 2015 году на лугово-аллювиальных почвах, на естественно сильно зараженном вил-

том поле фермерского хозяйства им. "Кулхатиб" Вобкентского района Бухарской области. Опыт закладывался по методике СоюзНИХИ (1981) и J. Katan (1976) в 4-х кратной повторности.

После уборки пшеницы на зерно опытный участок подготовили к севу по общепринятой методике. Затем по вариантам опыта делянки покрывались пленкой размером 0,05 мм.

При достижении температуры воздуха свыше 40—45°C проводили измерение температуры на различных горизонтах почвы.

Для изучения влияния высоких температур на почвенные микроорганизмы, включительно на возбудителя вилта гриба *Fusarium sp.*, микробиологические анализы почвы проводили после уборки пшеницы и после соляризации почвы по методике С.Ф. Лазарева (1963).

Исходя из данных микробиологического анализа почвы после уборки пшеницы и после соляризации почвы, видно, что после уборки пшеницы (11 июля) общее количество грибов составляет 9,0 тыс.шт., бактерий 42,0 тыс.шт. и актиномицетов 100,0 тыс.шт. в 1 г абс. сухой почвы.

В этом же варианте (4 сентября) отмечается увеличение общего количества микроорганизмов, благодаря обогащению пахотного слоя почвы корневыми и пожневыми остатками пшеницы, где общее количество грибов составляет 11,7 тыс.шт., бактерий 116,0 тыс.шт. и актиномицетов 92,7 тыс.шт. в 1 г абс. сухой почвы.

Под хлопчатником (хоз. посев) эти показатели составляли соответственно по микроорганизмам 10,0; 76,0 и 92,5 тыс.шт. в 1 г абс. сухой почвы.

В варианте, где проводилась соляризация почвы, общее количество микроорганизмов резко пошло на спад и их количество составляло: грибы 2,0 тыс.шт., бактерии 50,5 тыс.шт. и актиномицеты 71,5 тыс.шт. в 1 г абс. сухой почвы.

Выделение из почвы грибов рода *Fusarium* не наблюдалось. Доминировали в основном термофильные грибы из рода *Aspergillus*.

Как указывалось выше, в основном вилтовые патогены находятся на глубине 10—25 см. При температуре выше 30°C они погибают.

Наши исследования показали, что температура почвы на глубине 10—30 см при соляризации в среднем составляет от 42—41°C до 61—75°C, которая является губительной для возбудителя вилта. Этим и объясняется на фоне соляризации отсутствие выделения из почвы вилтового патогена *Fusarium* в чистую культуру.

Несмотря на существенное снижение количества бактерий от 116,0 до 50,5 тыс.шт. в 1 г абс. сухой почвы, среди них отмечено множество колоний, имеющих антагонистическую активность по отношению к грибу *Fusarium*. Наблюдалось также снижение общего количества актиномицетов.

Таким образом, на лугово-аллювиальных почвах, на естественно сильно зараженном вилтом поле фермерского хозяйства им. "Кулхатиб" Вобкентского района Бухарской области установлено, что высокая температура и влажность почвы, создавшиеся при соляризации под пленкой, угнетают общее количество микроорганизмов, включительно грибов из рода *Fusarium*.

Эта закономерность показывает, что для восстановления полезного естественного микробиологического потенциала почвы после соляризации необходимо пополнение пахотного горизонта почвы необходимыми легкоомбируемыми органическими материалами.

Г.ТУРАМУРАТОВА,

А.МАМБЕТНАЗАРОВ,

С.САДИКОВА,

науч. сотр.,

А. МАРУПОВ,

д.с.х.н., профессор, НИИЗР.

ЛИТЕРАТУРА

1. Сидорова С. Ф. Вертициллезное и фузариозное увядание однолетних с.х. культур.— М.: Колос, 1983.—154 с.
2. Kenneth, N. and J. Katan (eds.). 1972. Production of Healthy Plants by Therapeutic and Other Methods and their Maintenance and Use.
3. Grinstein, A. and J. Katan. 1979. Diseases of Vegetable Crops. Academon, Rehovot, 61 pp (Hebrew).

ЮКСАЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг 26 йиллиги кенг нишонламоқда. Халқимизда тўйга тўёна билан бориш лозим, деган нақл бор.

Шунга биноан юртимиз иқтисодчилари орасида маънавияти юқори, меҳнаткаш, камтарин олим, иқтисод фанлари доктори, профессор Мамаюнус Пардаев шогирдлари билан ҳамкорликда "Ўзбекистон тараққиётининг қиёсий таҳлили: кеча ким эдигу бугун ким бўлди" деб номланган рисола "Наврўз" нашриётида чоп эттириб, мамлакатимиз мустақиллиги тўйга тўёна қилишган. Унинг ҳажми нисбатан кичик бўлишига қарамай, мазмуни кенг қамровли, теран асар ҳисобланади.

Рисоланинг биринчи бобида мустақиллик юртимизга ва халқимизга нималарни берганлиги аниқ фикрлар, рақамлар билан содда, тушунарли, раван тилда ёзилган. Масалан, даставвал юртимиз ҳудудида мустақам ва барқарор тинчликнинг ўрнатилганлиги, охириги 11 йил давомида мамлакат ЯИМнинг ўсиш суръати 8% дан кам бўлмаётганлиги, "бутунжаҳон бахт индекси"да Ватанимиз 158 та мамлакат

ўртасида 44-погонани, МДҲ мамлакатлари орасида эса 1-ўринни эгаллаб турганлиги ва бошқа ютуқлар кўрсатилган.

Рисоланинг иккинчи бобида муаллифлар халқ билан мулоқотнинг зарурлиги ва мазмуни ҳамда инсон манфаатлари масалаларига назарий жиҳатдан ёндашиб, бу борада ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини баён этишган.

Рисоланинг мазмуни, яъни таркиби унинг номига нисбатан кенг-роқ. Чунки, унинг учинчи бобида "Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси"нинг мазмун-моҳияти, таркибий тузилиши, мазмуни ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари батафсил ёритилган. Рисоланинг сўнгида мамлакатимиз ҳудудларини комплекс ва мутаносиб ривожлантириш учун, улар-



даги мавжуд салоҳиятлардан самарали ва оптимал фойдаланиш йўллари умумий тарзда ёзилган.

Умуман олганда, рисола синчковлик билан ўқиб чиққан инсон, мамлакатимизда мустақиллик йилларида қандай ютуқларга эришилганлиги ҳамда келажакда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминловчи асосий масалалар, йўналишлар бўйича маълумот ва таассуротга эга бўлади.

А.АБДУҒАНИЕВ,
и.ф.д., профессор.

**Озодлик, фаровонлик, бахтни тўхфа
этган Истиқдолнинг 26 йиллиги
билан халқимизни
самимий муборакбод этамиз.
Юртдошларимизнинг
дастурхони ҳамиша тўкин,
ҳаёти бахтларга тўлиқ бўлсин!**

**“АНДИЖОН АГРОКИМЁҲИМОЯ”
ҲУДУДИЙ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ жамоаси**



БҮЮК ҚАЛБ СОҲИБИ

Ушбу фотосурат 58 йил муқаддам Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг Москвада бўлиб ўтган Декадасида олинган бўлиб, унда Шароф Рашидов билан ёзувчи Саид Назар ёнма-ён туришибди. Фотосурат Москвадаги Колонна зали гардероби олдидаги лаҳзани (1959 йил, 16 февраль, соат 23) тасвирлайди.



Ушбу фотосуратнинг тарихи бундай. Мажлисдан кейин мен, отам Саид Назар билан бирга, гардероб олдига борар эканмиз, пальтосини кийиб бўлган Шароф Рашидович бизларга табассум билан қараб турар эди. У отам билан кучоқ очиб кўришди ва нимадир ҳақида қизгин суҳбатлаша бошладилар. Катталар гапига ҳалақит бермаслик мақсадида, мен ўзимни четга олдим. Бир муддатдан сўнг, қўлимдаги кийимлар билан қайтар эканман, Шароф Рашидов ва отам суратга тушаётганларини кўрдим.

Афсуски, ушбу фотосурат, отам триклигида тушган сўнгги суратга айланди.

Декада очилишидан олдин отамнинг Шароф Рашидов билан Москва ёзувчилар уйида бўлган яна бир учрашуви эсимда қолган.

Бу уларнинг, отам узоқ касал бўлиб ёганидан кейинги, илк бор учрашуви эди. Отам урушдан олдин бир муддат Шароф Рашидович билан бирга "Ленин йўли" (ҳозирги "Зарафшон") Самарқанд газетаси таҳририятида ишлаганлигини билар эдим. Шароф Рашидов отамни кўрганидан жуда хурсанд бўлди ва у билан узоқ суҳбатлашди, соғлиги ҳақида сўради, қўйилган ташхис билан қизиқди. Москвадаги шифоналардан бирига ётиб, даволашни таклиф қилди. Отам касалхоналар жонига текканини айтиб, унинг таклифини рад этди ва Москвага дўхтирлар қўлига тушиш учун эмас, балки санъат байрамида иштирок этгани келганлигини айтди. Охирида, Шароф Рашидович отамни даволанишга кўндирди. Отам шифонага, шунда ҳам Декаданинг адабиётга бағишланган қисми очилганидан сўнггина, ётишга розилик берди.

Шароф Рашидов "Очилиш 16 февраль куни. Ўн еттинчида меҳмонхонадан чиқмай туринг. Соат 12 да ваколатхонамиздан машина келиб, сизни Кремль шифонасига олиб бориб қўяди, жой масаласи тайин", деди.

Бироқ бевақт ажал бу келишувга ўзининг ўзгартишларини киритди. 17 февраль куни уйғониб отам нафас олмайганлигини ҳис этдим.

Мени ваҳима босди. Стол устида отамнинг блокноти ётар эди. Ундан мен таниш ёзувчиларнинг телефон рақамларини излай бошладим. Улар орасида Шароф Рашидовичнинг телефонини топдим ва вақт эрта бўлишига қарамай, унинг телефон рақамини тердим. Гўшакни Шароф Рашидовичнинг ўзи олди. Мен унга отам вафот этганлигини айтдим. Шароф Рашидович биз "Украина" меҳмонхонасида тўхтаганлигимизни билар эди, шунинг учун хонамиз номерини сўради, холос. Мен унга "2002" дея жавоб берар эканман, ҳаяжонланганлигимдан рақамлар тушунарли чиқмади, шекилли, Шароф Рашидович яна бир марта такрорлашимни сўради, ва телефон орқали мени тинчлантиришга уринар экан "Мен ҳозир етиб бораман", деди.

Озгина вақт ўтар-ўтмас, меҳмонхонадаги анча кенгина хонамиз одамга тўлиб кетди. Таниш ёзувчи ва шоирлар келди.

Шароф Рашидович отамнинг майитини Самарқандга самолёт билан жўнатиш ҳақида ваколатхонадагилар билан келишди. Кейин у Комил Яшин билан "Литературная газета" ва республика газеталарига кимлар номидан таъзия бериш ҳақида маслаҳатлашди. Шароф Рашидович Самарқандга кўнғироқ қилиб отам майитини олиб борадиган самолётни кутиб олиш ва кўмиш маросимини муносиб ўтказиш ҳақида ёзувчиларга илтимос қилди. Шароф Рашидов ўзгалар бошига ғам тушганда ҳам шундай қайғурадиган буюк қалб соҳиб эди.

Мен орадан 22 йил ўтиб, ўзим ишлаётган институт масалалари билан Шароф Рашидовичга мурожаат қилишимга тўғри келишини, у эса барча кундалик ишларини четга суриб, суҳбатда иштирок этаётган ҳамкасбларимни ҳайрон қолдириб, Москвадаги ўша машъум тонгни эслашини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Ҳамкасбларим билан 20 йил бирга ишлаган бўлсамда, улар бизнинг оиламиздагилар билан таниш эканлигидан хабарлари йўқ эди.

Шароф Рашидович бошчилигида собиқ партия Марказий Кўми-

таси бюро аъзолари, етакчи олим ва мутахассислар иштирокида САО ВАСХНИЛ ҳайъатининг пахтачиликни янада ривожлантиришга бағишланган йиғилишини эслаيمان.

У қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаётган барча нотқиқларни сабр билан тинглар экан, ҳеч бир янгилик эшитмаганидан кейин, уларга савол бериб, тўғри йўналиш беришга ҳаракат қила бошлади. Жумладан, у пахта далаларини қачон бегона ўтлардан тозалашимиз, хотин-қизларимизни кетмон ва қўл терими ишларидан халос қила олишимиз мумкинлиги ҳақида сўради. Саволлар жавобсиз қолди. Шароф Рашидович вафотидан сўнг, бу борадаги камчиликларнинг барини унга ағдариб қўйишдан осон иш йўқ эди, чунки марҳумлар эътироз қила олмайди.

Қайта қуриш даврида, плюрализмдан фойдаланиб, республика Давлат Агросоноат мутахассислари томонидан Москвадаги юқори ташкилотларга пахта толаси миқдорини пасайтирмаган ҳолда, пахта хомашёси тайёрлаш топширигини қисқартириш ҳақида хат лойиҳаси тайёрланди. Шу йўл билан улар мавжуд бўлмаган юз минглаб пахта хомашёсини чиқариб ташлашга уринишган эди. Пахтачиликдаги барча камчиликларни бартараф этишдан кўра, уларни Шароф Рашидовичга ағдариш осонроқ эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шароф Рашидовнинг номини абадийлаштириш ҳақидаги ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Жиззах вилояти Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилиши ҳақидаги қарорлари халқимизнинг ардоқли фарзандига бўлган эҳтиром ифодасидир.

Р. НАЗАРОВ,
профессор.

АЖОЙИБ ВА ҒАРОЙИБ...

ЭНГ СЕРУНУМ ТУПРОҚ

Парижда жойлашган Ўлчов ва тарози палатасида сақланаётган бир кубометрга тенг миқдордаги қора тупроқ энг серунум тупроқ сифатида тан олинган. Ушбу тупроқ ички тузилиши, ҳаво ва сувни ўтказувчанлик қобилияти каби кўрсаткичларига кўра, шундай номга сазовор бўлган. Тупроқ таркибининг 15 фоизини чўл ўтларининг бир



неча юз йиллар давомида чиришидан ҳосил бўладиган гумус ташкил этади. Мазкур тупроқ барча турдаги қишлоқ хўжалик ўсимликлари учун энг яхши озукқа ҳисобланади. Россиянинг Воронеж яқинидаги ўрмонзордан олинган ушбу тупроқ 1990 йилда Парижда ўтган халқаро ярмаркага олиб келинган, кейин Ўлчов ва тарози палатасига юборилган.

НАПОЛЕОН ШОЛИЗОРДА

1993 йили Япониядаги Инакадате қишлоғидаги фермерлар юртларига кўплаб саёҳатчиларни жалб этиш учун антиқа "реклама" ўйлаб топишади. Улар шולי эккан майдонларини турли рангларга "бўяб чиқишади". Баҳор келиб, шולי экиш мавсуми бошлангач, турли рангдаги шולי кўчатларини ўзлари ўйлаб топган расмга мос ҳолда



экишади. Натижада гуручлар ҳосилга киргач, ажойиб тасвир пайдо бўлади.

Бу тасвирлар орасида нафақат анъанавий япон нақшлари, балки ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайдиган ҳақиқий санъат дурдоналари ҳам бор. Гапимизга мисол қилиб, тепадан нигоҳ ташлаганда бутун дунёга машҳур Мона Лиза ёки Наполеон Бонапартнинг тасвири яққол кўринадиган рангли шולי майдонларини кўрсатишимиз мумкин. Бундан ташқари, бутун ёз бўйи майдондаги расмлар ўз рангини ўзгартириб, ўзгача бетакрорлик касб этади. Бу ҳайратланарли расмларни кўриш учун қишлоққа ҳар йили юз минглаб сайёҳлар ташриф буюришади. Кузда эса фермерлар шолини йиғиб олиб сотишади. Ҳам даромад, ҳам машҳурлик.

ЗАРАРКУНДАГА ҲАЙКАЛ

1915 йили АҚШнинг Алабама штатида узунтумшук қўнғизлар чигит экилган майдонлардаги барча ҳосилни йўқ қилади. Энг ёмони, бу ҳол кетма-кет уч йил давом этади. Фермерлар ушбу зарарли ҳаша-



ротни йўқотишнинг йўлини тополмай, роса бошлари қотади. Шу боис бундай текинхўрлардан безор бўлган фермерлар тўртинчи йили қўнғизларни умуман "қизиктирмайдиган" ерэнгоқ экишга қарор қилишади.

Қизиқ жойи шундаки, ўша пайтда ерэнгоққа талаб ошиб кетади. Шу боис, фермерларга ерэнгоқ пахтага қараганда кўпроқ даромад келтира бошлайди. Зараркундандин миннатдор бўлган фермерлар унга ҳайкал ўрнатишади. Ҳайкал — катта муаммолар ҳам баъзида фаровон келажак учун хизмат қилиши мумкинлигининг ёрқин намунаси сифатида ҳамон штатнинг марказий кўчасига кўрк бўлиб турибди.

ОШҚОЗОНДА МАГНИТ

Голландиялик фермерлар сигирларини магнит ютишга мажбурлашади. Одатда бу жониворларнинг хашак ёки яхши тозаланмаган ем орқали темир парчаси, сим ёхуд мих ютиб юбориш ҳолатлари кўп учрайди. Бу ўткир жисмлар ошқозон терисини тешиши ёки ҳайвоннинг бошқа аъзолари касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун фермерлар янги туғилган бузоқларга уларнинг емига қўшиб катта бўлмаган миқдорда магнит беришади. У қоринга тушиб металлларни ўзига йиғиб, бошқа маҳсулотларнинг ҳазм бўлишига халақит бермай туради.

ҲАР ЁМОННИНГ БИР ҲИКМАТИ БОР

1958 йилда Хитойда қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш бошланиб кетади. Асосий душман сифатида чумчуқлар танланади. Чумчуқлар ҳавода 15 дақиқадан ортиқ вақт мобайнида тура олмайдилар, шу боис хитойликларга қушларни ҳар қандай йўл билан ерга қўндирмаслик бўйича кўрсатмалар берилади. Натижада чумчуқлар бирин-кетин ҳавода ҳалок бўлиб, ерга қулайдилар.

Статистик маълумотларга кўра, ўша йили 2 миллиард чумчуқ йўқ қилинади. Кейинги йили ҳосил чиндан ҳам яхши бўлади-ю, бироқ унинг катта қисмини капалак курти ва чигирткалар еб битиради. Кейин маълум бўлишича, айнан чумчуқлар мазкур зараркунандаларнинг кўпайиб кетишига йўл қўймас экан. Чумчуқларнинг йўқ қилиниши ту-

файли, экологик мувозанатнинг бузилиши ва табиий офат 20 миллион нафар кишининг бошига етган очарчиликни келтириб чиқаради. Охир-оқибат хитойликлар чумчуқларни яна хориждан келтиришга мажбур бўлишади.

ГҶШТЛИ ИЧИМЛИККА ТОБИНГИЗ ҚАЛАЙ?

Яқин кунларда Германия дўконлари пештахталарида гўштдан тайёрланадиган ичимлик сотиш йўлга қўйилади. Ушбу ичимлик яратувчиси 55 ёшли қассоб Питер Классеннинг сўзларига қараганда, маҳсулот сотувга чиқишга тайёр. Айни вақтда Франция, Бельгия ва Люксембурглик ишлаб чиқарувчилар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Питер Классеннинг фикрича, ҳали ҳеч ким бозор расталарида бу каби маҳсулотни кўрмаган ва ичмаган. Ичимликка қизиқиш ҳозирча катта, шунинг учун халқаро бозорга чиқиш, у қадар қийинчи-

лик туғдирмайди. Ичимлик ижодкори, бу таклифни қўллаб-қувватловчилар билан бирга, гўшт ичишни ёқимсиз фикр, деб қаровчилар ҳам борлигини айтмоқда. Бугун Классен харидорларга "Бомбей мол гўшти", "Қироллик товуғи" ва "Стейк" ичимликларини таклиф қилаяпти.

Питер ҳатто ўз ичимлигини тайёрлашнинг баъзи сирлари билан ҳам ўртоқлашди. Аввалига гўштни сабзавотлар билан қовуриб олади, сўнг какао суюқлиги кўринишига етгунча қайнатади. Сўнгра суюқлик идишларга қўйилиб, қадоқланади.

Бу ичимликни тайёрлаш усули устида Питер 3 йил бош қотирган. Совуқ ҳолдаги ичимликни сақлаш муддати бир йил.

ҚИСКА САТРЛАРДА

АҚШнинг бир нечта президенти давлат раҳбарлигига сайлангунларига қадар қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаган ёки фермер бўлган. Улар Жорж Вашингтон, Томас

Жефферсон, Авраам Линколн, Гарри Трумен ва Линдон Жонс.

Олимларнинг ҳисоб-китоби бўйича, 2050 йилга келиб, ер аҳолиси 9,1 миллиард нафарга етади. Ўсиб бораётган аҳолини боқиш учун эса, ҳозиргидан 70 фоиз кўп озиқ-овқат керак бўлади.

Маълумотларни солиштирсак, инсон учун энг мақбул егулик бу ҳашаротлар экан. Улар чиқитсиз таом ҳисобланади. Агар мол, товуқ ва чўчқаларнинг 50 фоизи ейишга яроқли бўлса, чигиртканинг 80 фоизини ейиш мумкин.

Бугун биз озиқланадиган маҳсулотларнинг учдан бири, асаларилар туфайли дастурхонимизга кўрк бағишлайди. Уларсиз ҳатто, оддий кофе ҳам жуда қиммат ва ноёб нарсага айланарди. Гап шундаки, ўсимлик ва мевали дарахтларнинг катта қисми арилар ёрдамида чангланади.

Қутлов

“Сурхондарёдон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти жамоаси

**Барча юртдошларимизни
халқимиз асрий орзу-умиди
ушалган кун билан
самимий муборакбод этади.
Мустақиллигимиз бардавом бўлиб,
жонажон Ватанимизнинг жаҳон
миқёсидаги обрў-эътибори йилдан-йилга
юксалаверсин!**



ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХО‘ЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)
Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Аброр ВАХАБОВ
Тўлқин САФАРОВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Низомиддин БАКИРОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Баҳодир ЮСУПОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Яшин ХИДИРОВ
Сурат ҲАЙДАРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Тошгемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2017 йил,
№9. Сентябрь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти
йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи 1

Ч.ЧЎТПЎЛАТОВ. Байрамга байрамлар уланмоқда..... 4

З.МИРЗАЕВ. Аграр соҳадаги жадал ислохотлар 5

Мукофот муборак! 7

Б.ТОШНАЗАРОВ. Қизилқумнинг фидойи ўғлони 8

Меҳнатдан ҳурмат топиб 8

М.ФАЙЗУЛЛО. Тадбиркор — деҳқонга ҳамкор 9

Ш.НОРИЕВА. Юксак мукофот шижоатли меҳнатга чорлайди 10

Д.МАРАСУЛОВА. Рағбат ғайрат бахш этди.. 11

А.ШАМСИЕВ. "Буюк девор" танлови ғолиби 12

Ж.ШЕРМАТОВ. Мироблар тажриба алмашишди 13

О.ХЎЖАЕВ. Масъулият ва ҳушёрлик — бош мезон 13

У.СОЛИЕВА, И.АКРАМОВ, О.АНАРБЕКОВ.
Ўзбекистонда сув ресурсларини мукаммал
бошқаришни татбиқ этиши 14

Н.РУҲИДДИНОВ. Кузги шудгор ва заминоб 15

Имкониятлар йўл очганда 16

Ф.ТЕШАЕВ, Ж.АХМЕДОВ, Б.НИЯЗАЛИЕВ. Пахтакор хирмони .. 17

М.ТОШБОЛТАЕВ. Пахта териш машинаси — деҳқон мададкори . 19

Р.СИДДИҚОВ, Ф.АСРАНОВ, Н.ЮЛДАШЕВА.
Фаллакор ишга киришди 21

Б.ХАЛИКОВ, А.ИМИНОВ, Ф.НАМОЗОВ.
Оралиқ экинлар — чорвага озуқа, ерга ўғит 23

Р.ҲАКИМОВ, Ф.РАСУЛОВ, З.ДЕХҚОНОВА.
Саримсоқпиёзни эрта кузги муддатда етиштириш 25

Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА. Сунбула — серюмуш ой 26

Янгиравотлик уруғчилар 28

М.ТОИРОВ. Томорқа – ҳам даромад, ҳам соғлиқ гарови 29

Қиш дастурхонига... 30

Н.ҲАФИЗОВА. Соя мамлакатимизда оммалашмоқда 34

Х.КАРИМОВ. Шундай давр келди 35

Экинсиз ерни ўт босади 36

Ш.ЖАББАРОВА. Чорвачиликдан деҳқончиликка 37

Боғдорчилик — сермахсул соҳа 38

К.ЭРГАШЕВ. Ота-бола фермерлар 39

Чўлдаги бўстон 40

Отам юрган далаларда 41

С.РУСТАМОВ. Техникага ҳамisha эътибор керак 43

Ф.МИРЗАЕВ. Ютуқлар омили — изланишларда 45

Ш. САДИКОВА. Ўрмон – табиат дорихонаси 46

Б.ХАТАМОВ. Маккажўхори йиғиш машинаси 48

М.БОТИРОВ, Г.УСМОНХЎЖАЕВА. Экиш муддати
ва усулларига кўра беданинг унувчанлик ҳамда яшовчанлиги 49

Г.ТУРАМУРАТОВА, А.МАМБЕТНАЗАРОВ, С.САДИКОВА,
А.МАРУПОВ. Соляризация почвы в борьбе с
вилтовыми патогенами 51

А.АБДУҒАНИЕВ. Юксалишнинг иқтисодий таҳлили 52

Р.НАЗАРОВ. Буюк қалб соҳиби 53

Ажойиб ва ғаройиб... 54

Журнал Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтоҳур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 71 242 13 54,
+998 71 242 13 24.

www.qxjournal.uz
E-mail: qxjournal@qsxv.uz,
uzqx_journal@mail.ru

© «O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi»

Босмахонага топширилди: 2017 йил
2 сентябрь. Босишга рухсат этилди:
2017 йил 4 сентябрь. Қоғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма №247 Нусхаси 4300 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Б.ЭСОНОВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**